***1.Мавзу:  Маданиятшунослик фанининг предмети ва вазифалари.***

***“Маданият” тушунчаси талқини.***
***Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари. Маданият ва маънавий мерос.***

**Маъруза режаси.**

*1. Маданиятшунослик предмети, вазифалари, асосий манбалари ва бўлимлари.*

*2. “Маданият” тушунчаси талқинида илмийлик.*

*3. Моддий ва маънавий маданият, уларнинг ўзаро алоқадорлиги.*

*4. Маданиятни инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти.*

Маданиятшунослик –жамият маънавий тараққиётининг умумий қонунлари, уларни ҳаракатга келтирувчи кучлар, инсоннинг маданий-тарихий жараёнда ҳамда маданият соҳасида тутган ўрни ҳақидаги фандир. Маданиятшуносликнинг баҳс мавзуи, предмети қуйдаги масалаларни ўз ичига олади:

1.Маданиятнинг моҳияти, мазмуни, тузилиши, асосий функциялари.

2.Маданиятнинг тарихий тараққиёт қонунлари, маданий ворислик жараёнлари, маданий меросдан фойдаланиш тамойиллари.

3.Маданиятнинг миллий-этник ўзига хослиги, миллатлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, уйғунлаштиришда маданий алоқалар ҳамда умуминсоний аҳамияти.

4.Шахснинг маънавий шаклланиши ва камол топишида, инсоний муносабатларни олийжаноблаштиришда маданиятнинг ўрни.

Маданият мураккаб ва серқирра тарихий ҳодиса бўлиб, ҳар бир фан ўзига хос тарзда маданият тушунчасини яратади. Шу туфайли ҳозирги вақтда илмий адабиётларда унинг 250 дан ортиқ таърифи бор.

Кўпгина халқларда маданият тушунчаси ўрнида лотин тилидан қабул қилинган **культура** атамаси ишлатилади.

**Культура**-бу дастлаб табиат объектларининг инсон меҳнат фаолиятининг натижасида ўзгариши, парвариш қилиш, ишлов бериш, деҳқончилик билан шуғулланиш тушунилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, лотинча атамани қабул қилган халқларда ҳам кейинги вақтларда бу тушунчага кенгроқ мазмун берилиб, маърифатлилик, билимлилик, тарбия кўрганлик маъноларида қўлланила бошланган. Ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг кейинги босқичларида маданиятни, деярли барча халқларида, гарчи турли шаклларда бўлсада, моҳият эътибори билан айнан маънавий фаолият соҳаси сифатида тушуниш устувор бўлиб келди. Фақат XIX аср ўрталаридангина маданият тушунчаси кенгроқ маънода, яъни инсон фаолияти натижасида юзага келган барча нарсаларга нисбатан ишлатила бошланди. Маданият тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: «Маданият инсоннинг фаолияти жараёни, унинг натижасида яратилган маънавий қадриятлар бўлиб, ўз навбатида шахснинг шаклланиши ва камол топишида муҳим омил ҳисобланган ижтимоий ҳодисадир». Маданият тушунчасида ҳаётнинг биологик шаклларидан фарқли ўлароқ, инсон фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда бу фаолиятнинг тарихий тараққиётнинг муайян босқичларидаги, маълум бир тарихий даврдаги, миллий ва этник ривожланишдаги сифати ўзига хослик ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳар бир фан ўз илмий тадқиқ этадиган муаммолар соҳасига эгадир. Фан ўз мақсади, муаммолари, манфаатлари соҳасини, тажрибасини, текшириш усуллари, асосий назарий ва амалий масалаларини аниқ белгилаб олиб, шулар асосида олам, унинг ҳодисалари, улар ўртасидаги ўзаро алоқа ва муносабатларни қамраб чиқади, уларни ўзининг баҳс мавзуи ва текширишлари доирасига олиб киради.

**Маданиятшунослик** жамият маънавий тараққиётининг умумий қонунлари, уларни ҳаракатга келтирувчи кучлар, инсоннинг маданий-тарихий жараёнда ҳамда маданият соҳасида тутган ўрни ҳақидаги фандир. Маданиятшуносликнинг баҳс мавзуи, предмети, қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- Маданиятнинг моҳияти, мазмуни, тузилиши, асосий функциялари;
- Маданиятнинг тарихий тараққиёт қонунлари, маданий ворислик жараёнлари, маданий меросдан фойдаланиш тамойиллари;
- Маданиятнинг миллий-этник ўзига хослиги, миллатлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, уйғунлаштиришда маданий алоқалар ҳамда умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти;

- Шахснинг маънавий шаклланиши ва камол топишида, инсоний муносабатларни олийжаноблаштиришда маданиятнинг ўрни.

Ҳар бир фанга изоҳ берилганда, одатда, унга билимлар тизими эканлигидан келиб чиқиб ёндошилади. **Маданиятшунослик** фани бу – ҳақиқатлар, далиллар, кузатишлар, ғояларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки жамият ва инсоният амалий фаолияти жараёнида тўпланган, синовдан ўтган билимлар тизимидир.

Маданиятшунослик фанининг қуйидаги бўлимлари мавжуд:

- Маданият фалсафаси;
- Маданиятнинг тузилиши шакли (морфологияси);
- Маданият социологияси;
- Маданият тарихи;
- Маданият экологияси.

Ушбу бўлимларни изоҳлаб ўтсак.

**Маданият фалсафаси** мураккаб жараёнларни таҳлил қилишда ёндошувнинг энг умумий тамойилларини намоён қилиб таснифлаш асосида иш юритади.

**Маданият морфологияси** маданият ривожи жамиятнинг ички қонунларига ўзаро боғлиқдир, деб ҳисобловчи таққослаш, таҳлил ва бошқа услублар асосида маданият ривожланишининг манбаи ва омилларини очишга уринади.

**Маданият социологияси** бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади; бу ҳар хил социологик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган маданият жараёни эмприк (тажриба) тадқиқ қилишда маълум маданият шароитида кишиларнинг ўзаро муносабатларида, социомаданият тоифаларда намоён бўлади.

**Маданият тарихи** ҳар бир маданиятни ноёб ва асл ҳодиса сифатида ўрганади. Шунингдек, турли маданиятларни ўзаро таққослайди, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, замон ва макондаги уларнинг фарқларини маданий тараққиётидаги ўзига хос ва умумий томонларни тадқиқ этади.

**Маданият экологияси** замонавий инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини: инсоннинг индивидуал ҳаётини, жамият ҳаёти, табиат билан

ўзаро муносабатларини қамраб олади. Бу маданиятшунослик тадқиқотидаги энг янги фаол ривожланаётган соҳалардан бири.

Бу бўлимларнинг ҳаммаси қайсидир бир маънода маданиятшуносликнинг долзарб объекти сифатида жамият ва маданиятнинг ривожида аҳамият касб этмоқда.

**1.2. масала баёни:**

Маданий жараённинг ўзига хослиги шундаки, борлиқ ва муносабат, нарсанинг мавжудлиги ва унинг рамзий мазмуни уйғунлигига эга бўлади.

Моддий маданият ва маънавий маданиятнинг асосий икки соҳаси бўлиб, бир-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда ва бир-бирини тақазо қилган ҳолда ривожланади. Моддий маданият ҳар доим маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли ҳисобланади, ўз навбатида маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда моддий уйғунликда мужассам бўлади.

**Моддий маданият** деганда меҳнат қуролларини, кишиларнинг меҳнат кўникмаларини, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган инсон томонидан яратилган барча моддий бойликларни англаймиз.

**Маънавий маданият**га инсоннинг ақл-заковати орқали маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, аҳлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маъориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир.

Моддий маданиятни маънавий маданиятдан батамом ажратиб қараш мумкин эмас. Уларнинг бўлиниши нисбий, чунки бирорта моддийбойликни инсон ақл-идрокисиз, тафаккурисиз, ақлий меҳнатисиз яратиб ва такомиллаштириб бўлмайди.

Бошқача айтганда, моддий маданиятни яратиш замирида ҳам маънавият ётади.

Моддий маданиятга меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, турмуш маданияти, экологик маданиятлар киради. Ишлаб чиқариш воситалари моддий маданиятнинг муҳим қисмидир. Замонавий техника ютуқлари жамият моддий маданиятининг асосини белгиловчи жиҳатдир.

Маиший турмушдаги истеъмол буюмлари ҳам ҳар бир халқнинг моддий ҳаёт даражасини белгилайди. Шу ўринда моддий маданият ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмларининг оддий мажмуидангина иборат бўлмай, уларни ижодий ўзлаштириш, янгидан яратиш, улардан мукаммал фойдаланиш усуллари ҳамдир.

Моддий маданият муайян тарихий даврда жамиятда мавжуд бўлган буюмларни моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг барча соҳаларини ва натижаларини ўз ичига олади.

Инсоният тарихининг бошларидан кишилар маънавий маданиятини белгилашга, унинг шаклланиш сабабларини аниқлашга, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари қандай сифатга эга бўлишлари кераклиги ва маънавий ижодкорлик жараёнини тушунтиришга уринганлар. Инсондаги барча қобилият табиатан мавжуд бўлиб, унинг шаклланиши инсоннинг пайдо бўлиш давридан бошланган. Ундаги жисмоний ва руҳий жиҳатлар такомиллашиб, интеллектуал ва ҳиссий имкониятлар кучайиб борди. Маънавий маданият кишилар маънавий ижодкорлиги фаолиятлари натижалари –тасаввурлар, ғоялар, илмий билимлар, диний қарашлар, санъат соҳалари, аҳлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлади. Бундай маънавий қадриятлар ўзича пайдо бўлмайди, балки муайян тараққиёт босқичида ўзаро муносабатга кирадиган кишилар томонидан яратилган. Маънавий маданият – маънавий ижоднинг шунчаки маҳсулоти бўлмай, балки ижодий фаолиятни амалга оширадиган кишилар ўртасидаги муносабатни ҳам билдиради. Шунингдек, маънавий маданият таълим ва фан соҳаси билан боғланган илмий фаолият ва билим олиш жараёни билан узвий бўлган билиш маданияти, аҳлоқий ва эстетик маданиятни ўз ичига олади. Натижада, маънавий маданият ўзаро узвий боғлиқликда, инсон маънавий фазилати ва фаолиятининг нарсаларда моддийлашган шаклида, инсон томонидан яратилган маънавий қадриятлар шаклида (илм, санъат, ҳуқуқ, аҳлоқ қоидаларида) мавжуд бўлади.

### 1.3. масала баёни:

Маънавият кўп қиррали маънавий – ижтимоий ҳодиса бўлиб, у инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олади. Маънавиятнинг таркибий қисмларидан бири бу маънавий мерос саналади.

Буни тушуниш учун умуман мерос, жумладан маданий мерос тушунчаларини билиб олиш муҳимдир.

**Мерос** – бу инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичда яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейингисига етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари мажмуидир.

Маданий мерос ҳам мерос доирасига киради, аммо, ундан бироз фарқ қилади. Ўтмишдаги маданият бойликлари мерос сифатида сақланиб қолиши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам маданий қадриятга эга бўлавермайди.

**Маданий мерос** деб, ўтмиш авлоддан кейинги авлодга ворислик асосида қолдирилган, замонда барқарорлик синовидан ўтган, сараланган, инсониятнинг ҳозирги ва келгуси тараққиётига хизмат қиладиган моддий ва маънавий маданият мажмуига айтилади.

Маданий мерос билан бирга маънавий мерос ҳам бор. Улар ўзаро бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг ўртасида ўтиб бўлмас “Хитой” деворини қўйиш ҳам мумкин эмас. Маданий мерос ўз кўлами жиҳатидан маънавий мерос тушунчасидан кенгроқ.

Маданий меросда кўпроқ умумийлик устун қилса, маънавий меросда хусусийлик устун қилади. Маданий мерос умуман маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олса, маънавий мерос маънавий маданият ютуқларини ўз ичига қамраб олади.

Шундай қилиб, маънавий мерос деб узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан ғоят қимматли, ўчмас из қолдирган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган, умуминсоний аҳамият касб этган маънавий бойликларга айтилади. Маънавий мерос маънавий қадрият сифатида намоён бўлиб, унга илм-фан, жумладан, адабиёт, фалсафа, санъат, аҳлоқ, диндаги реал, дунёвий таълимотлар, ҳурфикрлилик ва бошқалар киради.

Маънавий мерос замонлар ўтиши билан ўз қадрини йўқотмайди, балки сифат жиҳатдан, янгича аҳамият касб этади. У кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, аҳлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди.

Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари келгуси авлодларга ғоят бой маданий мерос қолдирган. Маданий меросимиз жиҳатидан жаҳондаги олдинга ўринлардан бирини эгаллаймиз. Президентимиз ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», рисоласида айтганидек, «Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма,

уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, аҳлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, химия, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид 10 минглаб асарлар бизнинг беқиёс бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамалакатларигина биз билан белаша олиши мумкин...”. Буларнинг ҳаммаси Турон заминида яшаган аждодларимизнинг биз авлодларига қолган маънавий, тарихий меросиким, энди бу нодир маънавий меросимизни жиддий ўрганиш, халқимизга етказиш даври келди. Бунинг учун барча имкониятлар мустақил давлатимиз томонидан яратиб берилмоқда.

## 1.4. масала баёни:

Мустақиллик йилларида бой меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маданиятимизга жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди, ҳамда таваллуд кунлари бутун мамлакат ва халқаро миқёсда нишонланди. Бундай ишлардан ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган қуйидаги алломалар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ва шоирларимизнинг юбилейлари нишонланди. 1991 й. - Алишер Навоий таваллудининг 550 й, 1994 й. Мирзо Улуғбек таваллуднинг 600 й., 1996 й. Амир Темур таваллудининг 660 й., 1997 й. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 й, 1998 й. Аҳмад Фарғонийнинг 1200 й. ва Имом ал-Бухорий таваллудларининг 1225 й., 1999 й. Жалолиддин Мангубердининг таваллудининг 8000 й., 1999 й- “Алпомиш” эпосининг 1000 й., 2000й Бурхониддин Марғилоний таваллудининг 910 й., 2000 й. Имом Мотуридий таваллудининг 1130 й., 2000 й Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 й, 2001 й “Авесто” яратилганинг 2500 йиллиги, 2002 й. Термиз ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 й, 2003 й Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 й., 2006 й. Қарши шаҳрининг 2700 й., 2006 й. Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий мерosларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш тарғиб этиш учун кенг йўллар очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширила бошланди.

Маънавий – маърифий ишларнинг ривожланиши учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилди. Ўзбекистондаги барча давлат театрлари, маданият уйлари, санъат Олий ўқув юртлари, фольклор, этнографик гуруҳлар маданият ўчоқларига айланиб қолди. Баҳовуддин Нақшбанд, Феруз, Хўжа Ахрор, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби алломаларнинг номлари тикланиб, асарлари чоп этилди. Мустақиллик даври адабиётининг байроқдорлари Ўзбекистон қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Ҳабиб Саъдуллаевлар ижодий фаолияти билан бутун халқимиз фахрланадиган давр бошланди. Мустақиллик йилларида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Шу йил ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида “Темурийлар даври фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” мавзуида анжуман ва унга бағишланган кўргазма очилди. Мамлакатимизда “Темур ва темурийлар” музейи, Амир Темур номи берилган боғлар, кўчалар барпо этилди. Миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши борасида Президентимизнинг 1990 йил июнь ойидаги фармонига имзо қўйиши натижасида 1991 йилда ҳаж бахтига 350 киши сазовор бўлган бўлса, 2001 йили ҳожиларимизнинг сони 3801 кишига етди. Жами Мустақиллик йиллари ҳаж ибодатини адо этишга мувоффақ бўлганлар сони 40 минг кишидан ошиб кетди. 1992 йил Президент фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайит кунлари умумхалқ байрами, деб эълон қилинди. Шу йили “Наврўз” умумхалқ байрами сифатида қайта тикланганлиги фармон билан тасдиқлаб қўйилди.

Ўзбек юрти азалдан қадимий динлар ривож топган макондир. Ҳозирги кунда кўп миллатли республикамизда Ислом ва бошқа турли динларни ўз ичига олган 17 та диний ташкилот мавжуд бўлган бўлса, 2004 йилнинг 6 августига келиб уларнинг сони 2169 тага етди. Бундан ташқари диний ўқув юртларининг иши ривожлантирилди. Мустақилликкача 2 та диний ўқув юрти ишлаган бўлса, ўтган йиллар давомида уларнинг сони 13 тага етди (11 та Исломий ва 2 та ноисломий).

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий қайта қуришлар қаторида маданият соҳасида ҳам тубдан ўзгаришлар рўй берди. Бу аввало театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик, адабиёт соҳаларида яққол кўзга ташланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада янги театр жамоалари ташкил этилди. Республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими бунёд этилди. Мустақиллик йилларида амбулатория-поликлиника муассасаларининг сони 3 мингдан 4,8

минггача ёки 1,6 баровар ортди. Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди. Мамлакатимиз халқаро INTERNET тизимига кенг миқёсда уланди ва аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилди.

Халқ маънавий-маданий ҳаётининг фаровон турмуш тарзининг янада яхшилаш мақсадида ҳозирги кунда одат тусига аланган, ҳатто дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётган, Ўзбекистондаги ҳар бир ўтаётган йилга ном қўйиш анъанаси шахсан Президентимиз таклифи ва ташаббуси билан ўз амалий аҳамиятини топмоқда. Чунончи,

1996. йил Амир Темур йили;
1997. йил Инсон манфаатлари йили;
1998. йил Оила йили;
1999. йил Аёллар йили;
2000. йил Соғлом авлод йили;
2001. йил Она ва бола йили;
2002. йил Қарияларни қадрлаш йили;
2003. йил Обод маҳалла йили;
2004. йил Меҳр-мурувват йили;
2005. йил Сиҳат саломатлик йили;
2006. йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили;
2007. йил Ижтимоий ҳимоя йили;
2008 йил Ёшлар йили

2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилиниб, шу йилларда амалга оширилган маданий-маърифий тадбирларнинг кўлами билан ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди.

2008 йил ёшлар йили, деб эълон қилинишида фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашда, ёш авлодни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маданиятнинг моҳияти ва ижтимоий ҳаётидаги ўрнини тўғри тушуниш учун унинг таркибий қисмларини билиш, қараб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аввало ҳар қандай жамият ва ана шу жамиятнинг субъекти бўлган инсон маданий тараққиётини ифодаловчи мезонлари таркибий қисмларга нималар киришини билиб олиш муҳимдир.

Бизнингча булар қаторига қуйдагиларни киритиш мумкин: меҳнат маданияти, сиёсий маданияти, хуқуқий маданият, мулоқат маданияти, нутқ маданияти, аҳлоқий маданият, эстетик маданият, фалсафий маданият,

турмуш маданияти, педогогик маданият ва бошқалар. Маданиятнинг мазкур таркибий қисмлари шахс маданий тараққиёти даражасини кўрсатувчи мезонлар саналади. Буларни билиб олиш ва уларга амал қилиш эса шахс маданий юксалишида муҳимдир. Бу эса ўз навбатида жамият ривожида хал қилувчи омил сифатида хизмат қилади.

Қуйдаги жамият ва шахс маданий тараққиёти таркибий қисмларининг баъзи бирлари устида фикир юритамиз.

Сиёсий маданияти –сиёсий маданият сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолияти шаклида намоён бўлади. У ўз мазмунига кўра шахслар, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий фаолияти ва жамият сиёсий ҳаётида қатнашиши малакасини ўзлаштиришни, унда қатнашиш даражасини ифодалайди. Сиёсий маданият ҳоят даражада мурауаб кўп қирралидир. Хозирда адабиётларда сиёсий маданият тушунчасига 30 дан ортиқ таъриф берилган. Сиёсий маданият кенг ва тор маъноларга эга. Кенг маънода сиёсий маданият кишиларнинг сиёсий билимлари, жамият сиёсий ҳаётига мўлжал баҳолари, ҳатти-ҳаракатлари даражаси ва табиатини англаб, сиёсий жараёнларга муносабатларни йўналтириб туриш мазмуни, анъаналари ва қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Зотан ҳар бир киши шу жамиятда яшаб туриб унинг сиёсий ҳаётидан четда тура олмайди. Истайдими йўқми унга ўз муносабатини билдиради. Тор маънода сиёсий маданият сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифати даражасини белгилаб берадиган кишиларнинг ўзаро мулоқат тарзини англатади.

Сиёсий маданият муаян жамиятга –хос бўлган сиёсий билимлар ва қарашлар, қадриятлар ва эътиқодлар, анъаналар ва расм-русмлар, шунингдек сиёсий хокимятнинг амалга ошириш, уни бошқариш қонун-қоидалари тизимининг умумий ифодаси демакдир.

Ҳар қандай жамиятда инсон муайян маданиятга, хусусан сиёсий маданиятга эга бўлади. Бу эса унинг ўз фикрлари, қарашлари, ҳиссиётлари, сиёсий ҳукум чиқаришларида намоён бўлади. Зотан Арасту таъбири билан айтганда, инсон –бу сиёсий мавжудотдир. Ҳар бир инсон ўзи яшаб турган жамият сиёсатига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатни билдириши зарурлиги объектик холатдир.

Меҳнаткашлар сиёсий маданияти ривожланишининг асосий омили уларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб бориши билан боғлиқдир. Зотан, ҳар қандай жамиятда кишиларнинг жамият фаолиятини бошқаришига қанчалик жалб қилинганлиги шахслар сиёсий маданияти

ривожланганлиги даражасининг асосий кўрсатгичи ҳисобланади. Сиёсий маданиятнинг бирча таркибий кўринишлари кишиларнинг ижтимоий фаолияти фаоллиги орқали намоён бўлади. Мустақил Ўзбекистонда халқимизнинг сиёсий маданиятини ўстириш фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш оргонлари ишда фаол иштирок этишларига жалб қилиш муҳим аҳамияга эгадир.

Иқтисодий маданият – ҳар бир цивилизация, ҳар бир тарихий давр ўзига хос меҳнат маданиятини яратади. Меҳнат маданияти тараққиёти инсоният маданий-маънавий тараққиётнинг муҳим омилидир.

Марказий Осиё мутафаккирлари меҳнатнинг жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамиятига юксак баҳо берганлар, уни саодат калити, инсонни комолга етказувчи муҳим омили сифатида тавсифлаганлар. Бу ўринда Боҳоуддин Нақшбанднинг “Кўнгил Оллоҳдаю қўл эса меҳнатда” шиорини эслашнинг ўзи кифоя.

Меҳнат маданиятининг назарий-фалсафий масалалари XVIII –XIX аср Ғарбий Оврупо файласуфларининг доимий эътиборида бўлиб келди. Жумладан немис файласуфи Гегель ўз асарларида меҳнат маданиятини батафсил таҳлил қилиб, уни “амалий маданият” деб атади. Гегель амалий маданият меҳнат воситасида эгалланиб, у ҳар бир кишида нима биландир шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиради, деб кўрсатган эди. Шу билан бирга меҳнатни инсон комолатининг манбаи деб тарифлаган.

Меҳнат маданияти инсон шахснинг камол топиши билан узвий боғлиқдир. Инсон шахсни камол топмагунча меҳнат маданияти ривожлана олмайди. Уларнинг бири иккинчисини тақазо этади.

Ўзбекистонда қарор топаётган бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат маданияти ривожланишининг объектив асослари вужудга келяпти. Чунончи мулкдорлик хуқуқи ва тадбиркорлик туйғуси мамлакатимиз аҳолиси орасида тобора кенг ва чуқур ёйилиб бораётгани бунинг далилидир. Ўзини мулкдор, мулк хўжайини деб хис этиш инсоннинг яшириш куч-ғайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилятини намоён этади, унинг ташаббускор ва омилкор қилади.

Меҳнат маданиятининг мазмуни ғоят мураккаб ва кўп қирралидир. Булар қаторига меҳнатни ташкил этишни билиш ва уни ташкил этиш; жамоада биргаликда ишлай билиш, жамоанинг энг яхши анъаналарини ҳурмат қилиш ва уни давом эттиришни; онгли меҳнат интизоми ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ҳар бир ёш авлод ҳаётга қадам қўяр экан, ўз аждодларидан фақат меҳнат воситаларигина эмас, балки меҳнат маданиятини кейинги авлодларга худди моддий ашёлар сингари  ўз-ўзидан берилмайди, балки у ёш авлод томонидан меҳнат жараёнида ўзлаштирилади.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, меҳнат маданиятига қуйдагича таъриф бериш мумкин: Меҳнат маданияти инсоннинг меҳнатга, маҳсулот сифатига,  меҳнат предмети ва воситаларига, ўзига ва ҳамкасбларига бўлган муносабатида ифодаланадиган ҳақиқий инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш меъёри ва усулидир.

Ҳуқуқий маданият – Ўзбекистон ўз олдига адолатли демакратик ҳуқуқий давлат,  қуриш ва фуқаролик жамиятни  шакллантириш вазифасини қўйган. Бу муҳим вазифани амалга оширишда халқимизнинг хуқуқий маданиятини юксалтириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки қонунларни  билмаган, улар амал қилмаган  ва бўйсунмаган  жойда тинчлик-тотувлик, тартиб-интизом ва фаровон ҳаёт бўлмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳуқуқий маданиятнинг  ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти каттадир.

Хуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, хуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдагина  иборат эмас. У қонунларга амал қилиш  ва уларга онгли равишда бўйсуниш маданияти демакдир. У одил судни ҳимоя қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожат этиш эҳтиёжи демакдир. Хуқуқий маданият дегани –турли можароларни хал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланиш, ишларга, ҳатти-ҳаракатларга қўл уришни рад этиш демакдир.

Хуқуқий маданият эгаси бўлган киши жамият талаблари ва қоидаларига ҳурмат билан қарайди, жамиятни бошқаришда ўзининг ҳуқуқий малака ва билимларини ишга солиб фаол қатнашади.

Қонунларни билиш, ҳурмат қилиш жиноятдан, жиноий оламдан йироқ юришнинг бирдан –бир йўлидир. Қонунларга ҳурмат инсон маданияти бўлиб қолганда бундай жамиятни бошқариш, адолатни қарор топтириш осон бўлади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантирмай ва қарор топтирмай туриб қонунларни менсимайдиган бузғунчилар, ўғри ва юлғичлар, товламачилар, ахлоқ-одобсизликлар, қотилликлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тугатиш анчайин мушкул иш.

Қаерда қонунларга итоат қилинмас экан, у ерда адолат бузилади, зўровонлик вужудга келади, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар кучаяди ва охир-

оқибатда жамият маданий-маънавий қашшоқликка учраб парокандаликка юз тутади.

Шундай қилиб юқоридагилардан келиб чиқиб, <u>ҳуқуқий маданият</u> бу <u>қонунни тушуниш, билиш, ҳаётга тадбиқ этиш, ижросини таъминлаш</u> ва ҳар бир шахсни, фуқарони ижтимоий ҳаётга фаол иштироки ва бундай фаолликни бошқалардан ҳам талаб қилиш <u>жараёни</u>, деб таърифлаш мумкин.

Мана шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданиятни юқори даражага кўтариш тарбия борасидаги асосий ишларимиздан бири бўлиб қолмоқда.

<u>3 масаланинг баёни</u>: ахлоқий маданият –ахлоқ тушунчаси  билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тадрижий давомидир. Лекин улар тенг, бир маънодаги ижтимоий ходисалар эмас. Чунончи  ахлоқ айни жамият ахлоқининг ҳамма қирраларини, таркибий қисмларини  уларнинг ички зиддиятлари билан қамраб олса, <u>ахлоқий маданият</u>  фақат жамиятнинг ахлоқий ютуқларини, жамият ахлоқининг инсонпарварлик мазмунини, бошқача  айтганда фақат ахлоқнинг ижобий жиҳатларини ўз ичига олади. Яъни ахлоқий маданиятда салбий маъно йўқ.

Ахлоқий мадания жамият эъзоларнинг юксак ижобий ахлоқий маданият жамиятнинг юксак ахлоқлилигини ифодалаб ахлоқсизликнинг ҳамма кўринишларига зид ходисалар.

Ҳар қандай жамият ахлоқий  маданиятидаги устувор, белгиловчи жиҳатини аввало ахлоқий эътиқод ва инсонпарварлик ташкил этади. Ахлоқий эътиқод ахлоқий маданиятнинг негизи, заминидир. <u>Ахлоқий  эътиқод</u> бирор бир ахлоқий таълимотга онгли, қатъий ишониш, унга ихлос қўйиш, оғишмай амал қилишдир. Аниқроқ ва соддароқ қилиб айтсак ва ёндошсак, ахлоқий эътиқод инсон қадр-қимматига, улуғлигига, унинг ахлоқий юксалишига комил ишончдир, инсонга меҳр-оқибат, олий маъсулят эканига иқрор бўлишдир.

Инсондаги барча ижобий ахлоқий фазилатлар, яхши хулқ, шарм-ҳаё, раҳм-шафқат, поклик, вафо ва садоқат ва бошқалар  ахлоқий эътиқоднинг кундалик амалий ифодасидир. У виждон ва диёнатнинг мазмунидир, кишини ҳамма вақт тўғри, ахлоқий йўлга бошловчи, ахлоқсизликдан қайтарувчи ички  маънавий кучдир.

Инсонпарварлик –ахлоқий маданиятнинг бош белгиси, асосий мазмунидир. Инсонпарварликда ҳар бир шахс, миллат ва жамиятнинг ахлоқий қарашлари, эътиқоди, урф-одатлари мужассам ҳолда намоён бўлади.

Фалсафий маънода инсонпарварлик –инсонни, унинг қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб қараш ва шунга мос хулқдир. Меҳр –мухаббат, раҳм-шафқат, саҳийлик, олийжаноблик, катталарга хурмат, аёллар ва болаларга ғамхўрлик, етимпарварлик ва ҳақазолар инсонпарварликнинг турли амалий кўринишларидир.

Ўзбекистоннинго мустақил тараққиёт сари йўл тутиши жамиятимиз ахлоқий маданиятни кўтариши учун кенг имкониятлар яратяпти. Аммо

ахлоқий маданиятни юксалиши ўта мураккаб, зиддиятли, давомли жараёндир. У, бир томондан, иқтисод ва сиёсатга, демократия даражасига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, оилавий ва ижтимоий тарбия савиясига , сифатига бориб тақалади. Ахлоқий маданиятни ташқи тайзиқ, зўровонлик билан қарор топтириб бўлмайди. У инсоннинг “ичидан” , унинг маънавиятидан ўсиб чиқадиган ходисадир. Ахлоқий маданиятни кўтаришнинг бош йўли тарбиядир. Ахлоқий маданият –эркин тафаккур, мустақил мавқенинг махсулидир. Ижтимоий муаммолар мунтазам ҳал қилиб бориш, ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш ахлоқий маданиятни кўтаришнинг зарур шартидир.

Фалсафий маданият –кенг ва тор маъноларга эга. Кенг маънода фалсафий маданият умуман фалсафа унинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий билимларни англатади. Тор маънода эса шахснинг табиий –илмий, фалсафий билимлари ҳамда улардан амалиётда фойдаланишини билдиради. 1. Инсоният томонидан яратилган фалсафий ғоялар, маълумотлар. 2. Назариялардан унумли фойдалана олиш қобиляти фалсафий маданият асосини ташкил этади.

Фалсафа ҳар бир шахснинг ҳаётий фаолиятида муҳим ўрин тутади. У инсон ҳаётий фаолиятини оқилона ташкил этиш санъатидир. Фалсафий маданият ҳазинасидан бебаҳра бўлиш бахтсизлик, маънавий қашшоқлик, тўғрироғи нодонликдир.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётнинг хозирги босқичида шахснинг фалсафий маданиятини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Билимдонликка, ўйлаб фикрлашга, доноликка интилмаган мутахассис тўлақонли бўла олмайди.

Фалсафий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришда халқнинг тарихи ташкил топган бой маданий меросни ўрганишнинг аҳамияти катта.

Фалсафий маданиятнинг ёшлар ҳаётида аҳамияти каттадир, уларни ижодиётга, мустақил фикрлашга, ташаббус кўрсатиш ва фаолликка ундайди.

Шундай қилиб, фалсафий маданият, фақат фалсафанинг ўзи, унинг қонун ва қоидаларигина эмас, балки табиий-илмий билимлардан фойдаланиш, доноларча фикр юритиш фаолият кўрсатиш ва яшаш қобиляти демакдир.

<u>Эстетик маданият</u> кишиларнинг эстетик фаолияти билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди.

Эстетик маданият жамият маданиятининг иқтисослаштирилган қисми бўлиб, унинг холатини санъат ва эстетик муносабатлар ривожланишини характерлайди.

Жамиятнинг эстетик маданиятини қуйидагилар ташкил этади: табиат, турмуш, ижтимоий муносабатларни эстетик ўзлаштириш жараёнлари ва натижалари; санъат тараққиётининг даражаси; ижтимоий табақа, гуруҳларнинг эстетик қарашлари, дидлари; нафосат тарбияси назарияси ва амалиёти ва бошқалар.

Эстетик маданиятнинг тузилиши кўп қатламли бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

1.Кишиларнинг эстетик онги. У эҳтиёжларда, мақсадларда, дидларда, қарашларда, концепцияларда, назарияларда ўз ифодасини топади.

2.Фаолитнинг турликўринишларидаги эстети моментлар (меҳнатда, турмушда, мулоқотда, ижтимоий-сиёсийҳаётда, спортда).

3.Эстетик тарбия.

Эстетик маданиятда бадиий фаолият алоҳида соха сифатида олиб қаралади. Бошқача айтганда бадиий маданият эстетик маданиятнинг ўзаги ҳисобланади. Бадиий ижодда эстетик омил устиворлик қилади. Чунки, бадиий маданиятнинг табиати ва моҳиятини эстетик омилни ҳисобга олмасдан туриб тўғри тушуниш мумкин эмас. Бошқача айтганда, эстетик қиммати бўлмаган бадиий асар бадиий маданият ходисаси бўлолмайди.

<u>Педагогик маданият</u> – шахснинг таълим ва тарбияга оид қараш, тажриба ва муносабатлари йиғиндисини ифодалайди. Яъни таълим ва тарбияга оид назарий ва амалий билимлар шахснинг педагогик қарашлари асосини ташкил этади.

Таълим-тарбияга оид ғоялар инсон педагогик қарашларининг мазмуни ва йўналишларини белгилайди. Масалан, ўлкамиз халқлари маънавиятида чуқур илдиз отган ва бугунги кунда ҳам ўз таъсирини сақлаб келаётган тасаввуф намояндаларининг илгари сурган комил инсон ғояси бутун мусулмрн олами педагогикасида таълим ва тарбиянинг мақсади бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Чунки комил инсон ғоясида қадимги шарқ халқлари, юнонлар, арабларнинг инсон шахси ҳақидаги орзу-умидлари, истаклари халқимизнинг кўп асрлик педагогик қарашларидаги “эзгу фикр, эзгу амал ва эзгу калом” (Авесто) таълимоти руҳи ифодаланади.

Шахс педагогик маданияти даражаси унинг педагогик муносабатида намоён бўлади. Педагогик муносабат – эса шахснинг атрофдаги воқеа ва ходисаларга, ўз фаолиятига таълим тарбия нуқтаи назаридан ёндошиб бахолашидир. Педагогик муносабат инсон ҳаётининг машъали, эътиқоди ва фаолияти мазмуни.

Педагогик муносабат инсон онгли фаолиятининг шундай даражасики, шу орқали инсон атрофдаги барча воқеа, ходиса ва ҳаётни таълим-тарбия тарозиси орқали идрок этади, қабул қилади.

Шундай қилиб, педагогик маданият – шахснинг таълим-тарбияга оид қарашлари, тажрибалари ва муносабатлари бирикуви бўлиб, инсон онгли фаолиятини идора этувчи асос ҳисобланади. Уни ҳар бир шахсда таркиб топтириш таълим тарбия соҳасидаги ишимизнинг муҳим вазифаси саналади.

Нутқ маданияти. Дунёда икки нарса борки, у ҳамиша қадрли. Бири оч-наҳор одамни тўйдирадиган НОН, иккинчиси ғамгин одамнинг кўнглини кўтарадиган СЎЗ.

Дунёдаги жамики жонзодлар бир-бирлари билан ўзига хос усулда тиллашиш имконига эга бўлсаларда, уларнинг ичида фақат инсонларгина нутқ бирликлари ёрдамида мулоқотга киришадилар. Инсонни ҳайвондан фарқлайдиган энг муҳим белгилардан бири сўздир, бинобарин сўзлай олиш қобилиятига эга эканлигидир.

Бир донишманддан:

-Дунёда энг ширин лаззат нима? деб сўраганларида,

-Сўз лаззати, сўз санъатидан хузурланиш, - деб жавоб берган экан.

Нутқ маданияти умуинсон маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, кишилар юксак маданиятли бўлишлари учун, энг аввало, нутқ маданиятини эгаллаган бўлишлари лозим.

Сўзнинг тарбиявий қудратидан баҳраманд бўлишнинг нутқ маданиятига эришишнинг биринчи шарти тинглашдир. Нутқ маданиятига эришишнинг иккинчи шарти-оғзига келган ҳар қандай сўзини ўйламай демасликдир.

Оғзига келганни демак нодоннинг иши,

Олдига келганни емоқ ҳайвоннинг иши.

Нутқ маданиятининг эришишнинг учинчи шарти қисқалик ва равшанлик. Яна бир шарти эса рост сўзни айтиш, ёлғон сўзлашдан тийилишдир.

Хуллас, нутқ маданиятини юксак даражада эгаллаш, унга қатъий амал қилиш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчи.

Маънавият ва маданият бир-бирига яқин тушунчалардир. Аммо, улар битта нарса эмас, бири иккинчисидан фарқ қилади. Шунинг билан бирга улар бир-бирини тўлдириб турадилар. Маданият тушунчасига берилган таърифлар 500 дан ошиб кетган. Муаллифлар бу тушунчаларга ҳар бири ўз нуқтаи-назариядан ёндошадилар. Бунга сабаб, маданиятнинг кўп қиррали, мураккаб, маънавий-ижтимоий ҳодиса эканлиги, унинг инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олганлигидир. Маданият тушунчаси кенг маънода инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида яратган ва яратаётган барча моддий ва маънавий бойликларининг йиғиндисини ифодалайди. Демак, маданият инсоннинг оддий ва маданий бойликларини яратиш ва ўзлаштиришдаги фаолиятини ифодалайди. У инсон ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Маданият жуда мураккаб кўп қиррали маънавий-ижтимоий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг моддий-техник, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларни, инсон меҳнат фаолиятининг барча самараларини ўзида қамраб олади. Сирасини айтганда, халқ оммаси томонидан яратилган ҳамма моддий ва маданий-маънавий бойликлари маданиятга киради. Маданиятнинг барча турлари диалектик бирликда, ўзаро алоқадорликдадир. Ҳар қандай моддий ва маънавий маданият дурдоналари инсон ақлий ва жисмоний меҳнати синтези асосида юзага келади.

Маданий тараққиётнинг умумий қонуниятларидан бири унинг тўхтовсиз равишда бойиб бориши ва ривожланишидан иборат. Жамият ривожланиб бориши билан маданият ҳам сифат жиҳатидан ўзгаради. Бу

деган сўз, жамиятнинг тараққий этиши маданиятнинг ўзгаришини талаб қилади, маданиятнинг янгиланиши эса ўз навбатида жамиятнинг тараққий қилишига сабаб бўлади. Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи олдинги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади, уни қайта ишлайди, ундан ижодий фойдаланади, уни янги юқори босқичга кўтаради. Маданият умуминсоний ҳодиса. У барчага баравардир. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари ва бошқалар барчага тегишли. Аммо, бу маданиятнинг миллий шакли бўлмайди, деган маънони англатмайди. Чунки у қанчалик умуминсоний бўлмасин, барибир унинг заминлари миллийликка бориб тақалади. Умуминсоният мулкига бориб тақалади. Умуминсоният мулкига айланган ҳар қандай маданият ҳам у ёки бу миллат томонидан яратилади, у маданиятга ўзига хос бўлган томонларини сингдиради. Масалан умуминсоният мулкига айланган Самарқанд, Бухоро Хива шаҳарларидаги ҳунармандчилик ва архитектура дурдоналари, энг аввало ўзбекларники, уларга ўзбекларнинг авлод-аждодлари ўзларига хос миллий жило берганлар. Ўзбекона бундай санъат асарлари дунёнинг бошқа халқларида учрамайди. Худди ана шу хусусияти билан улар миллий ҳисобланади. Шунинг билан ана шу санъат асарлари ўзининг такрорланмас қиймати, юксаклиги ва бутун инсониятнинг маънавий баҳра олишга хизмат қилиш даражаси билан умуминсоният мулкига айлангандир. Демак-ки, маданият ҳам маданият каби миллий ва умуминсоний шаклида намоён бўлади, ривожланади. Миллий маънавият, маданият тарихий ҳодиса сифатида бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукаммал шаклланмайди. Ўрта Осий халқлари маънавий ва маданият тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган. Бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнагани, табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Ўтмишда халқимиз маънавий маданиятининг узвий қисми бўлган дини исломни ривожлантиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Дунёда энг машҳур ҳадисшунослар олтита бўлса, шулардан тўрттаси бизнинг диёримиздан чиққан. 1998 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бизнинг юртда ва бутун Ислом дунёсида кенг нишонланган бўлса, 2000 йилда имом ал-Мотуриддий таваллудининг 1130 йиллиги, Бурхониддин Марғилоний таваллудининг 910 йиллиги нишонланди.

Уларнинг асарлари ўзбек халқининг моддий ва маънавий бойлиги бўлиши билан бирга бутун дунё халқларининг мулкига айлангандир. Улар аждодларимиздан қолдирилган ана шу моддий ва маънавий мерос мустақиллик шароитида маънавий тикланишимиз учун асосий манба бўлиб келаётганлиги, руҳиятимизни бойитиб бораётганлиги маданият ва маънавиятнинг ҳар доим ҳам уйғун ривожланишини тасдиқловчи ёрқин мисол бўла олади. Уларнинг узвийлиги умуммиллий маънавиятни, маданиятни ривожлантиришга асос бўлиб келади.

Маданият, маънавий ва маданий мерос, маънавият ривожи инсоният цивилизацияси билан боғланиб кетади. Аммо уларни бир-бири билан аралаштириб юбориш ҳам тўғри бўлмайди. Цивилизациянинг ўзи инсониятнинг маданияти ва маънавияти тараққиёти босқичларида рўй берувчи сифат жиҳатидан янги босқичи бўлиб, кишилик жамияти тарихида чуқур из қолдиради.

**Цивилизация** - маълум бир тарихий босқичда инсониятнинг маданият ва тараққиётида яратган, эришган, қўлга киритган сифат жиҳатидан янги, юқори ютуқлари мажмуи.

Цивилизациянинг маданиятдан фарқи шундаки, у ўзига хос бўлган, ўзгалардан тубдан фарқ қиладиган, аммо, ўз даври тараққиётида такрорланмас из қолдирадиган фан, маданият, техника, ижтимоий онг, маънавият ва бошқа соҳалардаги буюк, юқори кўрсаткич ҳисобланади. Унинг характерли томони шундаки, у ўзидан олдингисини қабул қилмайди, балки сифат жиҳатидан янги, унга ўхшамаган ўзгаришларни вужудга келтирувчи жараён ҳисобланади. Цивилизация ҳар бир халқнинг ёхуд жамиятнинг, тарихий босқичнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлари, тафаккур тараққиёти ҳисобланади. Ҳозирги даврда илмий адабиётда уни “Шарқ” ва “Ғарб” цивилизациясига бўлиш қабул қилинган. Инсоният тарихидаги бу цивилизациялар Ҳинд, Конфуцийлик, Буддавийлик, Мусулмон ёки Католик, Провослав ва ҳакозоларнинг пайдо бўлиши шаклида намоён бўлган.

Бугунги цивилизация инсониятнинг оламни билиш, ундан умумбашарий манфаатлари йўлида фойдалана билиш, ҳар бир халқнинг умуминсоният тараққиётига хизмат қилувчи маънавияти ва маърифати шаклида намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, маданият, маънавий мерос, цивилизациялар ютуғи жамият ва инсон маънавиятининг ривожланишида, маънавий баркамол авлодни вояга етказишда катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ўтмишда топталган маънавий меросимизни тиклашга қатъиян киришилди. Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари ана шу меросимизни ўзлаштириш орқали чинакам миллий тикланишимизга эришдик. Ўзбеклар ўзининг миллий-маънавий “қиёфасига” эга бўладилар. Аммо, бу борада ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Ана шулардан бири ҳали меросимизнинг бизга номаълум, аммо, дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган жаҳон цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаб келган жуда кўплаб моддий ва маънавий меросларимизни ўз Ватанимизга келтиришимиз, уларни ўрганишимиз, дунёқарашимиз ва маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз лозим бўлади.

**Цивилизация** атамаси маданият атамасига нисбатан анча кейин, яъни XVIII аср ўрталарида вужудга келди. Цивилизация тушунчасини биринчи бўлиб шотланд файласуфи А.Фергюссон қўллаган. Олим цивилизация деганда ижтимоий ривожланишнинг олий босқичини тушунган.

XVIII аср француз маърифатпарвар-файласуфлари цивилизация деганда ақл, адолат ва диний бағри кенглик ғояларига асосланадиган жамият тараққиётининг юқори босқичини тушунганлар.

Маданият – таълим-тарбия билан, ижтимоий талабларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлса, цивилизация давлатнинг пайдо бўлиши, жамият аъзоларида фуқаролик туйғуси, давлат қонунларига нисбатан ҳурмат ҳиссининг шаклланиши билан боғлиқдир. “Цивилизация” атамасининг инглизча “фуқароликка оид” деган маънони англатиши ҳам бежиз эмас. Инсоният маданият воситасида ёввойиликка қарши курашмай туриб, одамларда фуқаролик ҳиссини, давлат қонунлари, ижтимоий тартибларга ҳурмат ҳиссини шакллантира олмас, ваҳшийликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураша олмас эди. Шу боисдан ҳам, маданият цивилизацияга нисбатан илгарироқ вужудга келди. Халқлар юксак маданиятга эришмай туриб, ўзига хос цивилизация ярата олмас эдилар. Ер юзидаги барча халқлар, катта-кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос маданиятга эгадир, лекин барча халқлар ҳам цивилизацияга эришган эмаслар. Цивилизациялар ўз миқёсига кўра: жаҳон цивилизацияси, минтақа цивилизацияси, миллий цивилизацияга бўлиниши ҳам мумкин.

**Миллий цивилизациялар** (хитой, ҳинд, француз, майа, немис, рус ва бошқалар) буюк халқларнинг узоқ давом этган тарихий тараққиёти жараёнида шаклланади: бунда у ёки бу дин, ҳаёт фалсафаси, миллий тафаккур ва маданият муҳим роль ўйнайди. Илк цивилизацияга энг муҳим белгилар қуйидагилар киради: давлатнинг пайдо бўлиши, ёзувнинг вужудга келиши, деҳқончиликни ажралиб чиқиши, жамиятнинг синфларга бўлиниши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши.

Ҳозирги замон цивилизациясига хос муҳим белгилар қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги, ўзаро низоларни олдини олиш, ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланганлиги ва бошқалар.

Цивилизация турли тарихий давр ва халқлар маданиятининг ўзаро таъсири, маданий-тарихий жараёндаги ворисийлик сифатида вужудга келади. Маданият цивилизацияга нисбатан ҳамон ва зарурият нуқтаи назаридан бирламчи, етакчи ва аҳамиятлидир. Маданият ва цивилизация бир бири билан узвий боғланган, лекин ўзига хос ривожланиш хусусиятлари ва белгилари билан ажралиб турадиган ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Маданият инсоннинг социал табиати билан бевосита боғлиқ бўлиб, кишилик жамияти мавжудлигининг зарур шарти ҳисобланади. Цивилизацияни тараққиётга эришиш маданий ривожланишнинг ноёб, бетакрор эканлигини англатади. Турли халқлар маданиятидаги умумийлик ва муштаракликни қадрлаш халқлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик, ҳамкорлик, дўстлик муносабатлари ривожланишига жаҳон цивилизациясининг равнақ топишига хизмат қилади.

Маданият ворислик ҳақида гап кетганда, тараққиётга хизмат қиладиган (прогрессив) ва ривожланишга тўсиқ бўладиган (реакцион) ворисликни бир-биридан фарқлаш лозим. Шуни ҳам унутмаслик керакки, маълум бир даврдагина ижтимоий тараққиётга хизмат қилиб, кейинги даврда жамият тараққиётига зид бўлган ҳодисалар ҳам учрайди. Шунингдек, маданиятда (ижбоий-позитив ва салбий-негатив) ворислик ҳам кузатилади. Маданият ўз ривожланишининг ҳар бир босқичида давр натижаларига таянади. Агар маданият ривожланишининг кейинги босқичларида олдинги давр натижалари сақланиб қолса, бундай ворислик **ижобий ворислик** дейилади. Олдинги давр натижаларига таяниш фақат ижобий натижаларнигина сақлаб қолиш дегани эмас. Маданият тарихида кўп асрлар давомида тўғри деб ҳисобланиб келиниб, кейин нотўғрилиги тасдиқланган ҳодисалар ҳам маълум. Нотўғри тасаввурларни танқидий ўзлаштириш, тўғриланган ҳолда қабул қилиш маданий ривожланишнинг муҳим хусусиятидир.

Маданият ривожланишидаги ворислик олдин эришилган натижаларни сақлаб қолиш ва ижодий ривожлантиришнинг диалектик бирлиги сифатида юзага чиқади. Ана шу жараён натижаси ўлароқ маданиятнинг барқарор, консерватив элементлари юзага келадики, одатда уларни ифодалашда анъаналарнинг роли беқиёсдир. Маданий анъаналар туфайли кишиларнинг тажрибаси тўпланиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Кишиликнинг ҳар бир авлоди аждодлари томонидан яратилган маданий бойликларни мерос сифатида қабул қилиб олади. Тарихий ворислик – жамият ва унинг маданияти равнақи шартидир. Минг афсуслар бўлсинки, шўролар даврида маданий меросга тўғри муносабатда бўлинмайди. “Бою заминдорларга, ҳоким синф табақаларига хизмат қилган ўтмиш маданиятининг бизга кераги йўқ, янги пролетар маданиятини яратамиз”, шиори остида собиқ совет иттифоқи халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятига қирон келтирилди, саройлар, масжид, мадрасалар бузиб ташланди, қаровсиз хароба ҳолига келтирилди, нодир асарлар ёндирилди. Бу сиёсат туфайли маданий мерос топталди.

Ҳар бир авлод маданий ривожланишни бўш жойдан эмас, балки аждодларимиз яратган қадриятларни ўзлаштиришдан бошлайди. Бошқа томондан, бу ўзлаштириш ўзига хос бир “Хом-ашё”, янги қадриятлар яратиш, маданиятни янги босқичга кўтариш йўлида таянч босқичини ўтайди. Агар мана шу икки жараён бўлмас экан, маданиятнинг ривожланиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Икки жараён – эскилик билан янгилик ўртасидаги объектив зарурий боғлиқлик ворислик деб аталади.

Маданиятда анъаналар кишилар бирлигини муайянлигини, ўзлигини сақлаб қолиш имконини беради. Анъаналарсиз маданият бўлиши мумкин эмас. Маданий анъаналар деганда, кўпинча маросимлар ва урф-одатларни тушунилади. Бу унчалик тўғри эмас. Биринчидан кишилик жамияти ривожланиши даврида юзага келган ҳар қандай маросим, урф-одат ҳам узоқ яшамаслиги, демак-ки, анъанага айланмаслиги ҳам мумкин. Иккинчидан, маъданий анъаналар тушунчаси маросимлар, урф-одатлар каби ҳодисаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда уларга нисбатан кенгроқ мазмун касб этади. Чунки, маданий анъаналар улардан ташқари авлоддан авлодга ўтиб, тарихан қарор топган ва ижтимоий онгнинг тарихий қисмларга айланган тарихий ғоялар, билимлар, қадриятлар, қарашлар, тасаввурлар, хулқ ва дид меъёрлари каби жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маданиятнинг ҳар бир соҳасида анъана ўзига хос кўринишда бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш фан, санъат соҳаларидаги анъаналар ўзининг такрорланмас жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб туради.

Қадрият тушунчаси маданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидандир.

Қадрият-кишилар ҳаётида ўта аҳамиятли ҳодиса.

**Қадрият -** дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, эллат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Улар моҳиятига кўра турларга бўлинади. Аввало, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар: ер ва ер ости бойликлари бошқа табиий неъматлари катта аҳамият касб этади.

Инсон меҳнати, ақли билан яратилган моддий бойликлар, қадриятлар ҳисобланади. Маданий-манавий қадриятларга илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлар яратган бойликлар мансуб. Шунингдек жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий сиёсий қадриятлар: эркинлик, тенглик, биродарлик кабилар ҳам ўрин тутади. Ижтимоий сиёсий қадриятлар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамиятга эга.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий, умуминсоний турларга бўлинади.

**Миллий қадриятлар** – мураккаб ижтимоий руҳий ходиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналари, жаъмики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

**Минтақавий қадриятлар** – иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиладиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

**Умуминсоний қадриятлар** – мазмуни жиҳатидан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамиятни касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар, халқларнинг мақсад ва интилишига мувофиқ келади.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Улар: Ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, қирғин қуролларини тўхтатиш, табиатни асраш ва ҳоказолардир.

**Маданиятнинг ижтимоий функциялари**

| | |
|---|---|
| **Тарихий –маданий ўзак эҳтиёжлари (қуйи қатлами)** | **Кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари (устки қатлами)** |
| **Тарихий –маданий бойликларни ўрганиш ва сақлаш** | **Информация тарқатиш** |
| **Миллий маданиятни ривожлантириш** | **Дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни уюштириш** |
| **Умуминсоний маданиятларни ўзлаштириш** | **Мулоқот** |
| **Шахснинг ижодий ва маънавий кучларини ривожлантириш** | **Кундалик маданий эҳтиёжларни қондириш** |

**Ижтимоий тараққиёт ва шахс камолоти**


МАДАНИЯТ
Инсон ва жамият тараққиётининг ифодаси
Инсон - жамият – табиат муносабатлари (фаолият турлари)
МАДАНИЯТ БУ
Узоқ тарихий ривожланиш жараёнида яратилган моддий ва маънавий бойликлар
Кишилар ва жамият риоя қиладиган шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар
Илм, фан, маориф, маърифат, ҳуқуқ, сиёсат ва маиший хизмат кўрсатиш турлари
Кишининг инсоний фазилатлари ва ижодий хислатларидир.
МАДАНИЯТ ОБЪЕКТИ
МАДАНИЯТ СУБЪЕКТИ
Инсон фаолияти ва яратилган бойликлари
Инсон ва жамият
Инсон камолоти


МАДАНИЯТШУНОСЛИК
Ф а н л а р   т и з и м и д а г и   ў р н и
Умумий фанлар
Фалсафа
Социология
Сиёсатшунослик
Хусусий фанлар
Ижтимоий-маданий соҳанинг бир қиррасини ўрганувчи фанлар
Бевосита маданият йўналишларини ўрганувчи фан ва назариялар
Маданият тарихи ва назарияси
Маданият социологияси
Маданият иқтисодиёти
Бошқа фанлар ва назариялар
Иқтисод
Медицина
Ҳуқуқшунослик
Социал бошқариш
Техника ва бошқалар

**Мавзу бўйича асосий маълумотлар ва таянч иборалар:**

1. Маданият тушунчаси ва унинг турли таърифи.
2. Маданият ва унинг тадқиқот объекти.
3. Дунё ва маданият, маданиятнинг асосий вазифалари.
4. Маданият, маънавият, маърифат, тарбия ва зиёлилик тушунчаси.
5. Маданият ривожланишининг асосий қонуниятлари.
6. Маданиятнинг асосий концепциялари ва функциялари.
7. Маданият ва унинг вазифаларини англашда, табиат, жамият ва фаолият бирлигини изоҳлаш.
8. Индивидуим, соқиум, интеллектуал, менталитет, дилетант сўзларининг изоҳли маъноси.

**Маъруза бўйича ижодий топшириқ.**

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Бизнинг маданиятимиз-бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас”,-деган сўзларига муносабатингиз, унинг сабаби, далил-исботингиз ва хулосангизни қисқа ҳолда ёзиб топширинг.

**Маданиятшунослик фанини ўқитишда педагогик технологик карта**. **2-мавзу.**

| | | |
|---|---|---|
| Мавзу | Архаик ва Анъанавий маданият. | |
| Мақсад, вазифалар | **Мақсад**: Талабаларга ибтидоий маданиятнинг келиб чиқиши, унинг кўринишлари ҳақида, қадимги Шарқ маданиятининг вужудга келиш шарт-шароитлари, хусусиятларини тушунтириш.<br>**Вазифалар**: Талабаларда мавзу бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш, кенгайтириш, фаол иштирок этиш. | |
| Дарс жараёнининг ташкил этилиши | 1.Ташкилий қисм<br>2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш<br>3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш<br>4.Якун ясаш<br>5.Уйга вазифа | 5 дақиқа<br>3дақиқа<br>57 дақиқа<br>10 дақиқа<br>5 дақиқа |
| Дарс жараёнининг мазмуни | Ибтидоий маданият. Қадимги Месопатамия Миср, Ҳиндистон, Хитой маданияти. Қадимги Юнон ва Рим маданияти уларнинг шаклланиши ва инсоният маданий ривожланишидаги ўрни ва унинг тарбиявий аҳамияти. | |
| Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси. | **Метод**: оғзаки баён қилиш, "ақлий ҳужум", "муаммо" пед технологияси.<br>**Форма**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш.<br>**Восита**: презентация, $А_3$ форматдаги маълумотлар, чизмалар, нутқ.<br>**Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол.<br>**Назорат**: кузатиш, оғзаки назорат, якка ва гуруҳий назорат, савол жавоблар. | |
| Кутилаётган натижалар | **Ўқитувчи:** мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришилади. Талабалар фаоллигини оширади. | |

| | |
|---|---|
| | Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.<br><br>**Талаба:** Ибтидоий ва Қадимги Шарқ маданияти бўйича янги билимларни эгаллайди. Дунёқараши ўсади. Фикрлар кенгаяди. Нутқ ўсади. |
| Келгуси режалар | **Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўрганиш, уни дарсга қўллай олиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий мисоллар билан бойитиш.<br><br>**Талаба:** Мустақил фикрлашни ўрганади, мавзу бўйича қўшимча маълумотлар тўплайди. |
| Дил сўзлари | Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг. |

## *2- мавзу: Архаик ва анъанавий маданият*

**Маъруза режаси.**

*1.Ибтидоий маданият вужудга келиш шарт-шароитлари ва унинг кўринишлари.*

*2.Қадимги Шарқ маданияти.*

*а) Қадимги Месопотамия*

*б) Қадимги Миср*

*в) Қадимги Ҳиндистон ва Хитой*

*3.Антик маданият.*

Архаик ёки ибтидоий маданият-мавжуд инсоният маданиятининг ибтидоси ва энг узоқ давом этган давридир. Бу давр инсоният тарихи умумий кўламининг 99 фоизини ташкил қилган ҳолда замонавий маданиятга беқиёс таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ўша вақтда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим кўринишлари бўлмиш фикрлаш тарзи, феъл-атвор ҳозирга қадар йўқолган эмас. Инсоният ҳаётининг бошланғич даври кейинги барча ўзгаришларга замин туғдургани сабабли бу даврни ўрганиш инсоният

эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушуниш ва шарҳлашга ёрдам беради.

«Борди-ю, биз Ернинг бутун тарихини бир йилдек қилиб кўрсата оладиган сеҳрли дурбинга эга бўлганимизда эди, тахминан қуйидагиларни кўрган бўлар эдик: ноябрда илк бор ҳаёт пайдо бўлади-амёбалар, калтакесаклар, қўзиқоринлар... Декабрнинг ўрталарида баҳайбат ҳайвонлар вужудга келади. Янги йилга чорак соат қолганида эса, тахминан $23^{45}$ларда саҳнада дастлабки инсон пайдо бўлади. Бизнинг бутун эрамиз кетаётган йилнинг энг сўнгги минутларини эгаллайди... олтмиш секунд».

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидур»-деган эди Л.Қодирий. «Дунёда турмоқ учун,-деб ёзади М.Беҳбудий,-дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур»

Олимлар ибтидоий маданият вужудга келиши ҳақида тўплаган маълумотлар 2 хил бўлиб:

I. Антропологик ва археологик топилмалар-ибтидоий одамнинг жисмоний ва маданий ривожланишини, овчилик жамоасининг турмуш тарзини ёруғ оламга чиқарди. Бу маълумотлар ўзига хос белгилари билан эмперик (тажриба) таҳлилни юзага чиқарди ва ибтидоий босқични умум қабул қилган таснифига асос солди:

1. Палеолит-қадимги тош асри,

2. Неолит - янги тош асри.

II. Этнография- маълумотлар- замонавий халқлар ва ҳозирги вақтда ҳам овчилик ва термачилик билан кун кўрувчиларнинг хаёти ҳақида. Бу маълумотлар сақланиб қолган архаик маданият кўринишини этник, ижтимоий ва руҳий ўхшашликлар бўйича қайта тиклашга ёрдам беради.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн. йилдан (Кениянинг Рудолф кўли соҳилидан топилган қадимги тош қуроллари) то эрамизгача 2 минг йилгача (меҳнат қуролларини жездан тайёрлай бошлаган давргача) бўлган вақтни ўз ичига олади. Ўз навбатида палеолит босқичидаги энг узоқ давр илк палеолит бўлиб, бундан 40-35 минг йил олдин тугайди. Илк палеолитда антропогенез жараёнининг содир бўлиши, қазиб топилган гоминид қолдиқларининг алоҳида турлари яшаган даврларда (зинжантроп, австралопитек, питекантроп, синантроп, неандертал ва бошқалар,) маданиятнинг алоҳида илк намуналари вужудга келди: қўпол тош қуроллари тайёрлаш (кесгич, тош найза, қирғич), оловдан фойдаланиш, оддий турар жойларнинг қурилиши,

муомала воситаларининг ривожланиши, атроф-муҳит ҳақида дастлабки мураккаб тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Илк палеолитнинг охирги даври кўпинча алоҳида даврга ажралиб «ўрта» ёки «мустье» деб номланади (100 мингинчи йилдан 40 мингинчи йилгача). Бу қонуний ҳодиса бўлиб, мустье даврида маданий ижодкорлик жараёнининг ўсиши сезилади, яъни бу даврда неандерталлар пайдо бўлди. Неандерталлар кенг ҳудудларга тарқалиб мураккаб ва турли хил қуроллар тайёрлаган, энг муҳими улардан маълум маросим ва маданиятни ривожлантириш бошланди. Неандерталлар яшаган ғорларидан айиқнинг бош суяги топилган, махсус ўрнатилган тош супа оловдан қорайган, унда маълум маросим ўтказилган. Неандерталлар қабри кўпинча шарқ-ғарб йўналиши бўйича жойлашиб, мурда «ёнбош ухлаётган холатда, тиззалари энгагига қайрилган, ёнига тош қуроллар қўйилган». Бу маросим удуми ўлимдан кейинги ҳаёт мавжудлиги хақидаги тасаввурнинг маданиятдаги энг қадимги ва барқарор пайдо бўлганлигидан далолатдир.

Ибтидоий санъат ҳам одамнинг меҳнат фаолияти билан уйғун ҳолда вужудга келган. Ибтидоий санъат хилма-хил бўлиб, бир неча турларга бўлинади:

- Суяк, тош парчаси, шоҳ, кулолчилик буюмларига чизилган белгилар, одам, ҳайвон ва ҳар хил нарсаларнинг тасвирлари.
- Ғор деворларига ҳар хил ранглар билан ишланган ҳайвон, одам ва буюмлар тасвири. Уларда ов, меҳнат, жанг ва бошқа манзаралар тасвирланган. Бундай тасвирлар 'Гурон, Сахрои Кабир, Марказий Осиё, Ғарбий Европада кўплаб учрайди.
- Қоя тошларга ўйиб, чизиб, ишқалаш усули билан ишланган тасвирлар: ҳайвон, буюм, қуроллар ва ибтидоий кишиларнинг кундалик меҳнати билан боғлиқ манзаралар ўрин олган. Бундай қоя тош тасвирлари Осиё, Африка ва Европада кўп учрайди.
- Архаик санъат турларидан яна бири ҳайкалторошлик ҳам уруғчилик жамоасининг ривожланган даврида пайдо бўлиб, асосан аёллар, қисман эркаклар, шунингдек, ҳайвонлар хайкаллари ишланган. Бундай ҳайкалчалар, суяк, тош ва бошқа нарсалардан тайёрланган. Ҳайкал тасвирларда ибтидоий меҳнат ва эътиқод рамзлари намоён бўлади.
- Ишлаб чиқарувчи хўжалик (неолит) фаолияти билан боғлиқ сопол буюмларга чизилган расмларда оддий чизиқлар, ҳайвон ва ўсимлик тасвирлари учрайди.
- Ибтидоий санъат турларидан бири - ниқоблар қадимги одамларнинг овчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ниқоб тутиб ҳайвон қиёфасига

кирган, ҳайвонларни қўрқитиб ўзларини ҳимоя қилган. Ниқоблардан маросим ва удумларда фойдаланган.

- Мусиқа, қўшиқ, ўйин ибтидоий санъат турлари ҳисобланиб, ибтидоий одамлар уриб, чертиб, пуфлаб чаладиган асбобларни кашф қилишган.
- Халқ оғзаки ижоди-асотир, ривоят ва афсоналар ҳам ибтидоий давр маҳсулоти бўлиб, ибтидоий одамнинг турмуши, ўй-фикри ва кайфиятини ифодалаган, диний тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлган.

Маданиятшунослар фикрича байрам ва маросимлар энг қадимги даврдаёқ мавжуд бўлган ва ибтидоий одамлар ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Ибтидоий овчилар ҳаётида овчилик маросим-удумлари муҳим ўрин тутган. Овчилик маросимлари овдан олдин ҳам овдан кейин ҳам ўтказилган. Шунингдек, овчилик маросимлари-овга тайёргарлик, ёшларни овга ўргатиш ва овдан кейинги тантаналарни ифодалаб, тасвирларда акс этган.

Дунёда яшаётган аҳолининг кўплаб руҳ ва жонлар билан муносабатда бўлиш воситаси сифатида сеҳргарликни келтириб чиқарди. Сеҳргарликнинг энг қадимги турларидан бири овчилик сеҳргарлиги бўлиб, ўлжа яқинлашиши билан уни тутиш машқини ўрганади. Сеҳргарликка ўхшаш ҳаёт нафақат пайдо бўлаётган тушунчаларни ўзида жамлади, балки маданиятнинг энг қадимги шакли бўлиб қолди. Ундан ҳозирги вақтгача оламни ўзида акс этган дин, санъат, фан соҳалари пайдо бўлди.

Меҳнат тақсимотининг вужудга келиши муносабати билан қадимги одамларнинг ишлаб чиқарувчи хўжаликка (неолитда) ўтиш натижасида янги соҳаларга оид маросим ва байрамлар вужудга кела бошлади. Бу «меҳнат маросимлари» бўлиб, у ҳам ўз ўрнида маданият ва санъат (театр, рақс, пантамимо санъатининг примитив кўринишлари)нинг ривожланишига замин яратди.

Билимнинг ошиши натижасида мураккаб буюмлар яратила бошланди. Қайиқ ва елканли кемалар, тақвим, ҳисоб ва ўлчов тизими вужудга келди. Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳуқуқнинг шаклланишига олиб келди. Айримлари ҳозиргача сақланиб келаётган анъаналар ва қадимги фолклор намуналари вужудга келади (мифлар, достонлар, ҳикоялар, маросим қўшиқлари), ёзувнинг илк тизими шаклланади; пиктографик (расм-ёзув), белги ёки ҳиндуларнинг тугунли ёзувлари. Монументал меъморчилик ҳам вужудга келди. Илк монументал иншоатлар катта тош бўлак ва тош плиталаридан қурилган мегалитлар ҳисобланади.

Архаик маданият ўрнига қадимги цивилизация маданияти ўрнатилди: мураккаб-ижтимоий тизимга эга бўлган дастлабки давлатлар, диний ва

қонунчилик шаклларининг ривожланиши, шаҳар ва ёзувлар. Бироқ архаик маданият изсиз йўқолмади. Унинг айрим қирралари жахон халқлари мифларида, фолклорида, инсон руҳиятининг чуқур «архетиплари»да сақланган.

## 2.2. Масала баёни

Қадимги Шарқ ҳудудида мил. авв. X-VII минг йилликда инсоният цивилизацияси ва маданияти ривожланишининг ибтидоси билан боғлиқ бўлган энг муҳим жараёнлар рўй беради. Бу даврда Шарқда маданий фаолиятнинг турли шакллари ва соҳалари вужудга келади. Ёзув, адабиёт, санъат, фан, биринчи жаҳон дини-буддизм пайдо бўлади. Бу бошланғич жараёнсиз инсоният маданиятининг кейинги барча тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Қадимги Шарқ тушунчаси, Шарқ ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга мос келмайди. Негаки, қадимги Шарқ ер шарининг Мисрдан то Хитойгача бўлган кенг минтақасини ўз ичига олиб, бу ерда мил. авв. VII минг йилликдан бошлаб инсоният тарихида дастлабки цивилизация вужудга кела бошлади. Шарқ цивилизацияси тўғрисида фанда хилма-хил қарашлар мавжуд. Буларнинг ҳаммасига хос умумийлик шундаки, унинг Ғарб цивилизация-сидан жиддий фарқли томонларга эга эканлигидир. Масалан, қадимги Юнонистон ва Римдан фарқли ўлароқ Шарқда типик қулдорчилик бўлмаган Европада феодализм деб аташ қабул қилинган тартиботлар Шарқда типик ифодасини топмаган.

Маданиятнинг шаклланиши энг йирик дарёлар-Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Ганг, Хуанхе ва Янцзи водийсида, яъни деҳқончилик ривожланиши учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган жойларда рўй берди. Худди шу жойларда дастлабки давлатчилик тузилмаси, сиёсий, диний ва савдо маркази сифатида шаҳарлар, ёзув вужудга келган. Бу ерда дастлаб маънавий маданият ишлаб чиқарувчи меҳнат фаолиятидан бевосита ажралиб мустақил фаолиятга айланади. Жамият ҳаётида алоҳида кишилар қатлами бошқарув, таълим, маълумотларни тўпловчи ва узатувчи соҳаларда шуғулланувчилар ажралади ва кўпайиб боради.

Миср, Месопотамия, Ҳинд ва Хитой цивилизациялари энг кўхна ва йирик маданиятлар эди. Бу маданиятлар таъсирида Урарту, Финикия, Хетт, Элам цивилизациялари шаклланиб, инсоният маданияти тарихида сезиларли таъсирга эга бўлди. Биринчи цивилизация милоддан аввалги учинчи минг

йилликда Ефрат ва Дажла, Нил ва Ҳинд дарёлари хавзаларида юз берди. Шунинг учун у тарихга «Қадимги Шарқ цивилизацияси» номи билан кирди. Унинг таъсир доираси милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларида Хуросонга ва мил. ав. II минг йиллик бошларида Мовароуннаҳрга ёйилди.

Агар бошқа маданиятлар ибтидоий ва Қадимги Шарқ маданиятининг тажриба ва ютуқларидан фойдаланган бўлса, Қадимги Шарқ маданиятининг ўзи эса ибтидоийликнинг бир тарзида шаклланди. Ибтидоий муҳитнинг таъсири кучли ва доимий бўлди. Ибтидоий даврдан мерос бўлиб мифологик фикрлаш усули, нутқ ва фаолият ўтди. Шу билан бирга Қадимги Шарқ маданияти намуналари ўз дунёсининг «бошловчиси», «янгиликларини» ўзига хос жиддий ҳис қилди.

Қадимги Шарқ халқларининг урф-одатлари ва эътиқодлари ҳақида маълумотлар турли манбааларда, адабиёт ва санъат ёдгорликларида сақланиб қолганки, булар бизнинг тасаввур дунёмизни кескин фарқ қилувчи оламга бошлайди. Қадимги Шарқ маданиятининг шаклланишида мифологик тафаккур катта рол ўйнаган.

**Қадимги Месопотамия.** Кадимги Месопотамия ёки Икки дарё (юнонча «месос»-оралиқ потамас-дарё) ўртаси Яқин Шарқдаги Дажла ва Фрот оралиғида жойлашган. Милоддан аввалги 3000 йиллик бошларида жанубий Месопотамия худудида шумерлар маданияти вужудга келган ва ўз таркибига Ур Урук каби шаҳар давлатларини бирлаштирган.

Месопотамияда барқарор мустақил давлатлар бўлмасада Шумер, Бобил, Аккад, Оссурия каби давлатлар бу юрт тарихида ўчмас из қолдиришган.

Икки дарё оралиғидаги цивилизациясида халқ тасаввурида худоларнинг бошлари турли хил ҳайвон ёки йиртқич қушлар шаклида бўлиб одамсифат қиёфада тасвирланган. Ҳатто худолардан 7 нафари сайёралар номи билан тенглаштирилган. Ибодатхоналар шу даврда коҳинлар томонидан бошқарилиб, давлат аҳамиятига молик ишлар, сарф-харажатлар, солиқ йиғимлари ҳатто давлат ва халқ орасидаги муросага келишга мўлжалланган хуқуқий масалалар ҳал қилинган. Мифология бўйича милоддан аввалги XXVII-XXVI асрларда яшаган шахс Гилгамеш Шумер давлатининг Урук шаҳридан бўлган, у Гилгамеш қиссасини 10-12 сопол тахтачага ёзиб қолдирган.

Шумер ёзувлари милоддан аввалги 3 мингинчи йил бошларигача пиктографик белгилар ёрдамида бажарилган. Уларнинг сони 1500 дан .ортиқ

белги-расмлардан ташкил топган. Кейинчалик бу ёзув ўрнига маълум бир системалашган миххат ёзуви пайдо бўлган. Шумер миххатида даставвал «сув», «қуёш» ва бошқа алоҳида сўзларни англатган расмлардан иборат бўлган. Миххат ёзувлари сопол лавҳаларга битилган. Вақт ўтгани сайин бу ёзув янада ихчамлаштирилган. Ҳисоб-китоб, савдо-сотиқ, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида қайдномалар, бадиий матнлар, достонлар ва турли ёзишмалар битилган сопол лавҳалар махсус кутубхоналарда сақланадиган бўлган. (Мисол тариқасида подшо Хаммурапи қонунлари, милоддан аввалги XXVII-XXVI асрларда яшаган 600 хил миххат белгисидан иборат бўлган).

Яқин Шаркдаги илмий-амалий билимлар юзасидан Қадимги Месопотамия коҳинлари инсон ва давлат ишларига таъсир кўрсатувчи осмон ёриткичлари ва юлдузларнинг жойлашинишини зинасимон минора супалар (зиккуратлар) устига чиқиб ўрганишга киришдилар. Бу кузатишлар натижасида улар осмон буржлари ҳақида, қуёш ва ой тутилиши, кун ва тунни қисмларга бўлиш, бир хафта 7 кундан иборат бўлишини ҳисоблаб чиқадилар. Ҳатто Шумерликлар илк бор дақиқани кашф этишган деган фикрлар мавжуд. Тиббиёт соҳасида танани мумлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида хизматлари эса, илон ва коса рамзи туширилган белгилар орқали ифодаланган. Бундан ташқари қадимги Месопотамияда дунёда илк бор ғилдирак, ғишт, айланма кулолчилик дастгоҳи ва милоддан аввалги 4 мингинчи йилликда муҳр ишлатилган. География соҳасидаги шумерликлар ва бобилликларга кемаларда Форс кўрфази ва Арабистон денгизи қирғоғи бўйлаб сузишга имконият берган. Меъморчилик соҳасида эса подшо Новуходоносор даврида баландлиги 90 метрли зинасимон супачали минора қурилган. Шумерликларда устунлар, арка, қавариқ токча, гумбаз, нақшинкор зинопоялар ва ҳайкалтарошлик соҳасида меъморчилик устун даражада ривожланган.

**Қадимги Миср.** Одамлар милоддан аввалги 4 минг йиллик охирида Нил водийсидаги Қадимги Миср худудида «ном» деб аталган илк давлатларга бирлашишди.

Миср аҳолиси учун дин кундалик турмушнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланган. Қадимги мисрликлар худолар хайвонлар сиймосига ўтиб олиб, мушук, қўй, хўкиз, арслон, сигир шаклида одамлар орасида яшайди деб ҳисоблашган. Мисрликлар худоларнинг бир қанча жони мавжуд: улардан бири ҳайвон танасида, бошқаси эса ҳайвон хайкалида яшайди деб билишарди.

Қадимги Миср подшолигининг пойтахти Мемфисда ўз худоси-Птах бўлган. Птах эса, мисрликлар эътиқодича, оламни яратаётганида ҳар бир нарсанинг номини одамга ўргатган. Қуёш худоси Амон-Ра деган илоҳ эса фиръавнларнинг бош илоҳи ва ҳомийси ҳисобланган.

Хапи-Нил худоси-Мисрдаги ҳаётнинг бирламчи манбаи ва посбони, Осирис-ер ости салтанати худоси ҳисобланган. Ривоятларда айтилишича, Осирис Мисрнинг илк подшоларидан бири бўлиб, ўз халқини деҳкончиликка ўргатган экан.

Энг машҳур пирамидалар Гиза-шаҳри атрофида уч фиръавн-**Хуфа**, **Хафра** ва **Менкаура** учун бунёд этилган. Бу пирамидалар жаҳоннинг етти мўжизасидан бири, боз устига, улар орасида ҳам ҳозирга қадар сақланиб қолган бирдан бир иншоотлардир. Энг катта пирамида Хуфа (юнонлар уни **Хеопс** деб аташган) миллоддан аввалги 2600-йилда қурилган эди. Унинг баландлиги 147 метр: Пирамида ҳар бири икки тоннадан ортиқ бўлган 2,5 миллион дона тош блоклардан ташкил топган. Улардан бирида фиръавнинг мумиёланган жасади солинган тоштобут - саркофаг жойлашган эди. Пирамидаларни сфинкслар-арслон боши одамникисимон бўлган улкан ҳайкаллар қўриқлайди.

Мисрликлар диний эътиқодига кўра, худолар кўпинча муқаддас ҳайвонлар қиёфасида гавдаланади. Мисрликлар худолари бир талай бўлгани туфайли деярли барча хайвонлар худо деб ҳисоблашган. Мушук, қўй, хўкиз, сигир, арслон, лочин, илон ва бошқаларни муқаддас ҳайвонлар деб билишган.

Қумурсқалар орасида қора кўнғиз алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор эди. Жисмида Бастет деган илоҳа гавдаланган мушук шарафига уюштирилган байрамларда Мисрнинг жами аҳолиси иштирок этган. Муқаддас ҳайвонларни ҳам худди вафот этган одамлар сингари мумиёлашган, иззат-икром билан дафн этишган. Қадимги Мисрликларнинг ёзуви энг қадимги ёзув ҳисобланади. Аввалига ҳар бир сўз расм кўринишида ёзилган. Ёзувдан қарғишлар ва маросимларни ёзиб боришда фойдаланишган, шунинг учун ҳам уни «муқаддас» ёки «худолар каломи» деб номлашган. Қадимги юнонлар мисрликлар ёзувини «иероглифлар» дейишган («тошга чекилган муқаддас битиклар» маъносини англатади). Мисрликлар алифбоси 700 иероглифдан иборат бўлган. Иероглифларни қамиш қилкалам билан папирусга, яъни папирус поясидан ишланган коғозга ёзишган. Таниқли француз олими Жак-Франсуа Шамполён 1822-йилда жаҳоншумул аҳамиятга молик кашфиёт қилди: Миср матнларини ўқиш калитини топди. Бу

кашфиётга Қоҳира шаҳридан унча узоқ бўлмаган Розетт шаҳри яқинидаги бир тошга чекилган қадимги миср ва юнон тилларидаги бир хил маънодаги битик сабабчи бўлди. Бугунги кунда Розетт битиктоши Лондондаги Британия музейида сақланмоқда. Мисрликларнинг назарий билимлари ривожланиши натижасида астрономия, яъни юлдузлар ҳақидаги фан дунёга келди. Юлдузларни кузатувчилар бир йилнинг 365 кундан иборат эканлигини ҳисоблаб тақвим тузишган. Бундан йилни 30 кундан иборат 12 ойга тақсимлашган, ортиб қолган 5 кунни байрам кунлари санаб, ҳисобга киритишмади. Анҳорлар қазилаётганда, исталган иморат ва иншоотни барпо этаётганда майдон, ҳажмни ўлчаш зарур эди, шу тариқа геометрия фани-ер юзасини ўлчаш илми дунёга келди. Мисрликлар нафақат оддий арифметик ҳисобларни, балки касрлар, маҳражлар ва мураккаб, ҳисоб-китобларни ҳам билишган. Математика фани ана шу тариқа тараққий эттирилган. Мисрликларда тиббиёт фани ҳам анча юқори ютуқларга эришган, мумиёланган маййитларнн тайёрлай туриб, одамнинг ички тузилишини ўрганиш оқибатида, томир уришига қараб инсон касалликлари сабаблари аниқланган, даволаш муолажалари олиб борилган. Мисрликларнинг тарихга оид маълумотлари ибодатхоналар деворларига, папирусга ва чармга ёзган битикларида сақланиб қолган (Турин папируси, Мегидо шаҳридаги подшо Тутмос III нинг юриши ҳақидаги ибодатхонадаги китобалари). Мисрда асосий ўлчов бирлиги «тирсак», у тирсакдан бармоқлар учигача бўлган узунликка тенг эди, кўллар узунлиги турлича бўлганлиги сабабли «подшо тирсаги» деган ягона ўлчов жорий этилган, у 52,5 сантиметрга тенг бўлган. «Подшо тирсаги» бутун мамлакат учун андазага айланган. Бундан ҳам қисқа узунликларни ўлчашда кафт ёки бармоқлардан фойдаланилган. 28 та бармоқ ёки 7 та кафт ўлчами бир тирсакни ташкил этган. Календар, бир қанча осмон буржлари, сув соатлари ҳам Мисрда кашф этилган. Бундан ташқари, мисрликларнинг энг қадимий афсоналари, мифлари, «Ҳақиқат ва қинғирлик ҳақида эртак», «Оға-инилар» эртакларида одамлар хатти-ҳаракатига худолар аралашади, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонади деб қаралган.

**Қадимги Хитой.** Хитойда ҳам илк цивилизация Хуанхе ва Янцизи деган катта дарёлар бўйларида миллоддан аввалги III-II минг йилликларда куртак ёза бошлади. Қадимги Хитой давлати Хуанхе дарёсининиг ўрта оқимида вужудга келади (хитойча «Хуанхе»-«Сариқ дарё» маъносини англатади). Миллоддан аввалги III минг йилликда Хитойда қабилалар иттифоқлари пайдо бўла бошлади. Милоддан аввалги II минг йиллик охирида иттифоқ шаҳарлар ягона давлатга бирлашди, бу давлат «шан» деб аталган, миллоддан аввалги II минг йиллик охирида янги «Чжоу» давлати пайдо

бўлади. Ўзаро тахт учун курашлар миллоддан аввалги VII асрда ягона Син давлати тузилиши билан якунланди. Син давлати Син Шихуанди (миллоддан аввалги 246-210-йиллар) номини қабул қилган, бу ном «Сиинннг биринчи ҳукмдори» деган маънони билдиради. Син Шихуанди тириклик даврида. Миср пирамидалари билан тенглаша оладигаи ҳашаматли ва безакли мақбарани қурдирган. Мақбара қурилиши 37 йил мобайнида 720 минг одам ёрдамида бунёд этилган. Ушбу мақбарадан Син Шихуанди вафотидан кейин император қабрини «кўриқлаш» учун ўрнатилган 6 мингта сопол аскарлар ҳайкалчалари ҳам топилган. Син Шихуанди даврида Хитойни кўчманчи хунлардан ҳимоя қилиш мақсадида Буюк девор қурилиши бошлаб юборилган. Деворнинг баландлиги 12 метр, кенглиги 5 метр, узунлиги эса қарийиб 4000 километрни ташкил этади. Қадимги Хитойда бутун бошли сўзларни ифодалаган иероглиф ёзуви мавжуд бўлди. Аввалига хитойликлар бамбукка ёзишган, бундан 2,5 минг йил муқаддам бамбук ўрнида ипакдан фойдаланишга ўтилди. Ипакка таёқча билан эмас, мўй қалам билан ёзилар эди. Энди китоб узун ипак парчасига ёзилар, уни ўрама тарзида таёқчага ўрашар эди. Милоддан аввалги V асрда қогоз ихтиро қилинди, яна компос кашф қилинди. Хитойда зилзилани олдиндан айтиб берувчи сейсмограф ҳам ихтиро қилинган эди. Хитой олимлари тарих, астрономия ва тиббиётга оид кўплаб асарлар яратишган.

**Қадимги Ҳиндистон.** Ҳиндистон мамлакати шу номдаги яриморол хамда Осиё қитъасининг Ҳинд ва Ганг дарёлари водийларидаги бир қисмини эгаллаган. Милоддан аввалги 3 минг йилликда Ҳинд дарёси водийсида ягона давлатга бирлашган катта шаҳарлар вужудга кела бошлади.

Мохенжодара ва Хараппа шаҳарлари Ҳинд дарёси хавзасининг энг йирик цивилизация эди. Ҳиндлар ривоятларига кўра қуёш худоси ҳар тонгда олтин аравада осмон бўйлаб йўлга тушади, одамларга ҳарорат ва ёруғлик улашиш ниятида уфқдан бош кўтаради. Момокалқироқ худоси Индра осмондаги сувни халос айлагач ер юзида қурғоқчилик поёнига етибди. Ҳиндлар айрим худоларни ёввойи хайвонлар тимсолида тасаввур этишган. Масалан, филга сиғинишган: бош худолардан бири боши филникига ўхшатилиб номи донишманд Генеша бўлган. Сигир эса ҳиндлар орасида алоҳида эҳтиромга сазовордир. Сигир муқаддас ҳайвон ҳисобланган. Сигирни ўлдирган кимса жиноятчи деб эълон қилинган: бундай киши жамиятдан ҳайдаб юборилар, хеч ким у билан мулоқот килишга ҳақли бўла олмасди.

Милоддан аввалги I минг йилликда Ҳиндистон илм-фан, хусусан, астрономия ва математика соҳасида юксак даражага эришади. Ҳиндлар 360 кундан таркиб топган қуёш календари тузадилар. Бу даврда санаш ва хисоблашнинг ўнлик системаси кенг тарқалади: ҳиндлар «нол»ни ифодаловчи махсус белгилини ўйлаб топишади, рақамларни эса бугунги кунда бутун дунё қўллайдиган бир тартибда ёзадиган бўладилар. Биз бу рақамларни араб рақамлари деб атаймиз, негаки бу рақамларни ҳиндлардан қабул қилган араблар орасида улар кенг тарқалган эди. Ушбу мамлакатда ихтиро қилинган, ҳиндларнинг ўзи «кўшинларнинг тўрт тури» деб атайдиган ўйин бугунги кунда бутун жаҳонда «шахмат» номи билан маълум ва машҳурдир. Ҳиндлар биринчи бўлиб шакарқамишдан шакар олган эди. Металга ишлов беришда ҳам уларнинг машҳурлигини исботловчи Деҳли шаҳридаги тоза темирдан қуйилган минора устуни ҳали ҳам зангламаганини алоҳида қайд қилиб кўрсатиш мумкин. Қадимги ҳинд тиллари асосида янги адабий тил бўлмиш Санскрит ишлаб чиқилди. «Маҳобҳарат», «Рамаяна», «Панчатантра» эпослари ҳамда бошқа асарлар ана шу тилда ёзилган ва бизга кадар етиб келган.

Жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида ҳиндларнинг диний эътиқодлари ҳам ислоҳотга юз бурди. Янги буддавийлик дини яратилиши милоддан аввалги IX-VIII асрда Будда taхаллусини олган шаҳзода Сидхардха Гаутама номи билан боғликдир. Янги дин олдингиларидан инсон мавқеи табақаларга ҳам, жамиятдаги мақомига ҳам боғлиқ бўлмаслиги билан фарқланади. Буддавийлар фикрича, ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ унинг мукаммалликка интилиши, ортиқча нарсалардан воз кечиши маънавий юксалиш заминидир. Милоддан аввалги III асрда буддавийлик жаҳон динларидан бирига айланди.

## 2.3 масала баёни

*«Юнонистон шундай бир жаҳон устахонасики, - ҳар қандай поэзия нафосатни идрок этмоқ учун шу устахонада таҳсил кўрмоғи даркор»*

Белинский

Бундан, тахминан 2700-2800 йиллар муқаддам, Европа тупроғидаги кичкина мамлакатлардан бири Юнонистонда ёзма бадиий ижоднинг

дастлабки намуналари юзага кела бошлади. Юнонистонда туғилиб, кейинчалик юксак камолот босқичига кўтарилган бу адабиёт эрамиздан аввалги III асрда Рим маданиятининг барпо этилишида, таркиб топишида ҳам катта ўрнак бўлди. Ер юзидаги ана шу икки қадимий халқ яратган маданият, санъат ва адабиёт антик маданият, деб аталади. Лотин тилидаги «Антик» сўзининг маъноси «қадимги» демакдир.

Лекин бу атаманинг Юнон-Рим маданиятларигагина татбиқ этилиш унчалик тўғри эмас, чунки маданиятнинг асл бешиги Шарқ мамалакатлари бўлган; дастлабки маданият ёдгорликлари, олдин Миср, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Бобил каби мамалакатларда яратилган. Бинобарин Юнон-Рим жамияти, санъати, адабиётига нисбатан қўлланилиб келаётган «антик» сўзини фақат Европага татбиқан англамоқ даркор, негаки Европа халқлари ўзларининг маданий тараққиётлари йўлида ёлғиз Юнон-Рим маданияти билан алоқадор деб тахрир ыилиш керак. сабабли шу халқлар бунёд этган маънавий бойликларини, энг қадимий деб таниганлар.

Қадимги дунё тарихида **эллинизм** деб номланган давр энг мураккаб ва қарама-қаршиликлар билан тўлиб тошган давр ҳисобланади.

Эллинистик маданиятнинг шаклланишида Шарқ катта роль ўйнайди. Яқин ва Марказий Шарқда ривож этган илм-фан, айниқса астрономия, математика, табобат ва ўзига хос қишлоқ хўжалиги борлиги, Юнонлар таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усуллари, улар билмаган озуқа мева, полиз етиштирилишини кўрдилар. Айниқса бир-бири билан алоқаси кам бўлган мустақил шаҳар-давлатлар-полислар тузуми шароитида яшашга ўрганган келгиндилар. Шарқда ягона давлат, йўлга қўйилган савдо алоқалари, шаҳарлараро яхши йўллар ва қишлоқлар билан бирдамлик, умумий дин, ибрат олишга арзигулик кўп нарсалар борлигини кўрадилар.

Турли халқлар маданияти қориштирмаси бўлган **эллинистик маданият** Европа ва Шарқ халқлари тарихида ўчмас из қолдирди ва кейинги даврлар маданиятининг шаклланишида катта роль ўйнайди. Бу даврда деярли ҳамма катта шаҳарларда кутубхоналар ташкил этилди. Александриядаги кутубхонада етти юз минг ўрам асарлар тўпланган. Уларда илмий иш олиб борилган. Филологик изланишлар ва матншунослик фан сифаида шаклланди.

Ҳақиқатан ҳам, юнон адабиёти ҳеч бир халқнинг адабиётига суянмасдан мустақил равишда пайдо бўлган адабиётдир.

Юнон халқи инсон онги етиштириши мумкин бўлган барча маънавий озиқлар уруғини ўз қўли билан сочиб, ундан мўл ҳосиллар ундирди.

Маданият осмони эндигина ёришиб келаётган ўша узоқ ўтмишда юнон-рим халқлари қўли билан қурилган улуғвор, кўркам ва жозибадор маданият қасрлари асрлар тўфонига, замонлар синовига бардош бериб, ҳануз мағрур бош кўтариб турибди, янги замон Европа адабиётининг не-не намуналар аллақачон унутилиб, фақат мутахассисликларнинг мулкига айланиб қолгани ҳолда Гомер достонлари, Софокл трагедиялари янгидан-янги таржималарда ҳамон китобхонлар қалбига маънавий озиқ, эстетик завқ бағишлаб келмоқда. Антик адабиёт шу адабиётни яратган халқнинг ҳис-туйғулари ва орзу-умидларининг ифодаси ҳам бўлган. Юнон-Рим халқлари ўзларининг бадиий ижодларида инсониятнинг асрий муаммоларини ечишга уринганлар, улар ботирлик жасоратини, кураш иштиёқини, ватан меҳрини, инсоннинг қудратини куйлаганлар, улуғлаганлар, пасткашлик, қўрқоқлик, сотқинлик ва шу каби чиркин иллатларга нафрат кўзи билан қараганлар. Шунинг учун ҳам бу халқларнинг узоқ ўтмишда яратилган асарлари ҳануз ҳаммага манзур ва маъқул бўлиб келмоқда.

Янги замон Европа маданиятининг жамики бинолари антик дунёнинг вайроналари устига қурилиши ва шу вайроналарнинг парчаларидан кўтарилишидир. Ўрта Осиё билан антик дунёнинг ўртасида маданий алоқалар бўлиб келганлиги ҳам диққатга сазовордир. Манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, “Ўрта Осиё билан Юнонистон ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар жуда қадим замонларда бошланди. Эллин маданияти Ўрта Осиё маданиятининг равнақ топишига самарали таъсир этди. Юнон-Бақтрия ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа ўлкалар аҳолисининг фаол иштирокида шарқий эллинизм маданияти вужудга келди, у юнон маданиятини ҳам бойитди, гуллаб яшнашига самарали таъсир этди”.

Антик дунёнинг жаҳон маданиятига таъсири жуда кучли. Мазкур маданиятнинг унсурлари узвий равишда бизнинг ижтимоий тушунчаларимизга, фикр-туйғуларимизга, тилимизга, илмий атамаларимизга, адабиётимизнинг мағзи-мағзига сингиб кетган. Бинобарин, антик маданиятни билмасдан туриб, ҳозирги замон ҳаётининг жуда кўп томонларини, “Қадимги санъатни тушунмасдан туриб, умуман, санъатни чуқур ва тўла билиб бўлмайди”.

Ҳар қандай маданият маълум ижтимоий тузумнинг маҳсулидир. Антик дунё маданиятининг қандай шароитларда яратилганлиги масаласига қисқача тўхталамиз. Қуллик-эксплуатациянинг антик дунёга хос биринчи формасидир. Қулдорлик ўз замонаси учун зарур бир тарихий босқич бўлиб, жуда муҳим ижобий вазифани адо этди.

Бинобарин, қулдорлик бўлмаганида, Юнон давлати, Юнон санъати, илму-фани ҳам бўлмас эди. Қуллик бўлмаганида, Рим давлати хам бўлмас эди.

Юнонистон билан Рим қуриб берган пойдевор бўлмаганида, ҳозирги Европа ҳам бўлмас эди. Юнон ёзма адабиётининг бизга қадар етиб келган энг қадимги ягона намуналари – “Илиада”, ҳамда “Одиссея” достонларидир. Гомер деган улуғ шоирнинг номи билан боғлиқ бўлган ҳар иккала поэманинг мавзуи Троя афсоналаридан, яъни юнонлар билан трояликлар ўртасида бўлиб ўтган уруш ривоятларидан олинган. Ҳар иккала достон оғзаки халқ адабиёти асосида яратилиш эпопиянинг, яъни баҳодирлик ҳақида ҳикоя қилувчи қаҳрамонноманинг классик намунасидир.

Дидактик эпоснинг юнон адабиётидаги энг биринчи намунаси Гесиоднинг “Меҳнат ва кунлар” поэмасидир. Достон инсоннинг оғир тақдири, мусибатларга тўла ҳаёти ҳақидаги афсоналар билан бошланади. Гесиод ўз асари билан айтмоқчи бўладики, ҳозирги ҳаётда фақатгина адолатсизлик, зўравонлик ҳукм сурар экан, очдан ўлмасликнинг ягона чорасимеҳнат қилмоқ ва шу меҳнат орқали тирикчилик ўтказмоқ, рўзғор ортирмоқдир. Унинг шеърияти халқ адабиётига хос хикматли иборалар, мақол ва  маталлар билан тўлиб-тошган. Диний мифология ҳам Гесиод томонидан тартибга солинган шаклидан то антик давнинг охиригача юнонларнинг тасаввурида асосан мавжуд бўлиб келган. Юнонлар бош маъбудларнинг макони Олимп тоғи деб билишган. Юнонларнинг тасаввурига кўра, олам аввалида Хаосдан иборат бўлган. Ер- теги ва ер ости олами Тартар бўлган. Геядан осмон худоси Уран келиб чиққан. Уран ва Геядан титан Кронос туғилган. Ундан Аид, Посейдон, Гестия, Демитра, Гера, Зевс каби худолар келиб чиққан. Зевс бошчилигидаги худолар Титанларни ағдариб оламни идора қила бошлаганлар. Зевс бош худо, унинг хотини Гера – осмон маъбуди, никоҳ ҳомийси бўлган. Пасейдон – денгиз худоси, Демитра – хосилдорлик, Аид – ер ости олами, Гестия – уй рўзғор маъбудлари ҳисобланган. Зевснинг бошидан донишмандлик уруш маъбудаси Афина пайдо бўлган. Апполон-санъат, Артемияда-ов ва ой, Гефест – темирчилик, Афродита-гўзаллик ва севги маъбудаси, Анонис – узум ва мусаллас худоси сифатида эъзозланган. Юнонларда худо-қаҳрамонлар ҳам эъзозланган. Масалан: Геракл-ёвузликни енгувчи образ бўлган. Юнонистонда худолар шарафига ўтказилган махсус байрамлар фақат диний мазмунга эга бўлмаган, чунки жисмоний тарбия мусобақалари ҳамда мусиқа, қўшиқ кабилар мазкур байрамларнинг энг муҳим ишлари ҳисобланган. Юнон шаҳарлари ўз байрамлари, спорт мусобақалари билан Юнон Элини бирлаштирувчи

марказлар бўлган. Аргосда Гера, Афинада Афина шарафига байрамлар ўтказилган. Олимпиада шаҳрида Зевс шарафига Олимп мусобақалари ўтказилган.

Юнон олимлари Қадимги Миср, Месопатамия, ва кичик Осиё халқларининг билимларидан баҳраманд бўлганлар. Қадимги Шарқ фани Юнон дунёсида Илм-фаннинг ривожланишига таъсир этган. Мимлоддан аввалги VII-VI асрларда Юнонистонда маданият фани ривожланиб Геродот, Демокрит, Пратагор, Гиппократ, Суқрот, Афлотун, Арасту каби олимлар ижод қилганлар. Милоддан аввалги VI асрда Кичик Осиёдаги Милод шаҳри илм-фан маркази бўлган. Кичик Осиё олимлари Миср ва Месопатамия олимларининг илмий билимларини ривожлантирганлар. Улар илмий билимларини ҳодисаларнинг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилганлар.

**Юнон театри.** Театр томошалари давлат қарамоғидаги муҳим сиёсий, тарбиявий тадбирлардан бири эди. Театрлар ҳам мусобақа шаклда ўтказилар эди. Томошалар кундуз куни, очиқ ҳавода ўтказилган. Афина театрига 17 минг одам сиғар эди. Кейинчалик 40-50 минг киши кетадиган театр бинолари курилган. Театр “Кўриш”, “Кузатишдир”. Динний маросимлардан пайдо бўлган антик дунё театри ўзининг эски тузум ва анъаналарини сақлаб қолади. Масалан: бир неча асрлар давомида актёрлар юзларига ниқоб тутиб роль ўйнаганлар. Юнон халқининг маънавий тараққиётида театрнинг тутган ўрни ғоятда буюкдир.

**Трагаик ёзувчилар.**

Эсхил унинг 90 га яқин трагедиядан иборат бой меросидан фақат 7 таси етиб келган. Масалан: “Эронийлар”, “Занжирбанд Промитей”, “Орестея” ва бошқалар. Юнон трагедиясининг отаси ҳисобланади у антик дунё маданиятига кучли таъсир кўрсатган.

**Софокл,** у 120 дан ортиқ асар ёзган, 24 марта драматик шоирлар мусобақасида ғолиб чиққан, бизга 7 та асари етиб келган. Жаҳон адабиётига Софакл ўзининг, буюк “Шох Эдип”, “Антиюнпа” трагедиялари билан кирди. Софакл ижодида юнон трагедияси юксак камолотга етди.

Эрамиздан аввалги V-IV асрларида илм-фан билан бирга Юнон фалсафаси ҳам Янги ютуқлар билан бойиди.

Платон асос солган Юнон илм фанини фалсафий билимлари билан бойитган улуғ мутафаккир Аристотелдир. У Умри ихиригача 1000 яқин асар ёзган. Улардан бизгача 40 яқини етиб келган. Масалан: Метафизика, этика,

Риторика ва бошқалар. Эллин халқининг илму-фани, санъат, адабиёти ҳамда тили аста-секин ўз доирасини кенгайтириб, то Миср ва Ҳинистон ерига қадар чўзилган. Узоқ мамлакатларда ёйилади натижада Юнон маданияти асосида қурилган ягона жаҳон маданияти майдонга келади. Шунинг учун Юнон маданияти таъсирида бўлган давлатларнинг барчасини эллин давлатлари ва эллин моданияти деймиз. Бу даврда ҳам эллин фалсафаси янада юқори даражада кўтарилади. Унинг намоёндалари масалан: Эпикур, математикада Эвклид, Архимед, Гиппарх астрономияни, Эратосфен-география фанларини тараққиётига кенг йўл очилди.

Байрам кунларида греклар спорт мусобақалари - ўйинлар уюштирганлар. Пелопоннес водийсида жойлашган олимпиадада ўтказиладиган ўйинлар машҳур бўлган. Ўйинлар 4 йилда 1 марта олимпия худоси Зевс шарафига ўтказилган.

Юнон маданиятининг гуллаган давридан бошлаб ҳозиргача тахминан 2400 йил ўтди, лекин у бутун дунё маданиятининг ривожига катта таъсир қилди.

**Қадимги Рим маданияти.**

Юнон халқи ўзининг мустақиллигидан айрилиб илму-фан, санъат, адабиёт, яъни маданияти инқирозига юз тутган бир даврда Италия тупроғининг ғарбий қирғоғида Антик маданиятнинг иккинчи тармоғи - Рим маданияти пайдо бўла бошлади. Бу ердаги адабиёт асосан лотин тилида яратилди. Қатор урушлар ва уларнинг оқибатида юнон маданияти кенг миқёсда Рим ҳаётига кириб келиш ҳаракати бошланди. III асрнинг ўрталарида Римга кириб келган юнонлар сони анча эди. Улар ўзлари билан бирга асрлар давомида етиштирган улуғ маданиятлари маҳсулларини ҳам олиб келдилар ва Рим ҳаётининг барча соҳаларига баб-баробар таъсир кўрсатдилар.

Юнонларнинг одат-таомиллари, асбоб- анжомлари, кийим-кечаклари римликларнинг турмушига тез кира бошлади. Юнон алифбосини, юнон динидаги баъзи маъбудаларни римликлар ҳатто анча илгари қабул қилган эдилар. Римнинг маданий ҳаётида юнонликларнинг хизмати синмаган деярли ҳеч қандай соҳа бўлмаган десак хато бўлмайди.

Лекин шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки Рим маданияти ўзи бўлмаганида эди, юнон маданияти ҳам бу ерда шунчалик эътибор қозонмаган бўлар эди.

Рим театрларида Грек ва Рим авторларининг трагедия ва комедиялари қўйилган. Римда яна қулдорлар билан камбағалларнинг севимли томошалари гладиаторларнинг жанглари ва жанг араваларининг пойгаси эди. I асрда Римда 50 минг томошабин жойлашадиган Колизей амфитеатри қурилган.

**Рим архитектураси**.

Римликлар эллинлар архитектура усулларини кенг қўлладилар. Бундан ташқари, улар яна йўниб силлиқланган ва бир-бирига ёйга ўхшатиб жойланган тошдан арк ва гумбаз қуришни ўрганиб олдилар. Улар биринчи бўлиб, бетонни кашф этдилар. Бу эса уларга улуғвор ва мустаҳкам бинолар яратиш имкониятини берди. Римдаги Пантеон, яъни «Барҳаёт худолар» ибодатхонаси гумбазли биноларнинг ажойиб намунасидир.

**Хайкалтарошлик** Рим хайкалтарошлари Юнон хайкалтарошларига тақлид этганлар. Улар императорларни худолар даражасига кўтарганлар. Улар ҳам олимпия худоларига сиғинганлар. Масалан Зевсни-Юпитер, денгиз худоси Пасейдонни-Нептун император ғалабаларини кўкларга кўтариб ишланган хайкаллар, рельефлар (бўртириб йўлланган расмлар) арклар, гумбазлар, устунлар, император ҳокимиятини худо томонидан яратилганини ва қудратини ифода этиши керак бўлган.

**Рим адабиёти.**

Рим адабиёти ҳам Юнон адабиёти билан боғлиқ эди. Грек ёзувчиларини асарларини лотин тилига таржима қилганлар.

Эрамиздан аввалги I асрнинг охири ва эрамизнинг I асри бошларини Рим поэзиясининг «Олтин асри» деб атайдтлар. Бу даврда Римнинг энг машҳур шоирлари яшадилар. Масалан: машҳур шоир Вергилий «Эниада» достонини ёзди. «Эниада» тантанавор жарангдор шуър тарзида ёзилган. Велгилий бу достонда жасурликни бурчга садоқатни, ёки катталарга ҳурмат билан қарашни мадҳ этади. Эрамиздан аввалги I асрда яшаган римнинг буюк олими Лукреций абадий барҳаёт худолар борлигини инкор этган. Унингча табиат атомлардан иборат.

Римдаги асосий ёзиладиган материал папирус эди. Шунинг учун китобларнинг кўп қисми ўрам шаклда эди. Римда ўнлаб, юзлаб нусхада китоб чоп этадиган нашриётлар бўлган.

I асрда Римлик Плиний тамонидан 37 китобдан иборат «Табиий тарих» сақланган. Плиний китобларида I асрдаги бутун Ўрта денгиз бўйидаги яратилган барча илмий билимлар тўпланган. Плиний Везувий вулканини

текшириш учун унга яқин бўлади ва ҳалок бўлади. Узоқ вақтгача лотин тили фан тили бўлиб қолган. Ғарбий Европанинг барча маълумотли кишилари лотин тилида гапиришган. Ўсимлик, ҳайвонларга лотин тилида ном берганлар. Ойларнинг номи ҳам лотинча бўлиб сақланган.

II асрда Рим империясининг тараққиётнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Пойтахтнинг муҳташам қаср-қалъалари, гўзал томошагоҳлари, улуғ ибодатхоналари, тош ётқизилган катта йўллар сув қувурлари, ҳозирги вақтда меъморлик саноатининг ажойиб обидаларидан бўлиб қолган турли-туман иншоотлари сақланган. Рим маданияти ўша вақтда инсониятга маълум барча мамалакатларга ёйилди.

Антик маданият ўрта денгиз бўйи мамалакаларида кенг тарқалиб, Шарқ мамалкатларигача кириб борди. Антик маданият Европа ва дунёнинг бошқа мамалакатларида ҳам маданиятнинг равнақи учун асос бўлиб хизмат қилади.

**2.4 масала баёни.**

Эллинизм ва унинг Марказий Осиё маданиятига таъсири.

**Эллинизм** - конкрет тарихий ҳодиса, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва маданий ҳаётда юнон ва ерли халқлар хусусиятларини ўзида мужассамлантирган тарихий воқеликдир. Александр Македонскийнинг Осиё ва Европа синтези ҳақида тарихчи Диодор қуйидагаларни ёзади: «Александр одамларни Осиёдан Европага ва аксинча Европадан Осиёга кўчириш, аралаш никоҳлар ташкил этиш, халқлар ўртасида алоқа ўрнатиш йўли билан буюк қитъани бир хил фикрлаш ва қардошларча дўстликка олиб келиш йўлида иш олиб борди».

Александр сиёсий жиҳатдан мақсадини амалга оширмади, империя бўлиниб кетди, лекин объектив қаралганда Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасида ҳақиқатан аралашув, ҳар иккала қитъа халқлари маданиятининг бир-бирига таъсири, савдо алоқаларининг кенгайиши амалга ошди. Жанглар кескин тус олган Бақтрия ва Суғдиёнада грек-македонлар, яъни касалланган, кекса, ярадор жангчилардан 23 минг атрофида қолдирилган. Албатта бу аралашув тарихда из қолдирмаслиги мумкин эмас эди.

Европа олимлари кўпинча бир ёқлама таъсирни тан оладилар. Шарқ таъсирини инкор этадилар. Агар шундай бўлса Александр Шарқ халқлари, шоҳлари урф-одатларини қабул қилмаган бўларди.

Демак, таъсир аслида икки ёқлама бўлган. Баъзи Европа олимларининг Шарқ халқлари шунчалик тараққиётдан орқада бўлганларки, ҳатто эллинистик таъсирни ўзлаштиришга ноқобил эдилар деган фикрлари қанчалик ғайриилмий эканлигини археологик топилмалар исботламокда. Марказий Осиёда юксак маданият мавжуд бўлганлигини исботи бу «Авесто» ва зардўштийлик дини, таълимоти, унинг юнон фани ва фалсафасига таъсирида ҳам кўриш мумкин.

Эллинистик маданиятнинг шаклланишида Шарқ катта роль ўйнади. Яқин ва Марказий Шарқда ривож этган илм-фан, айниқса, астрономия, математика, табобат ва ўзига хос қишлоқ хўжалиги борлиги, юнонлар таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усуллари, улар билмаган озуқа, мева, полиз етиштирилишини кўрдилар. Шарқдаги ягона давлат тузуми, йўлга қўйилган савдо алоқалари, шаҳарлар аро яхши йўллар, умумий дин кабиларни кўрдилар.

Европа мамлакатларида кейинги даврларда, ҳатто XVIII асрда ҳам Шарқ маданияти, фани айниқса табобати билан таниш бўлган билимдон одамларни, «маг» деб атаганлар. Оддий кишилар бу сўзга сеҳргар маъносини берганлар. XIX асрда яшаган француз шарқшуноси Гюининг маълумот беришича, «Испанияда араб фанини ўрганганлар ватанларига маг бўлиб қайтар эканлар».

Европа ва Россиядаги магистр илмий даражаси муғ ёки маг билан боғлиқ. Эрамиздан аввалга IV асрдан бошлаб Марказий Осиё халқлари тарихида янги давр бошланади. Эллинистик давлатларнинг маданиятида, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётида Марказий Осиё халқлари ҳам иштирок этдилар.



**Маъруза бўйича асосий маълумотлар ва таянч иборалар:**

1.Қадимги Шарқ тушунчаси.

2.Ибтидоий санъат турлари.

3.Дажла ва Фрот дарёси оралиғи.

4.Даосизм, конфуцийлик.

5.Сидхартка Гаутама, пасталар.

**Маъруза бўйича ижодий топширик.**

“Қадимги Хитой, Ҳиндистон маданияти, қадимги Юнон ва Рим давлатлари маданияти”ни солиштириш, уларнинг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш.

**Маданиятшунослик фанини ўқитишда педагогик технологик карта**. **3-мавзу.**

| | |
|---|---|
| Мавзу | Маданиятшунослик ва диний маданият. Техноген маданият ва унинг моҳияти. |
| Мақсад, вазифалар | **Мақсад**: Талабаларга ўрта асрлар маданиятини икки дин ислом ва христианлик динлари белгилаши айтилади. Техноген маданият унинг моҳияти тушунтирилади. Оммавий маданият унинг ижобий ва салбий томонлари очиб бериш.<br>**Вазифалар**: Ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни |

| | | |
|---|---|---|
| | бажариш, мавзу бўйича билим ва кўникмаларни кенгайтириш. | |
| Дарс жараёнининг ташкил этилиши | 1.Ташкилий қисм<br>2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш<br>3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш<br>4.Якун ясаш<br>5.Уйга вазифа | 5 дақиқа<br>3дақиқа<br>57 дақиқа<br>10 дақиқа<br>5 дақиқа |
| Дарс жараёнининг мазмуни | Диний маданият, унинг кўп мазмунли эканлиги, унинг ютуқлари, техноген маданият, унинг шаклланиши, европа уйғониш даври қадриятлари, техника соҳасидаги илк ютуқлар, оммавий маданият, унинг кўринишлари ва тарбиявий аҳамияти. | |
| Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси. | **Метод**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси.<br>**Шакл**: суҳбат-мунозара, жамоада ва гуруҳларда ишлаш.<br>**Восита**: матнлар, презентация материаллари.<br>**Усул:** тайёр ёзма материаллар, чизмалар, нутқ.<br>**Назорат**:, оғзаки назорат, савол жавоб кузатиш.<br>**Баҳолаш**: рағбатлантириш. | |
| Кутилаётган натижалар | **Ўқитувчи:** мавзуни талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришилади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадига эришади.<br>**Талаба:** Диний маданият, Техноген маданият, оммавий маданият ҳақида янги билимларни эгаллайди. Дунёқараши ўсади. Нутқ равонлашади. | |
| Келгуси режалар | **Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни амалда қўллаш устида ўз маҳоратини такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий мисоллар билан бойитиш.<br>**Талаба:** мавзу бўйича қўшимча маълумотлар тўплаш, ўз устида ишлаш. | |
| Дил сўзлари | Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг. | |

## ***3-мавзу: Маданиятшунослик ва диний маданият. Техноген маданият ва унинг моҳияти.***

**Маъруза режаси.**

*1.Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўрта асрлар маданиятида диннинг устиворлиги.*

*2.Техника тушунчаси. Техноген маданият ва унинг шаклланиши жараёни.*

*3.Экологик маданият тушунчаси ва унинг зарурлиги.*

*4.Оммавий маданият ва унинг бугунги кўринишлари.*

Шарқ ва ғарб мамлакатларининг ўрта асрлар маданиятида диннинг устуворлиги.

"Шарқ" Ер шари қуруқлик қисмининг Осиё қитъаси ва Африка қитъасининг шимолий қисмини қамраган географик атама бўлиб кўринсада, бунда тарихий маданий, жамоачилик, анъанавийлик, ижтимоий-сиёсий, маънавий жихатлар энг кўп даражада ифодалангандир. "Ғарб" атамаси дастлаб Европада XV-XVII асрларда қарор топган цивилизациявий ва маданий ривожланишни ифодалаш учун қўлланилган бўлса, ҳозирги вақтда рационализм насронийлик анъаналари, маърифатчилик, ваколатли демократия, индивидуалликнинг жамоавийлиги устунлиги, илмий-техникавий равнақ ва ҳакозо маънавий қадриятлар маъносида тушунилади. "Ғарб"чиликнинг илдизи антик даврда, хусусан Римнинг ривожланиб жаҳоний мавқега эга бўлиш даврига бориб тақалади. Дин - ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, кишилик жамияти тараққиёти жараёнида маьлум босқичда пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларидан биридир. У муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятида намоён бўладиган олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида усулидир. Диннинг моҳияти турлича изоҳлансада, унинг асосида ишонч, эътиқод туйғуси ётиши деярли барча томонидан тан олинади.

Дин (арабча-ишонч, ишонмоқ) борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир.

VI-XVI асрлар даври тарих фанида ўрта асрлар дейилиб, қадимги ва анъанавий маданиятлар ўртасидаги даврни билдиради. Араб халифалиги ва Европа мамлакатлари ўрта асрлар маданиятидаги хусусиятни ислом ва

христианлик белгилайди. Ўрта асрлар маданиятининг шаклланиш қиёфасини ислом ва христианлик белгилаши билан бирга, уларнинг ўзи ҳам мифологик тушунчалар асосида шаклланиб, анъанавий маданиятининг кўплаб жиҳатларини ўзлаштирди, ўз навбатида ўрта асрлар маданияти негизида кейинги даврлар маданиятнининг шаклланиши учун янги маданият куртаклари ва янгича тафаккур тарзи вужудга келди.

Диний маданият кўп мазмунлидир, негаки униig асосида турли халқларнинг маданият мероси мавжуд: араб, турк, герман, славян халқларининг архаик (ибтидоий) маданияти; антик мерос ва қадимги шарқ цивилизаиияси меросларини танлаш ва ижодий қайта ишлаб ўзлаштиради

Ўрта асрлар даврида якка худоликка асосланган жаҳон динлари - христианлик ва ислом Европа, Осиё ва Африканинг кўп жойларида кўплаб кишилар учун дунёқарашнинг устувор шакли бўлиб, инсон ва бутун жамиятнинг тафаккурини, бутун турмуш тарзини белгилади. Диний ақидалар асосида ўша даврнинг қиёфаси кишилар онгида шаклланиб маданиятнинг ўзига хос хусусиятини белгилади.

Христиан черкови жамиятни барча томонларини сиёсий ташкилот шаклига келтиришнинг намуна асосини ташкил этди. Тобеълик муносабатларига қурилган феодал табақачилик тизими асосида Черков иерархияси ётади. Қирол худонинг вассали, сарой аённинг, аёл эркакнинг, уй ҳайвони аёлнинг, тош ва ўсимликлар эса уй хайвонининг вассали ва ҳакоза. Мусулмон Шарқида ислом таълимоти пайдо бўлиши билан баробар теократик бошқарув шакли қарор топади, бунда диний ва дунёвий ҳокимият пайғамбар, кейин унинг «ўринбосарлари-халифалар» қўлида бирлашган.

Дин ҳаётни муқаддас шаклда тасвирловчи ғояларни яратди: фалсафада-теология, адабиётда-илоҳий, дидактик жанрлар, Европа мусикасида черков гимнлари-литургия ва месса, тасвирий санъатда христианлик сюжетлари асосий ўрин тутди. Диннинг инсон руҳиятига таъсири жуда кучли бўлиб натижада диний психология вужудга келади. Айни пайтда дин-табиат, жамият инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири, инсониятни бевосита қуршаб олган атроф муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айни замонда инсонларга бирдан-бир тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишонишни ифода этадиган қарашлар, гоялар йиғиндиси ўлароқ диний мафкура майдонга келади.

Асосий мавзу-худони куйлаш, Инжил асотирлари, авлиёлар ҳаёти, руҳий-ахлоқий покланиш, гуноҳдан, мағфират бўлиш ақидалари эди.

Мусиқавий маданият негизини эса, черков қўшиқ-куйи (литургия), мусиқа, шеърият ва драматургияни ўзида уйғунлаштирган черков тантаналари ташкил этди. Меъморчилик ва тасвирий санъат илоҳиётнинг унсиз тарғиб шакли тарзида намоён бўлди. Христианлик эҳромларини (Собор) "саводсизлар Инжили" деб бежиз айтмаганлар. Унинг бутун ифода шакли-бино ичининг хоч шаклидалиги, атрофнинг безак-ҳашами, оддий бандаларига муносиб кўрилмаган меҳроб қисми, турли ҳайкалчалар, мўл буёқли тасвирларда аслида христиан рамзлари ва христианлик ақидалари ифодаланган. Бош жанр икона бўлиб, у саводсиз омма учун худо Билан руҳий-хиссий боғланиш алоқа шакли саналган. Тасвирда худони бандаларининг гуноҳ-кечмишлари, уларни мағфират этишга қаратилган мотамсаро кўриниши ифодаланган.

Исломда санъатга нисбатан қатъий бирёқлама, диний ақидалар тимсоли ифодасини кўрамиз. Бунда черков тизимининг йўқлигига, ҳар бир одамнинг Аллох-билан танҳо мулоқоти бўлиши мумкинлиги, аҳоли манзиллари, маҳаллаларда кўрилишнинг оммавий шакли-масжидларнинг бино этилиши бўлиб, унинг дастлабки намунаси Мухаммад пайғамбар томонидан Мадина шаҳрида солинган масжиддир. Бунда юқори маълумотли мусулмонлар ташаббускорлиги натижасида Европа мамлакатларидаги университетлардан илгарироқ олий таълим мактаб-мадрасалари кенг тарқалишини кузатиш мумкин. Мусулмон адабиётида устуворлик қилган шеъриятнинг ривожланишида сўфийлик катта роль ўйнайди. Сўфийлар ўзларининг чуқур ҳиссий-руҳий ҳолатлари, яратувчига бўлган эътиқодини тингловчиларига етказиш, индивидуал таъсир этиш маҳоратини намойиш этардилар.

Айни пайтда Исломда оламнинг моҳияти, асл ҳаёт ҳақиқатни нақшларда мухрланган белгиларда ифодалашга эътибор қаратилган. Маҳобатли меъморчилик ёдгорликларини бетакрор гўзаллик тимсолларига айлантирган, ихлосмандларнинг нафақат кўзини, қалбини ҳам қувонтирадиган мураккаб геометрик шакллар (гирҳ), ўсимликлар шакли ифодаси (ислимий), қўлёзма, амалий безак, санъат нақшлари асосида исломий рамз тасвирлари ётади. Жумладан, учбурчак-Аллоҳнинг назари, тўртбурчак-мусулмонларииннг Муқаддас манзилгоҳи-Каъба, бешбурчак-диннинг 5 асосий аркони, жимжимадор ўсимликсимон шакл, ва гуллар-жаннат боғи-бўстон тимсолларидир. Мусулмон Шарқида санъатда диний ақидалар ўта изчилик билан қўлланган. Санъатда каллиграфик миниатюрани истисно қилган ҳолда деярли воқеликни тасвирлаш таъқиқланган, тасвир рамзий шаклларда, нақш сифатида ифодаланган.

Диний маданият умуминсоний маданият тараққиётининг энг муҳим даври ҳисобланади. Ўрта асрлар даврида давлатчилик, миллатларнинг янги шакллари вужудга келиши юз беради, ҳозирда муомалада бўлган тиллар шаклланиб, таълим ва фан тизими янада тараққий этади. Фаннинг турлари ва услублари замонавийлик касб этиб борди. А. Гумбольд айтгани каби, араблар «табиий-фанлар ижодкори» бўлиб, улар тажриба ва мезон йўлига асос солдилар. IX-асрда мусулмон Шарқида расадхона қурилади; юлдузларнинг аниқ, жойи белгиланган каталог тузилди; геометрия, тригонометрия, оптика, алхимия, механика, тиббиёт, жўғрофия соҳалари бўйича кўплаб асарлар ёзилди. Улуғ аллома Ал-Хоразмий математиканинг янги тармоғи бўлган алгебрага асос солди. Шарқ-олимлари Хоразмий, Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушдий каби кўплаб аллома асарларидан Европанинг янги авлод олимлари таълим олди.

VI-XVI асрларда бадиий қадрияти юксак ёдгорликлар яратилди: ал-Ҳамродаги сарой, қурдоба, Жазоир, Саммадра, Дехлидаги масжидлар, Реймс, Париждаги готика услубидаги соборлар, Истамбулдаги Авлиё София ибодатхонаси; ажойиб икона ва хайкалтарошлик асарлари, каллиграфия ва китоб миниатюраси, айниқса Шарқда шеърият юксак даражада тараққий этади.

Бу даврнинг муҳим бадиий ютуқлари қаторига аҳолининг барча қатламлари эътироф этган маданият қадриятларни қўйиш мумкин. Христиан ва ислом динлари бой ва камбағални, кучли ва ожизни турли ирқдаги ва турли ижтимоий гуруҳларни бир-биридан ажратмайди. Барча эътиқод қилувчилар учун умумий аҳлоқ мезонлари: мўминлик, тавба, яхши ва раҳм шафқатли бўлиш, гуноҳ қилмаслик кабилар мавжуд. Ўрта асрларда умум эътироф қилган ахлоқий меъёрларнинг мустаҳкамланиши умуминсоний хулқ ва аҳлоқ мезонларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди.

### 3.2 масала баёни

Техника (techne-маҳорат, санъат) моддий бойлик олиш ҳамда одамлар ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида инсон атрофидаги табиатга таъсир қилишига имкон берадиган воситалар ва кўникмалар мажмуи. Асосий вазифаси инсон меҳнатини енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш. У табиат ресурсларидан самарали фойдаланишга, Ер қаърини, дунё океанини, космик фазони ўзлаштиришга имкон беради.

Техника воситалари доимо такомиллашиб боради, янги технология, янгича маҳсулот ишлаб чиқариш зарурияти туғилиши билаи янгидан-янги техника яратилади. Техника тарихи ибтидоий жамиятга бориб тақалади. Умуман техника тарихини қуйидаги 7 босқичга бўлиш мумкин:

- оддий ишлаб чиқариш қуроллари ва усуллари яратилиши;
- мураккаброқ ишлаб чиқариш қуроллари ва усуллари яратилиши;
- одам томонидан бошқариладиган мураккаб меҳнат қуроллари яратилиши;
- мануфактура ишлаб чиқариши шароитида машина техникасининг яратилиши;
- илғор мамлакатларда буғ двигатели асосида иш машиналарининг пайдо бўлиши;
- электр энергияси асосидаги машиналар тизимининг яратилиши;
- автоматлаштирилган машиналар тизими ва космик техниканинг тараққий этиши, ахборотлар технологияси (мас., интернет, уяли телефон)нинг ривожланиши.

Фан ва маданиятдаги янги йўналиш шаклланишининг бошланиши Уйғониш даври билан боғлиқ (XIV-XVI асрлар). Уйғониш-Европа маданияти тараққиётидаги муҳим давр бўлиб, даврий жиҳатдан ўрта асрларга мансуб. Бироқ, бу давр мутлақо янги маданият босқичини очди. Шаҳарлар кўпайиши, Европада ички ва ташқи савдонинг вужудга келиши, ҳунармандчиликнинг ривожланиши Европа маданиятида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Қисқа вақт ичида ўрта асрлар жамиятида моддий маданият ва - технологиялар ўзгариб кўплаб муҳим илмий кашфиётлар қилинди. Буюк географик кашфиётлар диний «дунё қиёфасини» ўзгартирди, ақлий ва иқтисодий ҳудудни кенгайтириб жаҳон савдосининг вужудга келишига сабаб бўлди. Антик давр меросини ўрганиш янги фалсафий йўналишлар пайдо бўлишига туртки бўлиб инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мутлақо ўзгача андоза шаклланди.

Жамиятдаги шаҳарликлар орқасида «гуманизм» деб номланувчи янги ғоя шаклланди. Бу ном инсон ҳақидаги янги дунёвий фандан (studia humanitatis) келиб чиққан бўлиб, илгариги «илоҳият ҳақидаги фан»ни (studio divinus) аста-секин сиқиб чиқарди. Инсонпарварлик ғояси қуйидаги хусусиятларга эга:

- Табиат қонунларини «табиий-мувофиқ» тамойили асосида тушунтиришга асосланиш;
- Инсонни муаммолар маркази қилиб олиш (антропоцентризм) - инсонга табиатнинг тожи сифатида қараш;

- Ақлий тафаккур (рационализм) инсон идрок ва заковат орқали атроф муҳитни, ўз-ўзини билади деб ҳисоблаш;

Инсонпарварлик ғояларининг ривожланиши дунё ва инсоннинг диний концепцияси бузилишига ва XVIII асрда инсон шахсининг ўзини қадрлаш ҳақидаги таълимот пайдо бўлишига олиб келди. Гуманистлар ўз таълимотининг ишонч мезони деб эмперик-тажриба ва рационалликни ҳисоблади. Бу хулоса уларни черковни реформация қилиш (М.Лютер, Ж. Кальвин), утопик социализм (Т.Мор, Т.Кампанелла) ва ижтимоий прагматизм (Н.Маккиавелли) каби ғояларни назарий асослашга олиб келди.

Уйғониш даври гуманистлари дунё ва инсон пайдо бўлишидаги илоҳий ғояларни бутунлай инкор қилмади, балки олам доимий ва қатъий қонунларга мувофиқ равишда бунёдга келишини тасдиқладилар.

Антропоцентризм, рационализм, сциентизм уйғониш даври маданияти яратган асосий қадриятлар кейинги асрлар Европа маданияти асосини белгилади. XV-XVI асрларда анча такомиллашган домна печлари қурилди. Асосий двигатель ўрнида гидравлик машиналардан фойдаланилди. Бу даврда кончилик металлургия ривожлана бошлади. Ҳарбий техникада ўт очиш қуроллари, машина ва механизмлар пайдо бўлди. Унинг кенг ривожланиши натижасида XVIII аср охирида буғ машинаси ва тўқимачилик машинalариниг пайдо бўлиши саноатда инқилобнинг бошланишидан дарак бериши «илмий инқилоб», XVIII асрда маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши ва саноат инқилоби бошланишига, XIX асрда босма машина, телеграф аппарати, фотография, ички ёнув двигатели, самолёт, радио, телефон, кинематография, автомобил яратилиши, ҳарбий техника, темир йўл транспорти ривожланиши ва бошқалар XIX-XX асрлар давомида маданиятнинг классик техникавий шаклидаги ютуқларга олиб келди.

Фаннинг шаклланиши ва секин-аста жамият ҳаётига муҳим асос бўлиб кириши янги давр кишисининг турмуш тарзи, фикр йўсини, тафовутли қиёфаси сифатида рационализмниинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Рационализмнинг кенг кўламда намоён бўлиши XVIII асрдаги маърифатпарварлик ҳаракати билан боғлиқ. Барча бахтсизлик ва ноҳақликдан инсониятнинг азият чекиши билимсизликдан эканлигига, фақат маърифатли халқ ва унинг ҳукмдори «озодлик, тенглик, қардошлик»ни ўрнатишга маърифатпарварлар ишонганлар. Маърифатпарварлар вакили Д.Дидро ва Д.Аламбер «Фан, санъат ва ҳунармандчилик энциклопедияси»ни нашр қилиши катта маданият ютуғи бўлди. «Энциклопедия» нафақат

инсониятнинг муҳими илмий ютуқларини тартибга солди, балки янги маданий қадриятлар тизимини ҳам тасдиқлади.

Европа ва Шимолий Американинг кўплаб мамлакатларида XIX асрнинг ўрталарида индустрлаштириш ёки саноат бурилиши ниҳоясига етди. Рационализм ва утилитаризм (манфаатпарастлик)нинг маданиятдаги белгиловчилик ўрни фан ва техника тараққиётига янги туртки берди. Оддий тикув дастгоҳи «Женни» дан Ж.Уаттнинг буғ машинаси (1784 йил) ва Р.Фултоннинг буғ кемаси, Стефенсоннинг паровозидан (1814 йил) биринчи ер ости темир йўлига (1863 йил) ўтилиши инженерлик фикрининг ўсишини кўрсатди. Буғ ва электрлаштириш, телефон ва телеграф даври, астрономия, геология, биология, химия соҳаларида ажойиб кашфиётлар бўлган вақт инсоният маданиятини янги босқичга кўтарди. П.Сорокиннинг хулосаси билан айтганда «фақат биргина XIX асрдаги кашфиёт ва янгиликларнинг ўзи олдинги асрлардаги кашфиётларнинг ҳаммасини жамлагандан ҳам кўпдир». Хусусан, бу асрдан 8527 та кашфиёт макон, замон ва материя устидан техника ҳукмронлигининг чексиз ўсганлигидан далолатдир. Испан файласуфи Д. Ортеги-и Гассетнинг ёзишича: «Биз ҳақиқатдан ҳам XIX - асрда рўй берган инсон тақдиридаги радикал ўзгаришлар олдида турибмиз. Замонавий инсон учун ҳам жисмонан, ҳам ижтимоий жиҳатдан мутлақо янги манзара, янги фаолият яратилди. Бу янги дунёнинг қиёфасини учта муҳим жиҳат белгилайди. Бу демократия, экспрементал фан ва индустриализация. Иккинчи ва учинчи жиҳатларни «техника» номи билан умумлаштириш мумкин».

XIX асрда техноцентрик дунёқараш кенг тарқалиб, кишилар ўз ҳаётини илмий асосда куришга урина бошлади. Инженерлик фаолияти тамойиллари табиат ва жамият ҳаётига кенг ёйилди. Инсоннинг турмуш жараёнидаги бунёдкорлик, тирикчилик ташвишлари ўрнини бундан буён ихтирочилик Техника ижодкорлиги, эҳтиёжларни қондирувчи техника воситалари яратиш эгаллади. Табиат, инсон, маданият каби тушунчалар талқини сезиларли ўзгарди.

Замонавий маданиятни техникавий, техника ҳукмдорлиги, дунёвий-электрон ёки ахборот маданияти деб атайдилар. Бундай муносабат ҳозирги маданиятда фан ва техниканинг ўрни муҳимлигини кўрсатади.

XX асрда техника сурати ҳаддан ташқари ўсди. Кейинги юз йилда ер юзида саноат ишлаб чиқариши 50 мартадан ошди, бу ўсишнинг 4-5 қисми 1950 йилдан кейинги даврга тўғри келди. Ҳақли равишда XX аср инсоният тарихига илмий-техника инқилоби асри бўлиб кирди.

Техника сўзининг ўзи маҳорат, санъатни англатиб, ишлаб чиқаришга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун кишилар яратган воситалар йиғиндиси уни белгилайди ёки англатади. Инсонлар жамияти пайдо бўлиши билан амалда техника пайдо бўлди, дастлаб кишининг меҳнат фаолиятида ёрдам берувчи меҳнат қуроли сифатида, кейин, ҳар хил мақсадларда ишлатиладиган техниканинг бошқа турлари вужудга келди. Техниканинг хусусиятлари шундаки:

- Техника сунъий равишда, кишилар томонидан табиатни ўзгартириши натижасида яратилиб, оқибатда, олдиндан яралган идеал андозалар моддийликда мужассамланади;
- Техниканинг оммавий хусусияти у аввало, кишиларнинг амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади;
- Техниканинг муҳим параметрларидан бири рационаллик ҳисобланади, маълум жамият доирасида у ёки бу техника қурилмасини маьлум қадар тезроқ ишлаб чиқаришга мўлжалланади.

Техника маданиятнинг фавқулодда ҳодисаси сифатида жамият ва табиат ўртасидаги муносабатни таъминлайди, у ижтимоий маданият жараёнининг ажралмас таркибий қисмидир. Техника тараққиёти инсоннинг табиат устидан хукмронлик қилишида унинг имкониятларини кенгайтирди, маданий ва ижтимоий ўзгаришларни муқаррар амалга оширади

Техникани ривожлантириш фани ва техника тараққиётининг муҳим шартидир. Техникани ривожлантиришда фан ютуқларидан кенг фойдаланилади. Ҳозирги замон фани, ишлаб чиқаришнинг муҳим ютуқлари табиий ва техника фанлари кашфиётларига таянади. Техника фан ютуқлари асосида ривожланиб бориб, фан олдига янги масалалар қўяди. Фан ва техниканинг ривожланиб, улар орасидаги ўзаро боғланишни тақазо этади. Техниканинг ривожланиши мамлакатларнинг географик иқлим шароити ва бошқаларга ҳам боғлиқ. Масалан, Буюк Британияда кемасозлик денгиз ва порт ишлари техникаси, Германияда станоксозлик тоғ-кон ва металлургия техникаси, Японияда электротехника ва радиоэлектроника, Швейцарияда аниқ асбобсозлик техникаси, Финландия ёғоч-тахта саноати техникаси, АҚШ ва Россияда ракетасозлик космонавтика, Ўзбекистонда гидротехника, кибернетика, тўқимачилик машинасозлик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати ва бошқалар ривожланган.

Маданиятда техниканинг ўрни хусусида турлича қарашлар мавжуд.

Технодетерминистик концепция техникани ҳар доим инсонга ижобий таъсир кўрсатишини ишончли асослайди. Илмий тараққиёт ва техника

ютуқлари инсонга кўплаб сирларни очиб, уни улкан миқдорда моддий бойлик билан таъминлайди. Илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ барча муаммо ва қарама-қаршиликлар, яъни техник воситаларнинг биосферани фалокатга яқинлаштирувчи таъсири ахборот алоқа даври деб аталувчи инсоният тараққиётининг кейинги босқичида ижобий бартараф қилинишини таъкидлайдилар. Техникани оптимистик баҳолашда технократик назария катта аҳамиятга эга. Технократия-жамиятдаги шундай кучки, у жамиятнинг техник-технология тараққиёти истиқболи хусусидаги илмий башоратида нуфузли илмий хулосаларга таянади.

Европада XVIII-аср охирлариданоқ техниканинг ҳалокатли таъсири ҳақида хабарлар тарқала бошлади. Турли фалсафа мактабининг вакиллари техника цивилизацияси, унинг қаттиқ, «темир суръати», бешафқат ва аҳлоқсизлигини таъкидлаб, ҳаёт, табиат, инсонга ҳурматсизлигини қаттиқ танқид қила бошладилар. Улар жамиятда техникага сиғиниш, уни илоҳийлаштириш ҳолати содир бўлаётганига, техника замонавий цивилизациянинг офати бўлажагига ўз эътиборларини қаратдилар. Техниканинг назоратсиз тараққий этиши экологик муаммоларни туғдирди, ҳарбий саноат комплексларининг кенг ривожланишига сабаб бўлиб, оқибатда инсонни техниканинг ижро қисмига айлантириб қўяди

Бироқ барча муаммо техникага эмас, балки инсоннинг ўзига боғлиқ. Техника ахлоқий жиҳатдаи мустақил олам эмас, унинг мажмуи хусусиятида жамиятнинг қадрият тузилмаси намоён бўлади. «Техника-инсон» зиддиятларининг бартараф қилиниши янги типдаги инсонннинг шаклланишига боғлиқ бўлиб, бу маданиятдаги биосферик тамойилларини ҳисобга олувчи, табиат ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилувчи маданиятнинг бош муаммоларни окилона ҳал қилишни таъминловчи сифатга эга бўлган янги инсондир.

Биосферик тамойилнинг асосчилари В.И.Вернадский, Э.Циалковский, А.Л.Чижевский бўлиб, бу назария Д.Ж.Форрестр, Д.Медоуз, М.В.Месарович, Э.Пестеле, А.Печчен каби Рим клуби олимларининг асарларида такомиллаштирилди. Биосферик тамойил Ернинг эволюциясини умумий геологик биогеник ижтимоий ва маданий жараён сифатида қарайди, планетанинг, коэволюция асосида табиий ва сунъий ҳамкорликда ривожланиши зарурлигини кўрсатади.

Инсоният бу қадриятларга амал қилиб, сифатли янги иқтисодий тип- «Ҳаёт иқтисодини» яратишга қодир бўлади. «Ҳаёт иқтисоди» илмий-техника тараққиёти ютуқларини инкор этмаган ҳолда на ишлаб чиқаришда энг юқори

миқдорий манфаатни, на бирор керакли жойда зарур миқдордаги ва зарур сифатдаги бойликни кўзлаб иш тутади

### 3.3 масала баёни

Экологик маданият ҳозирги замон цивилизациясининг аҳамиятга молик белгиларидан бирига айланиб бормокда 1980 йиллардан эътиборан замонамиз илм-фани тобора экологиялашмокда. Дастлабки пайтларда экология ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг атроф муҳит билан боғлиқлик алоқаларини тадқиқ этган бўлса, сўнгроқ бир бутун тарзда Ернинг экотизими, биогенези, биосферани ўргана бошлади. 1970 йиллардан экология жамият ҳаётидаги жараёнларни у ўрганишга киришди. Инсоният жамияти билан уни ўраб турган табиий иқлимий, социал-маданий муҳитнинг алоқадорлиги муаммоларини ўртанувчи социал экология шаклланди. Экологиянинг табиий ва социал муҳити инсон унинг генофонди, одамни бугунги оламга мослашиш жараёни хусусиятларини тадқиқ этувчи мустақил тармоғи «инсон экологияси» вужудга келди.

Табиий ва социал, табиий ва сунъий жараёнларнинг ўзаро таъсир алоқадорлигини оптималлашувини экологик маданиятни бошланиши»,-деб ҳисоблаш мумкин. Бу инсоният томонидан табиий ва сунъий икки тизимнинг тенг хуқуқлигини тан олиши демакдир. Айниқса бу қишлоқ хўжалик соҳаси учун ўта аҳамият касб этади. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги учун маҳсулдорлик ва товар ишлаб чиқариш ҳажми асосий стратегик мақсад эмас, гап экология қонуниятларига мувофиқ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни асрашдан иборат. Саноат ишлаб чиқариш учун экологик қонунлар табиат ресурсларига тежамкорлик асосида ёндошиш имкониятини берувчи техника ва технологияни яратишдангина иборат бўлмай айни пайтда, инсоннинг мавжудлиги ва яшани муҳити-биосферани асраш, қайта тиклашдан иборатдир.

### 3.4 масала баёни

XX аср ўрталаридан фан ва техника тараққиёти кучли ахборотлар йиғимини пайдо қилди. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) матбуот, кино, радио телевидение, компьютер алоқаси замонавий соцмаданият жараёнида салмоқли ўринни эгаллай бошлади. ОАВ ёки бунинг бошқача mass media деб ном олган тури ахборот узатишдаги каналларнинг кўплиги, тезлиги ва узоқ

ишлаши билан улкан ҳажмдаги ахборотларга эга бўлмоқда 1940-50 йилларда Г.М.Макмоэн асарларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг янги типи ва кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлақо янги тип сифатида таърифланди.

Унинг фикрича бу восита инсонларнинг ахборот олишдаги рақобат курашида қудратли кучга айланади.

ОАВ электрон техника ва йўлдош алоқалардан фойдаланиб, кишиларни ижтимоий ҳодисалар ва маданий бойликларни бир вақтда идрок қилишга ундайди. Г.Э.Макмоэн таъкидлаганидек «ҳаммабоп ва омма ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданияти» шаклланмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам замонавий маданиятнинг холисона таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маънавий маданият кўпроқ оммавийлик касб этиб бормоқда. Оммавий маданиятнинг қиёфаси қуйидагича:

- У миллати, ёши, жойи, ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади;
- Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараённинг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустриянинг махсус кўринишини ўзида намоён қилади, яъни унда юз минглаб кишилар банд бўлиб, уларнинг «матбуот қироли», «Буюк шоу томошачилари», «кино, ТВ, эстрада юлдузлари» бўлади.

Оммавий маданият кишиларни ҳаётни бефарқ кузатувчи томошабинга айлантиради, ўзлари ҳам мавжуд ҳаётни гўё сароб каби тасаввур қиладилар.

Ортега Гассет оммавий маданиятнинг таъсир доирасини таҳлил этиб, омма ўзига, шахсга ўхшамай қолиши, кимки бошқаларга ўхшамаса, шулардек фикрламаса таҳликада қолишини айтиб, «Омма бу йўриқ-йўналишсиз оқим билан сузаётган одамлар. Шунинг учун улар қобилият имкониятлари катта бўлишига қарамай, ҳеч нарса яратмайди. Оммавий одам аҳлоқдан маҳрум, чунки унинг моҳияти, онги бурчига итоатдадир», деган эди.

Оммавий маданият умумий истеъмолчилик эҳтиёжи билан боғлиқ. Бунинг асосида истеъмол талаб товар сифатида харидоргир бўлиш маънавий эҳтиёжи ётади. Оқибатда ҳозирги замон маданиятидаги маънавий қадриятлар тор доирадаги эҳтиёжларни қондириш воситасига айланади. Маданиятнинг чуқур маъно-моҳияти, хотира чексизлиги «одатли», «умумий» қимматлар билан, ҳақиқий ижод аввалдан маълум, мавжуд намуна асосидаги «асарлар» яратиш ва ишлаб чиқариш (киносериаллар, саёз ТВ ва адабий асарлар) билан алмашинади. Шахс ўзининг ижодий қобилияти миллийлигидан айрилиб,

тайёр «маданий маҳсулотлар» истеъмолчисига айланиб қолади. Хусусан ёшлар учун оммавий маданиятнинг хатарли оқибатларини Президентимиз бир неча бор қайд этган эдилар. Жумладан, «Фидокор» газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида: "Дунёда бир қарашда беозор, сиёсатдан ҳоли бўлиб туюлган шундай мафкуравий таъсир воситалари ҳам борки, уларга кунда кўпда етарлича эътибор беравермаймиз», деб кейинги йилларда кўплаб намойиш, этилаётган жангарилик фильмлари, яланғоч асарлар ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётганлигини, улар инсонни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо этишга қаратилганлигини таъкидлаб, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун аввало киши организмида унга карши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топдиришимиз, таъбир жоиз бўлса, **мафкуравий** иммунитетни кучайтиришимиз зарур", деб кўрсатади.

Ҳар бир инсон икки йўлдан бирини танламоғи ё истеъмолчи тарзда оқим билан сузмоғи, ёхуд ўзига, ўзлигига нисбатан талабчан бўлиб гирдобдан чиқмоғи лозим. Инсоният тобора техника тараққиёти ва оммавий коммуникациянинг социал ва экологик жиҳатдан назоратга олиш, бугунги одам маънавий қиёфасини бир хиллаштириш (стандартлаш)га қарши жиддий тўсиқ қўйиш заруриятини англамоқда.

«Буюк ипак йўли» - бу нафақат тарих. у бугунги кун ҳамдир. 1993 йилнинг майида Европа комиссияси Брюсселда Марказий Осиё, Кавказ ҳамда Европа иттифоқидаги штатлари вакилларини тўплади. Мақсад аждодлардан қолган қадим йўлларни тиклаш орқали Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги мустақил давлатларни жаҳон иқтисодиётига интеграциясини ташкил этишга киришилди.

Мустақил давлатимизнинг миллий маданиятини тиклаш, ривожлантириш ва умуминсоний қадриятлар асосида бойитиш йўлидаги ютуқлари туфайли 1997 йили Ўзбекистан ЮНЕСКО Ижроий Кенгашининг аъзоси этиб қабул қилинди, Президентимиз И.А.Каримов «Ибн Сино» медали билан тақдирланди. Юртимизда жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш ёшларда тарихий онг ва мустақил тафаккурни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда

Давлатимизда демократияни ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.

Маълумки, дунёдаги барча мамлакатларда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутади. Газета ва журналлар, радио ва телевидение воситалари ҳар бир давлатда омма билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда 2001 йил 1 январгача 390 газета, 110 та журнал, иккита ахборот агентлиги, 52 та телестудия, 5 та радиостудия, 3 та телерадиостанциялар каби оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлса, бугунги кунда Ўзбекистонда 609 та газета (1990 йилда 311 та) нашр этилади. Шундан 357 таси давлат, 161 таси жамоат, 42 таси тижорат, 47 таси хусусий, 2 таси диний газеталардир. Нашр этилаётган 162 та журналдан 100 таси давлат, 45 таси жамоат, 13 таси тижорат, 4 таси хусусий журналлар бўлиб, улар эркин фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуси ва сайи-ҳаракатлари билан яна икки қонун: Ўзбекистон Республикасининг "Журналистик касбини ҳимоя қилиш тўғрисида" ҳамда "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар том маънода кўплаб тараққий этган мамлакатларда ҳам мавжуд бўлмаган қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президента Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари тўғрисида I чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (1996 йил, август) VI сессиясида шундай деган эди: Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бироқ шуни хам эътироф этиш керакки. демократиялаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини "тўртинчи ҳокимият" сифатида намоён қилганлари йўқ".

Айни пайтда шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак Айни вақтда улар жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

**Маъруза бўйича асосий маълумотлар ва таянч иборалар:**

1.Мусулмон маданияти, христианлик маданияти.

2.Диний қарашлар ва ибтидоий санъат намуналари.

3.Икона тушунчаси, черков нерархияси.

4.Диний қарашларнинг кучайиши сабабли ўрта асрларда “христиан” дини маросимлари,

5.Илоҳиёт, ақида, мадраса, расадхона.

6.Техника ривожининг салбий ва ижобий томонларини кўрсатувчи омиллар.

7.Техноген маданият, Антропоцентризм, Рационализм, Оммавий маданият, мафкуравий иммунитет.

**Ижодий топшириқ.**

1.Исломий рамзларни ифода этувчи мураккаб геометрик шаклларни изоҳланг.

2.Ҳозирги даврда техника ва нанотехника соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни ўзида жамлаган кашфиётлардан ёзиб топширинг.

**Маданиятшунослик фанини ўқитишда педагогик технологик карта**. **4-мавзу.**

| | | |
|---|---|---|
| Мавзу | Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти. | |
| Мақсад | **Ўқитувчи:** Талабаларга Марказий Осиё халқларининг қадимги маданиятини шакллантиришини, хусусиятларини, жаҳон халқлари маданий ривожланишида унинг тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириш.<br><br>**Талаба:** дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш. | |
| Вазифа | **Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедия материалларини, оғзаки маълумотларни талабалар томонидан ўзлаштириб олимлари “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологик услублар орқали мавзуни талабалар томонидан ўзлаштирган билимларни назорат қилиш.<br><br>**Талаба:** мавзу бўйича кенг маълумотга эга бўлиши, тушуниши. | |
| Дарс жараёнининг ташкил этилиши | 1.Ташкилий қисм<br><br>2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш<br><br>3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш<br><br>4.Якун ясаш<br><br>5.Уйга вазифа | 5 дақиқа<br><br>3дақиқа<br><br>57 дақиқа<br><br>10 дақиқа<br><br>5 дақиқа |
| Дарс жараёнининг мазмуни | Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти шаклланиши, илк давлатлар қадимги Бақтрия, Суғд, Хоразм давлатлари маданияти, Шарқ элнинистик маданияти, Кушонлар маданияти, Буюк Ипак йўли, унинг аҳамияти. | |
| Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси. | **Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси.<br><br>**Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш.<br><br>**Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ.<br><br>**Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол.<br><br>**Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш. | |
| Кутилаётган натижалар | **Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни уйғотади. Ўз олдига қўйган мақсадга эришади.<br><br>**Талаба:** Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти бўйича кенг билимга эга бўлади. Фикр тиниқлашади, дунёқараши ўсади, билимлари кенгаяди, эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўлкамиз қадимги маданияти ҳақида кенг маълумотга эга бўлади. | |

| | |
|---|---|
| Келгуси режалар | **Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни амалда қўллаш устида ўз маҳоратини такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий мисоллар билан бойитиш.<br><br>**Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш. |
| Дил сўзлари | Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг. |

***4-Мавзу: Марказий Осиё халқларининг қадимги давр маданияти***

**Маъруза режаси.**

*1.Марказий Осиё қадимги маданияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.*

*2.Марказий Осиёдаги илк давлатлар маданияти.*

*3.Юнон –Бақтирия маданияти миқиёсида шарқ эллинистик маданияти.*

*4.Кушон маданияти.*

*Шарқ ва Ғарб маданий алоқаларида Буюк ипак йўлининг аҳамияти.*

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутади.

Марказий Осиё маданияти Ғарб ва Шарқнинг буюк маданияти элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб ўзига хос индивидуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тараққиёт учун негиз бўлиб қолди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, - “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан қуроллантиришимиз зурур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур.”

“Қадимий цивилизация” деб номланган рисолада Марказий Осиё маданиятининг икки хусусияти кўрсатилади:

- Турли маданиятларнинг ўзаро таъсирида;
- Қадимги маданият ўчоқлари билан яқин алоқада ривожланиш.

Бу жараёнларни батафсил кузатадиган бўлсак, Марказий Осиё маданиятининг қуйидаги жараёнлари яққол намоён бўлади.

Марказий Осиё халқлари маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда дастлаб, унинг жўғрофий ўрни ва табиий воситаларига эътиборни қаратиш лозим. Маданиятшунослик ҳар қандай маданиятнинг шаклланишидаги ўзига хос манзараси, иқлими, биосфера омилларининг ўрнига алоҳида эътибор беради. Марказий Осиё минтақасининг табиати турли хиллиги билан катта фарқ қилади. Бу ерда серҳосил водий ва воҳалар, серсув дарёлар, қақроқ чўллар, дашту адирлар Помир ва Тангри тоғининг баланд мудофатлари билан ёнма-ён жойлашган. Бу хусусият деҳқончилик, чорвадор, тоғда яшовчи қабила ва халқлари хўжалик тарзи ва ўзига хос маданиятларининг шаклланиши учун имконият яратди. Марказий Осиёнинг серҳосил водийси, чўл ва дашти тоғларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитларидаги фарқлар турли хўжаликларнинг эртароқ пайдо бўлиши ўзига хос маданиятлар шаклланишига олиб келди. Энг қадимги даврларда деҳқончилик, чорвачилик, тоғ овчи қабилалари ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш Марказий Осиё халқлари иқтисодига катта таъсир кўрсатди. Шарқ маданиятдаги орасида Марказий Осиё қадимги маданияти ажралиб, ўзига хос кўринишда шаклланди. Марказий Осиё ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи халқларида  анча-мунча фарқлар бўлган, лекин улар орасида яқин муносабатлар ўрнатилган. Диний эътиқодлар, урф-одатлар, фольклор, аҳлоқий меъёрлардаги умумийлик маданияти умумийликни шаклланишига олиб келган. Бунда Бақтрия, Суғд, Хоразм, Фарғона, Марғиёна каби давлатлар маданиятини кўриш мумкин. Марказий Осиё маданиятнинг ўзига хослиги минтақанинг ўта қулай жўғрофий жойлашганлиги. Минтақани Месопатамия, Ҳиндистон, Хитой каби буюк учта Шарқ маданиятлари билан чегарадош бўлганлиги. Ғарб цивилизациясига хос бўлган қадимги Юнон ва Рим маданиятлари билан яқин

алоқада ривожланганлиги. Шу алоқалар туфайли Марказий Осиё маданияти Шарқ ва Ғарб ўртасида воситачилик миссиясини бажарди, яъни иқтисодий соҳаларда Марказий Осиё Ғарб ва Шарқ ўртасида боғловчи кўприк вазифасини бажарди. Масалан: Марказий Осиё орқали буддизм дини бутун дунёга тарқалди. Ҳиндистон ва Хитойга эллинистик маданият кўринишлар ўтди. Шарқ ва Ғарб ўртасида маданий бойликлар (билим, ғоя, диний ғоя, кашфиёт, бадиий асарлар) алмашиб туришида Марказий Осиё муҳим воситачи бўлиб хизмат қилди. Минтақа орқали катта босқинчилик юришлари, халқларнинг кўчиши юз берган, бу эса Марказий Осиё халқларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятни сезиларли ўзгаришларига олиб келган. Кўплаб урушлар Марказий Осиё маданиятининг қадимги тарққиёт даврларини беҳисоб далилларини йўқ қилиб юборган.

Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврларга оид бўлган 30 дан ортиқ манзилгоҳлари ўрганилган. Масалан, Самарқанд манзилгоҳи, Оҳангорон, Кўк булоқ манзилгоҳлари. Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий тасвирий санъат намуналарини энг қадимгиси мезолит –неолит даврларига оид бўлиб, улар тасвирий санъат тарихининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистонда энг нодир қоятош тасвирлари намуналари Сарлинисой, Беронсой, Кўксарой, Токатош, Тераклисой каби манзиллардан топилган. Бу қоятош тасвирларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳайвонот олами турларини кузатиш мумкин. Булар ибтидоий  шер ва қоплон, тулки, бўри, буғу, жайронлардир. Ушбу қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси хилма-хил. Кўҳитанг тоғининг юқорисида жойлашган ғорни “Олтин олов қояси” ёки “Олтин олов дараси” деб аташган, чунки зар – олтин, ўт – олов маъносида бу ёдгорлик “Заравутсой” деб аталган. Заравутсой ов манзарасидаги турли расмларни кузатиш қадимги одамларнинг ҳаётини, турмуш тарзини жонли тасаввур қилиш билан бирга ибтидоий бадиий маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини англашга ёрдам беради.

Зараутсой ва Саймалитош расмларида нафақат тотемларга сиғиниш, балки ов маросим-байрамлари ҳам акс эттирилган.

Ўзбекистон ҳудудида жез даври мил.авв. II минг йиллик бошларини ўз ичига олади. Худди шу даврда икки турдаги мустақил маданият шаклланиб аниқ ажралди.

1. Ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги маданият;
2. Кўчманчи даштликлар маданияти

Ўтроқ деҳқончилик маданияти дастлаб Сурхондарё воҳасидаги Сополлитепа, Жарқўтон маданиятлари, Фарғона водийсидаги Чуст

маданияти. Иккинчи - Замонбобо (Зарафшон воҳаси), Тозабоғёб, Сувёрган, Амиробод (Хоразм воҳаси) каби жойларда вужудга келди. Ўзбекистон жануби – Сурхондарё вилоятида ҳам машҳур бўлган усталар, заргарлар ва санъаткор – қурувчилар яратган маданият энг қадимги маданиятдир. Мил.авв.XVIII-X асрга оид Сополитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларида қадимги шарқ туридаги илк шаҳарнома цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни кузатилади. Иккала манзилгоҳда жез эритиш, тўқимачилик, кулолчилик, заргарлик, суяк, тош, ёғочга ишлов бериш гуллашб яшнаган.

Бронза даврида шаклланган “кўчманчи чорвадорлар” маданияти мил.авв. III минг йиллик охири мил.авв. II минг йиллик бошларига оид бўлган Зарафшон воҳасидаги Замонбобо манзилгоҳида ўрганилган.

Ушбу масалани якунида жаҳон қомусий луғатида халқимизга берилган ушбу таърифни асосий нуқталарини келтирамиз:

- Ўзбек халқи дунё халқлари орасида биринчилардан бўлиб ўтроқлашган.
- Амударёнинг қуйи оқими Хоразмда бундан 4 минг йил аввал суғорма деҳқончилик бўлган.
- Бобилда суғорма деҳқончиликни йўлга қўйган халқ шумерлар келиб чишиши бўйича аждодларимиз туркий қавм бўлган.
- Туркий қавмлардан биринчилардан бўлиб ўзбеклар суғорма деҳқончиликка ўтганлар.

**4.2. масала баёни:**

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутади. Унинг ўрта асирлардаги маданиятига бутун дунё аллақачон муносиб баҳо берган. Юнон тарихчилари Страбон, Геродотлар ёзиб қолдирган маълумотларга кўра Марказий Осиёда қуйидаги ўлкалар машҳур бўлган: Паркона, Суғдиёна, Хоразм, Бақтрия, Марғиёна, Парфия, Ария. Ушбу давлатлар қадимги маданияти жаҳон халқларини ҳайратга солмоқда.

Ушбу ўлкаларда шаклланган маданиятларни биз қуйидаги маданий даврларга бўлиб, кўриб чиқсак:

**Жойтун маданияти** – Жойтун маданияти Копетдоғ ва Қорақум оралиғида жойлашган Жойтун, Намозгоҳтепа, Бами тизимида шаклланди. Жайтун маданияти милоддан 5-6 минг йилликдаги деҳқончиликнинг энг қадимги марказларидан саналади. Уларнинг турар жойлари лойгувалалардан тикланган чайлалардан иборат бўлган. Меҳнат қуроллари тош ва суяклардан

ясалган пичоқ, ўроқ, игна, тешгич, қирғичлардан иборат бўлган. Тош ва гилдан ясалган кулолчилик идишлари, ёллар ҳайкалчалари, тақинчоқлари ўрганилган. Жойтунликлар деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган.

**Калтаминор маданияти** – Бу маданият Ўзбекистон ҳудудидаги Амударёнинг қадимги ирмоғи номидан олинган бўлиб, милоддан аввалги 4-2 минг йилликни ўз ичига олади. Уларда кулолчилик, балиқчилик ривожланган. Бу ердан минглаб тош ва ҳайвон суякларидан ясалган меҳнат қуроллари топилди. Калтаминорликлар ўз ишларининг ҳақиқий усталари бўлишган. Сопол идишларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида улар қамиш кули ҳамда янтоқнинг кулини кулолчилик лойига ишлатишган. Калтаминордан балиқ, тўнғиз, оҳу, сув жониворлари суяклари, ғоз тухуми қолдиқлари, ўрдак суяклари, жийда уруғи данагини, тошдан тайёрланган турли асбоблардан фойдаланилганлигининг ўзиёқ бу ерда ривожланган маданият мавжуд бўлганилигидан далолат беради. Топилган буюмлар ичида Ҳиндистонда ишлаб чиқилган нарсаларнинг мавжудлиги калтаминорликларнинг бошқа халқлар билан алоқа ўрнатилганлигидан далолат беради.

**Замонбобо маданияти** - мил.авв. II минг йилликнинг ўрталарига таааллуқли, бу манзилгоҳ Зарафшон водийсидан топилган. Замонбобо маданияти ўша даврда яшаган қабилалар турмуши, урф-одатлари, махсус маросимлари ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

**Споллитепа маданияти** – ушбу маданият деҳқончилик жамоаларининг турмуш тарзига оид маълумотларни беради. Сополлитепа маданияти орқали биз бу ерда мавжуд бўлган кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, тошга силлиқлаб ишлов бериш, тўқувчилик, металга ишлов бериш, заргарлик соҳаларидаги далилларни кўрамиз.

**Чуст маданияти** – Чуст маданияти Фарғона водийсидаги қадимги археологик манзилгоҳ саналади. Бу маданият миллоддан аввалги II минг йиллик охири ва миллоддан авалги I минг йилликни ўз ичига олади. Аҳоли сунъий суғоришга мўлжалланган деҳқончилик билан шуғулланиб, дон, арпа, тариқ етиштирган. Чорвачилик билан шуғулланган. Меҳнат қуроллари тош ва суякдан ясалган бўлиб, металлга ишлов бериш ривожланган.

Қадимги шундай манзилгоҳлардан яна қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Тешиктош (Бойсун), Обишир (Сўх), Зараутсой (Қўҳитанг), Уч тут,

Саразм (Зарафшон), Тоза боғёб (Амударё), Амиробод (Хоразм), Бурғулик (Тошкент) ва бошқалар.

Археологик қазилма маълумотлар ва ёзма манбалар милоддан аввалги I минг йиллик бошларида вужудга келган Марказий Осиёнинг илк давлатлари Бақтрия, Суғд, Хоразм маданияти ҳақида маълумотлар беради.

Мил.авв. VIII – VI асрларга оид Афросиёб (Самарқанд), Сурхондарё вилоятидаги қизилтепа, Қашқадарё воҳасидаги Узунқир, Хоразмдаги Кўзалиқир каби қадимги шаҳарларда ўтказилган тадқиқотлар мураккаб ижтимоий тузилма ва маданиятнинг юқори ривожланганлигини кўрсатади.

Марказий Осиё давлатлари қадимги Шарқ мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатган. Мидия ва Оссуриянинг сиёсий тарихида фаол иштирок этиб, ҳунармандчилик буюмлари, хом ашё билан (ложуворд, олтин, мис) савдо-сотиқ қилганлар. Қадимги Марказий Осиё халқларининг маънавий мданияти ҳақидаги меросимизнинг бебаҳо манбаси “Авесто” ҳисобланади. “Авесто” дунёдаги энг қадимги динлардан бўлган Зардўштийлик динининг муқаддас китоби. “Авесто”нинг энг қадимги матнлари мил.авв. III минг йилликка таалуқли, “Авесто”нинг милодий VII асрга оид бўлган тўплами турли мазмундаги 21 китобдан иборат бўлиб, унда ўша даврнинг барча билимлари жамланган.

Бу қадимий манба Марказий Осиё халқларининг ҳаётидаги қадимги ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳадаги фалсафий қарашлари, урф-одатлари, халқнинг дунёқараши ҳақида қимматли маълумот беради.

**4.3. масала баёни:**

Марказий Осиё ерлари юнон-македонлар томонидан босиб олингач эллинизм элементлари кириб келди. Александр Македонскийга маҳаллий аҳоли қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги боис, у ерли аҳолининг кўмагига мухтожлигини сеза бошлади. Вақт ўтиши билан у онгли тарзда барча этник тўсиқларни олиб ташлашга, ўз салтанати ҳудудида турли халқларнинг қоришиб кетиши, ҳамда ягона маданият ва тил бирлигини қарор топдиришга уринди. Шу мақсадда Македонский ўз саройида Шарқ удумлари ва либосларини жорий этди, турли этник гуруҳ вакилларининг никоҳларини кенг йўлга қўйди, ўз армиясига Бақтриялик ва суғдлик қисмларни киритди, 30 мингдан ортиқ ўғил-болаларга юнонча тарбия беришга ҳукм этди. Шундай қилиб Александр Марказий Осиё маданиятининг эллинлаштиришни бошлаб

берди. Эллинистик жараён Салавкийлар давлатидан мустақил бўлган Парфия ва Юнон-Бақтрияда ўзининг юқори ривожи билан ажралиб туради. Юнон-Бақтрия давлатида юнонлар ва маҳалий маданиятларнинг синтези қисқа вақтда ўзининг ижобий натижаларини берди, шаҳарлар сони тез суръатда ўсди, деҳқончилик, чорвачилик, айниқса ҳунармандчилик ривожланди. Марказий Осиё минтақаси Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган халқаро савдонинг маркази сифатида ўта муҳим ўрин тутади. Диодотдан Галпокигача бўлган худудда Юнон-Бақтрия подшолари даврида юксак бадиий савияда олтин, кумуш ва мисдан тайёрланган турли қийматдаги тангалар (драхма, обол, дихалка, халка) зарб этилди. Товар-пул муносабатларини ўсишида Бақтрия шоҳларининг ўз пулларини зарб қилиши халқаро савдонинг ривожига ижобий таъсир қилиш билан бирга, юксак бадиий даражаси билан ҳам ажралиб туради.

Юнон-Бақтрия даврида Ойхонум (Шим. Афғонистон), Саксанохур ва Тахтисангин (Тожикистон), Далварзинтепа, Ёрқўрғон, Афросиёб, Таллибарзи (Ўзбекистон) каби шаҳарлар қурилди. Юнон ҳарбий манзилгоҳлари аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирувчи эллинистик услублар Юнон-Бақтрия шаҳарларда очиб ўрганилди. Ҳайкалтарошлик санъати намуналари кам сақланиб қолганлигига қарамай, зарб этилган Юнон-бақтрия тангаларининг орқа томонида машҳур юнон санъаткорларининг расми туширилганлиги бу ерда юнон ҳайкалтарошлиги илми таъсири кучли бўлганлигини билдиради. Тахти Сангинда Окс дарёсининг худоси Марсиянинг бронза хайкалчаси қўйилган меҳроб топилди. Юнон-Бақтрия подшолигида театр санъати ва мусиқани ривожланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Театр ижрочилигида "масхарабоз" миллий театрнинг-"масхарабоз" намунасидаги эллинистик белгилар сақланиб қолган. Юнон-Бақтрия маданияти одатда Шарқ эллинистик маданияти деб таъкидланади. Агар эллинистик маданиятга юнон ва Шарқ маданияти уйғунлиги хос деб характерланса, Марказий Осиё маданиятида маҳаллий ўзига хослик, Шарқона бетакрорлик устивордир.

Қадимги Хоразм давлати суғориладиган деҳқончилик, шаҳар маданияти шаклланган энг қадимги манзилгоҳлардан бўлиб, Александр Македонский босқинига қадар Ҳиндистон, Хитой, Яқин Шарқ ва Европа Шарқи билан қизғин савдо алоқаларини олиб борганлар ва ўзларининг ҳунармаидчилик буюмлари билан донг таратганлар. Тарихий солномаларда хоразмликларни тадбиркорлиги, иштиёқмандлиги қайд этилиб, уларни "илм соҳиблари" деб атаганлар. Канал, қалъа, кўпқаватли саройлар, қуриш нафақат амалий малакани, балки мураккаб ҳисоб-китоб ва ўлчовларни ҳам талаб

қилар эди. Ал-Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асаридаги маълумотига кўра, хоразмликлар мустақил астрономик кузатишлар олиб борганлар, осмоннинг юлдузлар харитасини яхши билганлар. Бинобарин. Қўйқирилган қалъада обсерваториянинг қадимийлиги мил. авв. III-II асрларга бориб тақалиши шубҳасиздир. Доира шаклидаги, дастлаби диаметри 42 метрли бу бино кейинчалик 8 та мустаққам минорага эга бўлган деворлар билан ўралиб, диаметри 80 метрни ташкил этган. Икки қаватли марказий бино деворининг қалинлиги 7 метр бўлган. Олимларнинг тадқиқотларига кўра Қўйқирилган калъа астрономик кузатиш, изланишлар олиб борилган илм қароргоҳи бўлган. Бинонинг ноёб қурилиш тизими, хоналарни мақсадга мувофиқ жойланишига кўра уни "Хоразм Стоунхенжи" деб аташ мумкин.

**4.4. масала баёни:**

Бундан 2000 йиллар муқаддам Марказий Осий, Шимолий Ҳиндистон, Покистон ва Шарқий Эрон ва ягона давлат ҳудудини ташкил этган қудратли Кушонлар империяси, Орол денгизи бўйларидан то Ҳинд океанигача ястаниб, ўша даврнинг бошқа уч буюк давлати-Рим, Парфия ва Ханлар Хитойи билан бирга бир қаторда турди. Кушон салтанатининг дастлабки манзил марказини Бақтрия ташкил этди. Кушонлар иқтисодиёти асоси деҳқончилик бўлиб, мураккаб ирригация ва йирик суғориш иншоотлари барпо этиилди. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг жадал ривожланиши шаҳарларни гуркираб ривожланишига, ғиштлардан бино этилган қалъа ва саройларнинг қурилишига олиб келди. Бу пайтда ғарб мамлакатлари, хусусан Рим империясининг- шарқий вилоятларн билан савдо алоқалари биринчи ўринга чиқди. Кушон подшоларининг тангалари Киев яқинида, Эфиопия, Скандинавия ва Рим империяси шаҳарларидан топилган. Савдо кўприкликдаги йўллар ва Ҳиндистоннинг ғарбидаги порт-денгиз орқали олиб борилган. Бу йўллардан хилма-хил буюмлар, жумладан Римга қандолат, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, гуруч, зебу-зийнат ва жиҳозлар элитилган. Хитойдан шоли ва тери буюмлар, Римдан тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, ойна, қимматбаҳо металлар, турли винолар шу йўл орқали олиб ўтилган. Римнинг кўп миқдордаги олтин ва кумуш тангалари алоқага киритилган. Ўша даврдаёқ савдо-сотиқнинг ушбу йирик халқаро артерияси "Буюк ипак йўли" деб ном олган.

Маданий юксалишнинг Кушон даври (милодий I-IV асрлари) диний тизимларнинг ёнма-ён яшаши билан характерланади. Канишка зарб этдирган

тангаларда индус, зардушт, эллинлар худоларининг номи ва тасвирлари туширилган. Кушон маданиятида қадимги Шарқ типидаги минтақавий цивилизация билан эллинизм маданияти анъаналари, Ҳиндистон маънавий ҳаётининг нозик қирралари билан Осиё кенгликларидаги даштликлар олиб келган ўзига хос услублар ижодий уйғунлашиб кетган эди.

Буддизм давлат дини мақомига эга бўлишига қарамай, Кушон империяси ҳудудида зардуштлик, жайнизм, шиваизм, манихейлик, олимп худоларига сиғиниш кенг тарқалган эди.

Кушонлар даврида ёзувнинг турли тизимлари амал қилди. Арамей ёзуви асосида кушон-бақтрия алфавити, суғд ва хоразм ёзуви ривожланди: Сурхқоталда (Афғонистон) юнон алфавитидаги кушон ёзуви топилган. Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепадан ҳиндларнинг Брахма, Кхоратшха ёзувларидаги битиклар топилди. Кампиртепа эса (Сурхандарё) Марказий Осиёдаги энг қадимий, ноёб қўлёзма (мил.авв. 2 асрнинг биринчи ярми) папирусдаги битик топилди. Асримизнинг бошида Буюк Хитой девори минораларидан бирида топилган “кўҳна сўғд ёзуви” алоҳида қизиқиш уйғотади. Ёзув эрамизни 312-313 йилларида битилган бўлиб, унда Хитойдаги сўғд савдогарларининг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

Кушонлар маданияти ҳудудий ва мазмун жиҳатидан айро олинган маданият эмас эди. У ўзида Шарқ, Марказий Осиё, антик дунё ва Ҳинд маданиятлари ютуқларини ўзида мужассам этиб, Шарқ ва жаҳон халқлари маданиятини яна равнақ топишига асос бўлди. Эллин маданиятининг анъаналари Кушонлар даврида ижодий жиҳатдан қайта шаклланди ва янгича талқин қилина бошлади. Бу маданият Олд Осиё, Марказий Осиё, антик ва Ҳинд маданиятлари ютуқларини ўзида жамлаб, қўллаб Шарқ халқларининг ўрта асрдаги маданияти ривожи учун асос бўлди ва жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирди. Қадимги Турон маданият ривожида ёзувнинг пайдо бўлиши, Миср, Месопатамия, Олд Осиё каби маинтақалардаги каби ўз қимматига эга. Ёзув ва хатнинг пайдо бўлиши милоддан аввалги X-VI минг йилликка тааллуқли мезолит даври замонларига бориб тақалади. Бунинг исботини ғор деворлари, қоятошга чизилган расмларда кўриш мумкин.

Суғд, Бақтрия мил. ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар давлати таркибига кирган. Бу империя таркибига кириши, ягона бошқарув, қонунчилик, пул тизимининг ўрнатилиши, оромий ёзувнинг умум давлат миқиёсда қўлланилиши Марказий Осиё халқларининг маданиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Аҳамонийлар ҳукмронлигида мамлакатларга сайёҳлар ва олимлар бориши мумкин бўлди. Худди шу даврда Шарқ мамлакатларига Геродот,

Демокрит ва бошқалар саёҳат қилган. Аҳамонийлар империясидаги йирик шаҳарлар-Суза, Персепол, Мемфис, Ниппур, Бобилда турли жойлардан хусусан, Хоразм, Бақтрия, Суғддан чиққан кишилар, сакларнинг харбий аҳолиси яшаган.

Аҳамонийлар даврида қадимги Турон аҳолиси оромий ёзуви билан танишадилар. Ўз навбатида оромий ёзуви финикия ёзуви асосида пайдо бўлган эди. Хоразм ва Суғдиёна ҳудудларида яшовчи қадимги халқлар финикия ва оромий ёзувлари асосида ўз алифболарини яратди. Сўғд, Хоразм, парфия, ва бақтрия ёзувлари 22 ҳарфдан иборат бўлган оромий алфавитини давом эттирди.

Миллоддан аввалги IV- III асрларда сўғд ёзуви шаклланиб унинг намуналари Шарқий Туркистондан топилди. Бу ёзувларда шу минтақадаги давлат ва халқларнинг савдо-сотиғига доир маълумотлар учрайди. Сўғд ёзуви турк хоқонлигида ҳам кенг тарқалган эди. Сўғд ёзувлари Афросиёб (Самарқанд)даги археологик қазишмаларда топилди. Унда Рустам достонидан парча, тиббиётга оид матнлар, зардуштийлилик, христианлик, буддизм ҳақидаги маълумот ва ёзувлар мавжуд.

Умумтурк хати саналадиган ёзувга кирган-уйғур ёзуви туркий халқлар маърифий ёзувда кучайди. Уйғур ёзуви араб ёзуви билан биргаликда маънавий ҳаётга кириб келди. Энг қадимги туркий халқларнинг моддий ва маънавий маданиятига доир 120 та турли ёзувлар топилган. Тошларга териларга, суякка муҳрланган ўзувлар 300 йилдан бери тадқиқотчиларни қизиқтириб келмоқда. Шундай манбалардан бири Урхун-Энасой ёзувидир. Бу ўзув туркий халқларнинг ислом маданиятига қадар мавжуд бўлган қадимги аждодларимизнинг диний феъл-атворлари, фалсафий қарашлари унда намоён бўлган. Урхун – Энасой битиклари қуйидагиларга бўлинади: Тунюқиқ, Култегин, Билги хоқон битиги, Унингин битиги, Маюнгур ва Энасой битиги.

**Маъруза бўйича асосий маълумотлар ва таянч иборалар:**

1.Қадимги Марказий Осиё маданияти ва унинг кўринишлари, қадимги расмлар, ибтидоий санъат намуналари.

2.Марказий Осиёдаги қадимий ва илк давлатлар Бақтрия, Марғиёна, Парфия, Хоразм, чоч халқлари.

3.”Авесто”, Зардуштийлик дини, Жойтун, Калтаминор, Саполлитепа, Чуст маданияти.

4.Қўйқирилган қалъа, илк обсерватория ўрни.

**Ижодий топшириқ.**

1.Жаҳон маданияти ривожланишида Марказий Осиё маданиятининг ўрни ва ролини изоҳланг.

2.Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё маданияти ривожидаги ролини изоҳланг.

**Маданиятшунослик фанини ўқитишда педагогик технологик карта**. **5-мавзу.**

| | |
|---|---|
| Мавзу | Шарқ уйғониш даври маданияти. |

| | |
|---|---|
| Мақсад | **Ўқитувчи:** Талабаларга IX-XII асрлар Марказий Осиё халқлари, маданияти, Шарқ Уйғониш, Ренессанси ҳақида, уйғониш атамаси мазмуни, Шарқ Уйғониш даврини вужудга келиш омиллари асосий хусусиятлари, кўринишлари, ушбу маданий даврни кейинги даврлар жаҳон халқлари маданий тараққиётига кўрсатган кучли таъсири, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида тушунтириш.<br><br>**Талаба:** дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш. |
| Вазифа | **Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни талабалар томонидан ўзлаштирилиши. “Ақлий ҳужум” орқали талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни назорат қилиш.<br><br>**Талаба:** мавзу бўйича кенг маълумотга эга бўлиши, тушуниши. |
| Дарс жараёнининг ташкил этилиши | 1.Ташкилий қисм — 5 дақиқа<br>2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш — 3дақиқа<br>3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш — 57 дақиқа<br>4.Якун ясаш — 10 дақиқа<br>5.Уйга вазифа — 5 дақиқа |
| Дарс жараёнининг мазмуни | Илк ўрта асрлар фанининг асосий хусусиятлари, шарқ уйғониш даврининг ривожланиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, шарқ уйғониш даврининг ривожланиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, уйғониш даври маданиятига Марзакий Осиё мутафаккирларининг қўшган ҳиссалари, Уйғониш даврининг Шарқ ва Ғарб маданияти алоқаларида тутган ўрни ва унинг жаҳон халқлари маданияти тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти. |
| Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси. | **Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий хужум”, “муаммо” пед технологияси.<br><br>**Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш.<br><br>**Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ.<br><br>**Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол.<br><br>**Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш. |
| Кутилаётган натижалар | **Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштири-лишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни уйғотиш. Ўз олди-га қўйган мақсадига эришиш.<br><br>**Талаба:** IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври бўйича кенг билимга эга бўлади. Фикр тиниқлашади, дунёқараши ўсади, билимлари кенгаяди, |

| | |
|---|---|
| | эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Кўплаб маълумотларга эга бўлади. |
| Келгуси режалар | **Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш ва ўз устида мунтазам ишлаш. маҳоратини такомиллаштириш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳортни ошириш.<br>**Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш. |

## *5-Мавзу: Шарқ уйғониш даври маданияти*

**Маъруза режаси.**

*1.Илк ўрта асрларда фаннинг асосий хусусиятлари.*

*2.Шарқ Уйғониш даврини ривожланиш босқичлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.*

*3.Уйғониш даври маданиятига Марказий Осиё мутафаккирларининг қўшган ҳиссалари.*

*4.Уйғониш даврининг Шарқ ва Ғарб маданияти алоқаларида тутган ўрни.*

Маънавият асосан маърифат билангина юксалади. Демак маънавият ва маърифат бир-бири билан узвий, чамбарчас боғланган, бир-бирига ўтиб туради. Маърифатнинг муҳим таркибий қисми илм-фандир. Шу муносабат билан VIII-XII асрларда Марказий Осиё халқларининг маърифий ҳаёти илм-фан соҳасида қандай рўй берди, бу жараён қанчалик самарали кечди, яъни ўлка халқларнинг ислом минтақа маънавияти доирасида илму маърифат юзасидан қандай ютуқ ва мувоффақиятларга эришди деган саволларга диққат эътиборни қаратайлик.

Марказий Осиё халқларининг маънавият-маърифий ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бу минтақада дунёвий ва диний илмлар ҳар доим фақат ягона мақсадга-инсонни маънавий-ахлоқий юксалишига қаратилган эди. Шу боисдан ҳам VIII-XVI асрлардаги араб тилига асосланган табиий илмий ва аниқ фанлар, шунингдек гуманитар илмлар тараққиётидаги улкан ютуқларининг барчаси ислом динидан ажралмаган ҳолда содир бўлди, дунёвий ва диний билимларнинг бош вазифаси жамият, инсонлар учун зарур бўлган маънавий-маърифий негизни яратишда давом этди. Ислом дини

Аллоҳни инсон ва коинот ҳақидаги илмидир. Ислом илмга муҳаббатни ибодат даражасига кўтарган «Илм-ибодатдан афзал ва тақво диннинг устунидир»-деб таъкидлаган муборак ҳадисларининг бирида Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)

Ўтмишда яшаб ижод қилган алломаларимиз мисолида дунёвий ва диний илмларни бир-бирига қатъий равишда қарама-қарши қўйиш воқеликка (ҳақиқатга) тўғри келмайди.

Ўрта асрларнинг табиатшунос олимлари, илғор файласуфлари (Ибн Сино, Беруний, Фаробий) Аллоҳга сидқидилдан эътиқод қилганлар;

Иккинчи томондан, ўша даврларда Марказий Осиёда ва умуман мусулмон Шарқида фан ва дин бир бутунликда, яхлит ҳолатда ривож топди.

Шу маънода дунёвий ва диний илмларни ягона бўлган ўрта аср фанининг икки йўналиши дейиш мумкин. Ислом минтақа маънавияти доирасида, жумладан, Ватанимиз худудида етишиб чиққан мутафаккирларнинг биронтаси ҳам ўзларининг асарларида Аллоҳ, табиат, инсон масалаларини четлаб ўтмаганлар. Айтиш мумкинки, буюк алломалар бир қўлида Қуръони Каримни тутиб, иккинчи қўллари билан илм-маърифат яратган эдилар.

Ўрта асрларда ривож топган барча дунёвий илмларда кўпгина исломий қадриятлар масаласи ёритилган. Ўз навбатида диний илмларда қанчадан-қанча дунёвий муаммолар ўз ифодасини топган. Ҳар иккала йўналишдаги илмларни инсон учун фойдали бўлганлиги, инсон камолоти, инсон қалби орзуларига хизмат қилгани кўрсатиб ўтилган. Ушбу масалани якунлаб, айтиш мумкинки, ўрта асрлар фаннинг асосий хусусияти шуки диний ва дунёвий илмлар ягона мақсадга-инсон манфаатларига қаратилгандир.

Давлатимиз раҳбари ҳам ёшларни бир йўла ҳам дунёвий билимларни, ҳам исломий қадриятларни пухта ўрганишлари зарурлиги ҳақидаги масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда. Унинг таъкидлашича «фарзандларимизни дунёвий илмлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Б.Нақшбанд таълимоти, ат-Термизий ўгитлари, Аҳмад Яссавий ҳикматлари асосида тарбиялашга» жиддий аҳамият бериш даркор. Бу эса, инсоннинг маънавий олами бой, юксак, ҳар жиҳатдан етук шахс бўлишини таминлайди.

**5.2-масала баёни.**

Марказий Осиё халқлари узоқ тарихга эгадир. Қадимги давр маданияти, маънавияти, ахлоқ, маърифат, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлар

халқ оғзаки адабиётида, фольклорда, турли халқ анъаналарида ҳам ўз аксини топиб келган. Гўрўғли, Алпомиш, Рустам ҳақидаги достонларда халқимизнинг қадимги урф-одатлари, руҳияти, хулқ одобларининг ифодасини учратишимиз мумкин. Бундай маълумотлар қадимги суғд, манихей, хоразм, туркий ёзувлар намуналарида сақланиб қолган манбаларда ҳам учрайди. Бу давр Марказий Осиё қадимги суғд, Хоразм, Фарғона, Усрушана, Чағониён каби ўлкалардан иборат бўлиб, Ғарб билан Шарқ мамлакатларини боғловчи «Ипак йўли» марказида жойлашган ва маданий жиҳатдан анча ривожланган минтақани ташкил этар эди.

Исломнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда янги шаклланган араб давлати-Халифат номини олди. Араблар ўзлари билан янги дин-Исломни олиб келдилар, босиб олинган халқлар орасида турли йўллар билан бу динни тарқата бошладилар. VIII асрнинг охирларида Атлантика океанида Тянъ-Шангача, Кавказдан Ҳинд океанигача бўлган улкан ҳудудда, турли тилда гаплашуви халқларни ўз ичига олган Араб империяси вужудга келди. Марказий Осиёни араблар томонидан босиб олиниши осонлик билан бўлмайди.

Улар босқинчилик сиёсатини юритиш билан бирга қадимги маданият, динлар, ёзувлар, билимдонларга қарши ҳам кескин курашни авж олдирдилар. Ислом орқали бу ерларда араб тили, араб ёзуви ҳам тарқалди. Қадимги ёзувлар: Хоразм, суғд, турк ёзувлари йўқотилиб, уларнинг химоячилари жазоланди. Араб босқинчиларига қарши Абу Муслим, Муқанна, Ҳамза Ал-Хориж, Рафе ибн Лайслар бошчилигида қатор халқ қўзғалонлари бўлиб ўтди. VIII аср охирига келиб Марказий Осиёда араб ҳалифалигининг хукмронлиги ва ислом дини ўрнатилиб, у мустамлакага айлантирилди.

Ислом дини ўрнатилган Осиёнинг жуда катта худуди кейинчалик мусулмон Шарқи номини олди. Ҳалифалик кучсизланиб фақат Яқин Шарқ доираси билан чегараланиб қолсада, исломнинг бошқа халқлар орасида тарқалиши давом этди.

IX асрнинг охирига келиб Марказий Осиё мустақилликка эришди ва бу ерда араблар таъсиридан қутулган биринчи давлат-Самонийлар хукумронлиги шаклланди. Сўнг бу худудда Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар давлатлари фаоллик кўрсатди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч, Хива каби шаҳарлар ўз даврининг маданият марказлари сифатида маълум бўлди. Бу ерларда савдо-сотиқ, хунармандчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳамда маданий алоқалар, билим ўчоқлари ривож топди. Бундай иқтисодий-маданий марказлар улкан

мусулмон Шарқининг турли ўлкаларини, Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб мамлакатларини боғлаб турувчи қадимги «Ипак йўли» анъаналарини давом эттирган ҳолда, алоқа ўчоқлари сифатида машҳур бўлди.

Мовароуннаҳр феодал давлатлари бошқа мусулмон ўлкалар билан яқиндан алоқа ўрнатдилар. Маҳаллий олимлар ўзга мамлакатларга бориб Илм олиш, ҳамкасблари билан яқиндан мулоқат қилиш имкониятига эга бўлдилар. VIII аср охири IX аср бошида ҳалифаликнинг маркази Боғдодда илм-фан ривожланди, қадимги юнон олимлари Платон (Афлотун), Аристотелъ (Арасту), Сократ (Суқрот), Гиппокрант (Буқрот), Гален (Жалинуз), Евклит (Иқлидус) кабиларнинг асарлари араб тилига таржима этилди. Христиан ва ислом олимлари ўртасида ҳамкорлик ишлари авж олди. 819 йили Боғдодда илмий Марказ ташкил этилди, у ерга барча мусулмон ўлкалардан, жумладан, Моворауннаҳрдан ҳам олиму фозиллар тўпланди. Марказий Осиёда илм-фан, маданият ривожида X аср охири XI аср бошида фаолият кўрсатган Хоразмдаги илмий жамоа-Маъмун Академияси ҳам муҳим рол ўйнади.

Маълумки, Ғарб адабиётларида Оврўпа мамлакатларида кескин маданий юксалишга олиб келган XV- XVII асрларни Ренессанс-Уйғониш даври номи билан юритадилар. Бироқ кўпчилик муаллифлар Шарқда шундай жараён бўлганлигидан кўз юмадилар. Ҳолбуки, IX-XII асрларда Марказий Осиёда Оврўподан бир неча аср илгари маданий юксалиш юз берганлигини хеч ким инкор эта олмайди. У Оврўпадагидек янги сиёсий-иқтисодий жараён, яъни буржуа муносабатларининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлмаган бўлсада, маданият тарихида сўнмас из қолдирди ва Оврўпо Ренессаненинг вужудга келишига катта таъсир кўрсатди.

Шунинг учун биз IX-XII асрлардаги Марказий Осиё маданий юксалишини Уйғониш даври аникроғи, илк Уйғониш даври деб аташга тўла асосимиз бор. Бу илк Уйғониш даври маданияти сиёсий-иқтисодий жиҳатдан Оврўпо мамлакатларидан фарқли ўлароқ мустақилликка эришиш ва бу минтақада мустақил давлатларнинг вужудга келиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Бу давр маданий юксалиши ҳақида гапирганда, Уйғониш даври маданиятига хос характерли томонларни айтиш керак:

- Коинотнинг вужудга келиши, босқичлари, оламнинг тузилиши, модда ва руҳнинг хусусиятлари каби умумий илмий-фалсафий масалаларга қизиқиш, илм-фан, маърифат, маънавиятга интилиш ижтимоий ривожланишнинг муҳим мезонига айланиши.

- Инсонни коинотни яратувчининг энг олий маҳсули деб баҳолаш. Аввало илм, инсон ақли тафаккурини улуғлаш, унга ишонч билдириш, уларни яратгувчининг энг улуғ ва юксак ижоди деб баҳолаш, маърифат тарқатиш, жамият, жамоани яхшиликка етаклаш инсоннинг муҳим вазифаси деб билиш.
- Ахлоқ, одоб, муомалани инсон тарбиясининг асосий мақсадларидан деб билиш. Инсоннинг адолат, юксалиш, маънавиятга интилишга йўл очиш, имконият яратиш.
- Комил инсон ривожланган давлатчиликда шаклланади. Бундай давлатчилик эса ақл ва илмга, ўзаро келишув, бирликка эга бўлиш натижасида амалга оширилади.
- Маърифатли шоҳ, жамоа яратиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш бу давр ижтимоий таълимотларининг муҳим хислатидир.

Ушбу масалани якунлаб, айтганда, талабалар Марказий Осиёда илк Уйғониш даврини вужудга келтирган омилларни билиб олишлари керак.

- IX-XII асрларда араб халифалигидан қутилиб, ярим мустақил давлатларнинг вужудга келиши.
- Ягона дин-ислом дини туфайли, Яқин ва Ўрта Шарқдаги турли халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг ривож топиши, маданият, маънавиятида маълум умумийлик вужудга кела боргани.
- «Ипак йўли» аҳамиятининг омили, мамлакатлараро савдо-сотиқнинг, ҳунармандчиликнинг кўпайиши, шаҳарлар ривожи.
- Жаҳон маданияти аввал эришган ютуқлар, хусусан, қадимги юнон, ҳинд, эрон маданияти, илм-фани ютуқлари инкор этилмай, аксинча, ворислик давом қилгани, ундан кенг фойдаланилгани.

XIII асрниг бошида Марказий Осиё халқлари Чингизхон бошлиқ муғуллар босқинига учрайди. Марказий Осиё халқлари яна ўз мустақиллигини йўқотди, у муғуллар томонидан босиб олинди. Биз IX-XII асрларни илк Уйғониш даври дейишимизга сабаб, бундай жараён-маданий юксалиш Марказий Осиёда XIV-XV муғул мустамлакачилигидан қутилиб, Амир Темур ва Темурийларнинг мустақил давлати барпо этиши билан боғлиқ ҳолда ва яна бир бор юз берганини кўрамиз.

IX асрлардан бошлаб Мовароуннаҳрда араб ёзувида ёдгорликлар вужудга кела бошлади. Араблар истелосидан, яъни VIII асрдан то XX аср бошларигача Мовароуннаҳр, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ислом дини ва араб ёзувига асосланган.

Маданий-маънавий ривожланиш хукм суради. Бу маданиятни тўрт даврга бўлиш мумкин:

- IX-XII асрлардаги маданий юксалиш.

- XIV-XV аср- Темур ва Темурийлар даври маданий кўтарилиши.
- XV асрдан то XIX асрнинг Биринчи ярмигача бўлган маданият.
- XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларидаги маданий ҳаёт. Маърифатпарварлик, жадидчилик ҳаракати.

**5.3-масала баёни.**

VIII-XII асрлар бутун ислом минтақа доирасида, шу жумладан Мовароуннаҳр ва Хуросонда фан ва маданият, илму маърифат ва тафаккур ривожланган бир давр бўлди. Бу даврда диний-руҳий билимлар билан бир қаторда дунёвий илмлар ҳам ўз ривожини топди.

Ўша даврларда мусулмон мамлакатларидаги етук илмий маърифий марказлар қаторида Боғдод шаҳри ўз мавқеи ва тутган ўрни билан ажралиб турарди. IX асрда айнан ана шу шаҳарда «Байтул ҳикма» («Донишмандлар уйи»)-фанлар академияси ташкил этилди. Маълумки, одиллиги ва адолатпарварлиги эл-юрт орасида афсонага айланган халифа Хорун ар-Рашид (786-809) асос солган «Маъмум академияси»-«Байтул ҳикма» унинг ўғли ал Маъмун (813-833) халифалиги даврида чинакам илмий марказга айланди. Академияга ўз замонининг етук олимлари уюштирилади. Илму маърифат юқори чўққиларга кўтарилади, араб тили ўрта аср Европасидаги лотин тили сингари араб халифалигида илм-фан тилига айланади. Академияда кўплаб олимлар, хаттотлар, таржимонлар хизмат қиладилар. Таржимонлар сурёний, қибрий, сансикрит, форсий, юнон, лотин ва бошқа қадимий тилларда ёзилган барча илмларга оид ноёб асарларни араб тилига таржима қилдилар.

Таржимонлар сурёний, кибрий, санскрит, форсий, юнон лотин ва бошқа қадимий тилларида ёзилган барча илмларга оид ноёб асарларни араб тилига таржима қилдилар. Жаҳоний билимларни араб тилига ўгирганлиги ана шу лисондаги халқларга, давлатларга бемисл титанларни буюк алломаларни етиштириб беради.

Маъмун академияси-«Байтул ҳикма» қошида йирик кутобхона бўлиб, унда турли тилларда битилган бебаҳо 400 минг хилдан иборат қулёзмалар сақланди.

Мазкур академиянинг асосий илмий, ижодий кучларини аксариятини Марказий Осиё ва Хуросонлик олиму фузололар ташкил қилади.

Буюк математик ва астрономларнинг эса деярлик ҳаммаси, чунончи, Мусо ал Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ, ал-Марвазий Турон тупроғида етишиб чиққанлар, Бу алломлар она тилидан ташқари ҳинд, араб, форс тилларини мукаммал билган қомусий олим бўлганлар. Улар ўша давр илм-фанининг муайян соҳаларида жаҳон-шумул кашфиётларни амалга оширганлар.

«Байтул ҳикма»да илмий изланиш олиб бориш учун барча шароит мавжуд эди.

XI аср бошларида Хоразмшоҳлар-Маъмунийлар ташаббуси билан Гурганжда ҳам илмий марказ (Хоразм Маъмунийлар академияси) юзага келди. Маъмунийлар шажарасининг хукмдорлари илму маърифатни барқарор этмасдан туриб мамлакат равнақига, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қониқтиришга эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Бу борада Маъмнун II ўзига хос алоҳида ўринда туради. Дарҳақиқат, бу Хоразмшоҳ илм-фан, маданиятни ғоят қадрлаган, барча олимларга ҳомийлик кўрсатган. Ўзининг адолатлиги, халқпарварлиги, маърифатпарварлиги, саховатлиги олиму фузалоларга улкан муҳаббати билан тарихда из қолдирган. Академияда Беруний, Ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий, Абул Ҳайр Ҳаммор, Абу Саҳл Масҳий, Зайниддин Журжоний, Абул Ҳасан Маъмнун, Абу Мансур ас Саолибий, Мушвиқ, ал-Касий, Суҳайлий, Ибн Мискавайх каби улуғ ва буюк зотлар қизғин илм билан шуғулланганлар. Маълумотларга кўра, Академия олимларининг сони  уч юз кишидан кам бўлмаган. Бу даргоҳ илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ишларни олиб борди. Фалакиёт, риёзат, тиббиёт, фалсафа, мантиқ, мусиқа, адабиёт ва бошқа фанлар ривожига эътибор қаратилди.

Маъмунийлар Академиясининг олимлари Хоразм воҳасининг табиатини, унинг иқлимини,  бепаён ерларга  оби ҳаёт берган суғориш тизими, минерологиясини, ер ости сув ресурсларини, Амударё дельтасинининг тарихини, махсус услуб орқали тупроқни тозалаш йўлларини текшириб билдилар. Академиянинг фаолияти Ибн Сино, Беруний, унинг сафдошлари номи билан чамбарчас боғланган. Беруний ўзининг “Геодезия” номли асарини Хоразмда ёзиб тугатган. Англиялик олим Ж.Берная “Жамият тарихида фаннинг ўрни” асарида ислом оламидаги илм-фан ривожи ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Оврўпонинг кўпчилик қисми Рим империясининг ҳалокатидан келиб чиққан фалокатга ботиб ётган даврда... мусулмон дунёси ажойиб тараққиётни бошидан кечираётган эди”. “Мусулмон олимлари ...

тараққий этувчи, жонли фан яратдилар... Бу олимлар Эрон, Ҳиндистон, Хитой тажрибаларини ўзлаштириб, грек математика, астрономия ва медицина фанларининг тор асосини кенгайтиришга муваффақ бўлдилар. Алгебра, тригонометрия, оптика асосини яратдилар. Кимё ёки ал-кимёда ҳам мусулмон фани ҳал этувчи ғалабага эришди”.

Бу даврда гуманитар фанлар ичида тарих илми ҳам катта ютуқларга эришди. Йирик тарихчи олимлар-бухоролик буюк Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (899-959), Абу Наср ал Утбий, Абу Файз Байҳақий, Заҳириддин Байҳақий ва бошқалар ўша даврда яшаб ижод қилган. Бу тарихшунос олимлар яратган асарлар халқларимизнинг маънавий бойлигидир. Чунки уларда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг воқеа-ҳодисаларга бой тарихи, маънавий- маърифий ҳаёти ўзифодасини топган.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда диний-руҳий маърифат, яъни исломий илмлар ҳам кенг кўламда ўз ривожини топди. Табаррук заминимизнинг етук зоти шарифлари Имом ал Доримий, Имом ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, Имом ан-Насоний, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий, Махмуд аз-Замахшарий, алломалар Бурҳониддин ал Марғиноний, Абу Лайс ас-Самарқандий, Абу ал-Муъийн ан Насафий, Нажмиддин Умар ан Насафийлар тафсир, ҳадис, фиқх, калом каби исломий илмларнинг ривожига асос солган бўлиб, юртимиз довруғини Машриқ дунёси бўйлаб таратдилар. Ушбу алломаларнинг фаолияти ва ижоди умумисломий сиёсий тарихи ва маънавий маданиятини пойдеворидир, Аллоҳ Қуръони Каримни арабларга инъом этган бўлсада, бу муқаддас ислоҳий номнинг илмий-назарий, амалий дунёвий талқини, шарҳу-изоҳларини бизнинг Туронзаминдан чиққан буюк зотларга раво кўрган.

Инсон дунёқараши, маънавиятини шаклланишида маърифатнинг, хусусан адабиёт ва санъатнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Маънавият кўзгуси бўлган санъат кишиларни камтарликка, олижанобликка, ҳалолликка, барча эзгу туйғулар сари етаклайдиган жуда қудратли омил.

Абу Наср Фаробийнинг асарларида қайд этилишича, кўп ҳудудларда театр санъати шаклланмаган X-XI асрлардаёқ улуғ йўллар чорраҳада жойлашган кўҳна Термиз шаҳрида маънавий-маданий тадбирлар ўтадиган сарой ва кошоналар бўлган.

Зардустой қадриятлардаги расмларга синчиклаб назар солинса рақс тушаётган одам сурати кўзга ташланади. X-XI асрларда Мовароуннаҳр ва

Хуросонда илм-фан билан бир қаторда бадиий адабиёт ҳам ривожланиб, бир қанча йирик шоирлар етишиб чиқдилар ва жаҳон шеърият хазинасига ўлмас асарлари билан ўз улушларини қўшдилар.

Ўша асрларда яшаб ўтган қалам эгаларининг 124 нафари ҳақида Ўрта Осиё олими Абу Мансур ас-Саолибий ўзининг «Йатимот ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замона дурдонаси») номли асарида маълумотлар беради. Муборак Калом Қуръон ўлка халқларининг адабиётини шакилланишига мислау улкан таъсир кўрсатади.

Араб тилидаги адабиёт билан бир қаторда форетохик тилларида ҳам бадиий адабиёт камол топа бошлади. Бу даврда ўзларининг бой инсонпарварлик маърифатпарварлик қарашлари билан бутун Шарқ мусулмон оламига танилган, форс-тожик тилида ижод қилган шоирлардан Абу Абдулло Жаъфар Рудакий, Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий, Абулқосим Фирдавсий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

IX-X асрларда туркий тилда ҳам бадиий адабиёт юксалади. Юсуф хос хожибнинг «Қутадғу билиг» ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») достонлари, Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Сулаймон Боқирғонийнинг «Бақирғон китоби» шеърлар тўплами шу жумладандир. Ушбу масалани якунлаб, айтиш мумкинки, IX-XII асрларда Марказий Осиёда маънавий маданиятнинг бир қатор соҳаларини-илм фан, бадиий адабиёт, санъат ва бошқа илмлар равнақ топган даври бўлди. Мавароуннаҳр буюк алломалар, адабий даҳолар, пиру комилларни етказиб берди. Орадан минг йиллар ўтсада, бу улуғ аждодларимиз янги-янги авлодларнинг йўлини ўз ибрат нурлари билан ёртиб, уларга куч-қудрат бағишлайди. Айни пайтда буюкларимиз ҳаёти ва ижодий фаолияти янги-янги авлодларни миллий ифтихор туйғуларини, фахрланиш ҳисларини оширади.

**5.4-масала баёни.**

IX-XII асрларда юксак даражада ривожланган илм-фан ижодкорларининг аксарияти марказий осиёлик бўлган. Ушбу давр маданиятини, фанини ислом динига эътиқод қилган кишилар яратди. Оврўроликлар шарқ халқларини қанчалик менсимай, ўзларини баланд олмасинлар, уларга маданият, санъат, адабиёт, яшаш тарзи, кийиниш ва ҳакозалар Шарқдан ўтганлиги ҳақиқат. Ҳеч қачон, ҳеч бир халқ бошқалардан узилиб қолган ҳолатда тараққий этиш, ўзининг махсус маданиятини яратиши мумкин эмас. Антик давр ва ўрта асрлардаги Шарқ ва Ғарб маданий

алоқалари бу фикрни ҳақ эканини кўрсатади. Испанияда, айниқса, кастилия концлари Раймундо томонидан Томдода XII асрда ташкил этилган таржимонлар мактабида Шарқ олимларининг юзлаб асарларини лотин тилига ағдардилар. Шарқ олимларининг асарлари Брабантлик Сигер, Англиялик Рохир Бекон, Батлик Аделярд, Шартрлик Гьеери ва бошқа олимларнинг ижоди ва дунёқарашига баракали таъсир этади. Ибн Синониниг фалсафага оид асарлари Рохир Бекон столи устида доимий турган. Буюк аллома асарлари унга шунчалик таъсир этганки, мазкур асарлар ҳақидаги мулоҳазаларини баён этиб бир қанча хатлар ҳам ёзиб қўйиган. Академик Н.И.Конрад «Ғарб ва Шарқ» асарида Марказий Осиёда шаклланган маданият ҳақида шундай дейди: «Мусулмон дунёсига, даставвал IX-X асрлардаги Ўрта Осиёд мусулмон дунёсига мурожат этайлик.

Бизга маълумки, бу асрларда у ерларда ўша давр учун олий даражада бўлган илм-фан, фалсафа ва маърифат мавжуд бўлган. Яна маълумки, ал-Фаробий, ибн Сино, ал-Хоразмий, ал-Беруний ва бу тараққиётнинг бошқа буюк замондошлари қадим давр фалсафа ва илмий меросини ўзлаштириб, ўша даврдаги илмий ва фалсафий тафаккур йўналишини яратдилар. Улар тарихий тақдирлари билан боғлиқ бўлган буюк қадимий цивилизацияларнинг манбааларига суяндилар. Ўрта Осиё қадим даврлардаёқ умуминсоният цивилизацияларининг чорраҳаси бўлган, ва ўзи ҳам ана шу цивилизация марказини бири бўлган». Оврўпода астраномия фани ҳам Шарқ астрономияси таъсири остида шаклланди.

Марказий Осиёда Бухоро, Хоразм маданий марказ сифатида фаолият юритган. Санке-Петербурглик профессор Г.Г. Лемлейг Хоразмда илм-фан тараққиёти хусусида шундай ёзади: «Бу даврда (Беруний даврида) Оврўпода табиат фанлар мутлоқ йўқ даражада бўлгани айнан Ўрта Осиё вилоятларида ва биринчи навбатда Хоразмда илмий тафаккур юксак чўққиларга кўтарилди ва антик фаннинг юқори анъаналарини сақлаб турди. Француз олими Л. Гардэ эса шундай ёзади: «Араб зиёлилари камдан-кам ижодкор бўлганлар, чунки улар кўпинча забт этилган халқларнинг кучли таъсири остида бўлган». Муҳаммад Мусо Хоразмий қадимий Хоразмда анъанавий тусга кирган математика, астрономия, жуғрофия фанлари билан шуғилланди ва бу фанларни ўрта асрга олиб келирди ва янги давр илми пойдеворини яратди. Хоразмийнинг Ал-жабр ва Ал-муқобала» ҳамда «Ал-жам ват-тафриқ би ҳисоб ал Ҳинд» асарлари XII асрда лотин тилига таржима қилинган. XXI Хоразимий рисолаларининг осонлаштирилиб, оврўпаликлар савиясига мосланиб ишланган вариантлари ҳам тарқалди. Ҳинд-араб деб аталадиган ҳозирги рақамларнинг Хоразмий ишлаб чиққан варианти «алгаритм» яъни

ал-Хоразмий номининг лотинлаштирилган шакли остида кенг тарқалди. Олимнинг арифметик ва алгебрага оид асарлари математика тарихининг янги саҳифасини очди. Шарқ ва Ғарб мамлакатларида бир неча асрлар давомида Хоразмий Оврўпага фақат астрономия, арифметика, алгебра, ҳинд-араб рақамларини ўргатишда устозлик қилиб қолмай, медицина фани ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Оврўпаликлар илк бор танишган олимлардан яна бири Аҳмад Ибн Касир ал Фарғоний бўлган.

Олим номини дунёга танитган асари «Китоб ал-ҳаракат ас-самовия ва жавоми илм аннужуи» ёки «Астрономия негизлари» деб юртилади. Аллома унда ўз давригача бўлган илми нужумга оид билимларни тартибга солди, ўзининг Маъмун обарваториясида олиб борган кузатишлари натижалари билан бойитди. Асар XII асрда Толеодода икки маротаба лотин тилига, XIII асрда оврўпа тилларига ағдарилган. Олимнинг асари ва номи оврўпада алоҳида ҳурмат билан тилга олиниб ҳамда таржима қилиниб, астрономия фанининг шаклланиши ва ривожига кўрсатган таъсири эътироф этилди.

Ижтимоий фанлар тараққиётини белгилаб борган олимлардан бири бу Абу Наср Фаробий эди. Профессор Б.Д Петровнинг ёзишича, «Оврўпани Аристотел таълимоти билан таништириш хизмати Фаробийга тааллуқли … У модданинг абадийлиги ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди».

Алломанинг ижтимоий қарашлари акс этган рисоласи «Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари»да, Фаробий қадимги грек олимлари Платон ва Аристотелнинг сиёсий, ахлоқий қарашларидан фойдаланибгина қолмай, яқин Шарқ, Марказий Осиёда шакланган таълимотлардан ҳам фойдаланган.

Фаробий асарлари XII асрда Толедо таржимонлик мактаби ва Испаниянинг бошқа шаҳарларида XII-XIV асрларда лотин ва яхудий тилларига таржима қилинган. Фаробий асарлари Шарқнинг бошқа алломалари, Ибн Сино, Ибн Рўшд асарлари билан бир қаторда ўрта асрлар Оврўпасида кескин тус олган мафкуравий курашда ҳар иккала томон вакиллари учун ғоявий курол вазифасини ўтайди.

Абу Али ибн Сино инсоният маданияти, дунё фани хазинасига беқиёс катта ҳисса қўшган, ўша даврдаги илмларнинг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланган қомусий олимдир. Ибн Синога жаҳон миқёсида шухрат келтирган асари беш китобидан иборат бўлган «Ал-қонун фи-т-тиб»дир. «Қонун» XII асрдаёқ Толедода Ҳерардо томонидан араб тилидан лотин тилига таржима қилинди.

1279 йили Нотан та Меати Римда «Қонун»ни яхудий тилига таржима қилди. Яхудий таржимон «Ибн Сино» номини яхудий варианти сифатида «Абен Сена» деб берган.

У бориб оғзаки тилда «Авен Сино»га у эса лотин транскрипциясида «Авиценна»га айланган. Оврупаликлар араб Испаниясидаги Шарқ маданияти билан тўқнашмагунча тиббиёт фанининг энг дастлибки маълумотлар билан ҳам таниш эмас, касалликларни ибтидоий йўл билан даволар эди. «Қонун» таржимасидан сўнг шифокорлар Ибн Сино таълимоти асосида иш кўрганлар. «Қонун» Оврупонинг ҳамма университетларида то XVIII асргача тиббиёт бўйича асосий қўлланма сифатида хизмат қилиб келган. Франция президенти Ф.Миттеран 1994 йил Ўзбекистонга ташриф буюрганда «Ибн Сино Оврупага Аристотелни таништирди» деган эди. У юнон файласуфи таълимотини ўз даврларига тадбиқ этибгина қолмай, баъзи идеалистик фикрларини танқид ҳам қилганлар.

Беруний ҳаёти ва ижоди Шарқ олимларини ҳамма вақт кизиқтириб келган испаниялик яхудий Педро Алфоне ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб Берунийнинг «Сайдана» ва «Минералогия» асарларини лотин тилига таржима қилган. «Ал-Қонун ал Масъудий»нинг ҳам катта қисмини лотин тилига таржима этади.

Беруний ижодини энг юқори ва ҳаққоний баҳолаган олим америкалик М.Саратон бўлди. У буюк ватандошимизни ўз даврида жаҳондаги энг доно мутафаккир, деб атади. Абу Муҳаммад Ибн Рўшд Оврупо мамлакатларида Аверроэс номи остида машҳур бўлган. Ибн Рўшд ижоди илмнинг турли-туман соҳаларига бағишланган бўлмасада, у орқали Фаробий, Ибн Сино таълимотлари Оврупада кенг тарқалди. Аристотел, Фаробий, Ибн Сино каби файласуфлар таълимотини бошқа ижтимоий шароитда ишлаб чиққан Ибн Рўшд таълимоти Шарқ илм-фани, файласуфининг Оврупада кенг тарқалишида восита бўлди.

XIII аср ўрталарига келиб Ибн Рушд асарларининг ҳаммаси лотин тилига таржима этилиб бўлди, ва илмий жамоатчилик ўртасида кенг тарқалди. 1245 йил инглиз олими Р. Бекон Сарбонна университетида Аристотелъ, Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рўшд таълимотлари ҳақида маърузалар ўқийди. Бекон Аристотелъ, Ибн Сино, Фаробий, Ибн Рўшид таълимотларини маданиятда анча орқада бўлган Англияда ҳам тарқатди. Шарқ файласуфи Францияда, шунчалик мавқега эга бўладики, натижада черков чекинишга мажбур бўлади. Ҳатто XIII аср ўрталаридан бошлаб қайта очилган Тарих университетида араб тили ўрганила бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ фалсафаси, илм-фани, маданияти айниқса Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рўшд, улар орқали юнон файласуфи Аристотел таълимоти остида шаклланган оврупа фалсафий қарашлари туфайли черковнинг маънавий ҳукмронлига путур етган эди. Янги таълимотга черков қанчалик қарашлик кўрсатмасин, файласуфларни таъқиб остига олмасин, Инсон унинг тазъйиқидан озод бўла бошлаган эди. Шарқ файласуфларини инсон ҳақидаги таълимотлари таъсири остида исовия динига эътиқод қўйган оврупаликлар ҳам инсон эрки ва уни улуғлаш учун кураш бошланади. Шарқ фойласуфлари таълимотлари, айниқса, инсонга муносабатлари билан бирга Франция, Италиядаги  лотин аверроистчилар, синер бошлиқ олимлари курашининг натижаси, Уйғониш даври ва унинг мафкураси-гуманизм яъни инсонпарварлик ғояси юзага келди.

**Маъруза бўйича асосий маълумотлар ва таянч иборалар:**

1.Уйғониш даври, Ренессанс.

2.Мусулмон маданияти, миниатюра, мусаввирлик, хатолик, қўл ёзма.

3.Шарқ Уйғониш даври, уни даврлаштириш.

4.Марказий Осиёда Уйғониш даври, уни ривожланиш босқичлари.

5.Тасаввур таълимоти, Яссавийлик, Кубровийлик, Нақшбандия тариқатлари.

**Ижодий топшириқ.**

1.Меъморчиликда IX-XII асрларда энг машҳур бўлган меъморчилик обидалари номларини ёзинг, бугунги кунга қадар қайси бирлари сақланиб қолган.

2.”Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро шарифи ислом дини хаст” мақолини изоҳланг.

**Маданиятшунослик фанини ўқитишда педагогик технологик карта**. 6-**мавзу.**

| | | |
|---|---|---|
| Мавзу | Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти. | |
| Мақсад | **Ўқитувчи:** Талабаларга Марказий Осиёда XIV-XV асрлар маданий тараққиёти вужудга келиш омиллар ва ўзига хос хусусиятлари, Амир Темур шахси, унинг қудрати марказлашган давлат тузиши ва маданий тараққиёти, ушбу давр Марказий Осиё халқлари маданий тараққиётида иккинчи Уйғониш даври сифатида тарих саҳифаларига кириши, бу улкан даврни ўлка халқлари маданий тараққиётида тутган ўрни ва жаҳон шумул аҳамияти тушунтирилади.<br><br>**Талаба:** ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш. | |
| Вазифа | **Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари. Педагогик технологиялардан "Ақлий ҳужум" муаммо орқали талабаларни ўзлаштирган, янъи Темур ва Темурийлар даври меъморчилиги, адабиёти, санъати, илм-фани бўйича билимларини назорат қилиш.<br><br>**Талаба:** Марказий Осиё халқлари XIV-XV аср маданий тараққиёти ҳақида маълумотларга эга бўлиши. Амир Темурни тарих саҳнасида пайдо бўлиши, унинг юртимиз тарихида тутган ўрни ва бунёдкорлик ишлари билан чуқур танишиши, Темурийлар даври ҳақида кенг маълумотларга эга бўлиши бу даврни чуқур илмий таҳлил қила олиш даражасида ўзлаштириши керак. | |
| Дарс жараёнининг ташкил этилиши | 1.Ташкилий қисм<br>2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш<br>3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш<br>4.Якун ясаш<br>5.Уйга вазифа | 5 дақиқа<br>3дақиқа<br>57 дақиқа<br>10 дақиқа<br>5 дақиқа |
| Дарс жараёнининг мазмуни | Ватанимиз тарихида Темурийлар даврининг миллий ва маънавий уйғониш (иккинчи "Ренессанс") даври сифатида намоён бўлиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан биргаликда маданий юксалишга эришишни Амир Темур номи билан боғлиқлиги уни халқимиз маданий тарққиётида тутган ўрни ва тарбиявий аҳамияти, Соҳибқирон ва унинг авлодлари (Улуғбек ва бошқалар)нинг бунёдкорлик фаолияти, илм-фан ва маданиятга ҳомийлик қилиши ушбу соҳаларнинг равнақига замин бўлганлиги | |

| | |
|---|---|
| | ёритилади. |
| Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси. | **Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси.<br>**Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш.<br>**Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ.<br>**Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол.<br>**Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш. |
| Кутилаётган натижалар | **Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштири-лишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадга эришиш.<br>**Талаба:** Темур ва Темурийлар даври бўйича янги маълумотларни, билимларни эгаллайди нутқи равонлашади. Фикри ўсади, дунёқараши шаклланади. Кенг билимга эга бўлади. |
| Келгуси режалар | **Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳортни ошириш.<br>**Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш. |
| Дил сўзлари | Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг. |

## *6-Мавзу: Амир Темур ва Темурийлар даври маданияти.*

**Маъруза режаси.**

*1.Темурийлар даврида маданий ҳаёт ривожини таъмин этган олимлар.*

*2.Темурийлар даври меъморчилиги, тасвирий санъат ва мусиқа.*

*3.Темурийлар даврида илм-фан ва адабиёт.*

*4.Темурийлар даврида фалсафа ва дин.*

Жаҳон маданияти Мусо Хоразмий, Исмоил Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замахшарий каби номлар билан безаган Марказий Осиёнинг IX-XII асрлардаги маданияти-Уйғониш даври кескин рўй берган тарихий воқеалар туфайли бирдан узилиб қолди.

XIII асрнинг бошида Хоразмшоҳлар давлати Чмнгизхон қўшинларининг даҳшатли ва аёвсиз ҳужумига учради. Бу ҳужум 1219 йилда Хоразмнинг шимолий чегарасидаги Ўтрор қалъасини забт этишдан бошланди. 1220-21 йилларда Хоразмшоҳлар маркази Қуҳна Урганч душман қўлига ўтди. Хорзмшоҳ қўшинлари яхши куролланган бўлишига қарамай, ички низолар ва келишмовчиликларнинг кучайганлиги, қўшиннинг шаҳарлар ҳимояси учун бўлиб юборилганлиги, биргаликнинг йўқлиги Чингизхон ҳужумига бардош бера олмай тезда барбод бўлишига олиб келди. Шаҳарлар, маданий марказлар вайрон этилди, аҳоли қирғинга учради. Ўлка тўлиғича муғуллар мустамлакасига айланади. Марказий Осиёни турли туманларга бўлиб юборган муғул хонлари ўртасидаги ўзаро низолар ва курашлар ҳам авж олди-булар ҳаммаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатади, Маданият ўчоқлари сўнди. Жуда кўп маданий бойликлар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар йўқ қилинди, санъат ва илм-фан вакиллари: олимлар, шоир ва ёзувчилар, мунажжимлар, меъмор ва мусаввирлар ўлдирилди, тасодифан омон қолганлари эса Шимолий Ҳиндистон, ғарбий Эрон, Хуросоннинг турли вилоятларига қочиб, жон сақлаб қолдилар. Шундай шароитда мўғуллар ва маҳаллий амалдорларнинг ўз бошимчалиги ва жабр зулмнинг кучайиб бориши халқ оммасининг кўтарилишига олиб келди. Бу халқ қўзғалонларининг энг йириги 1337 йилда Сабзавор шаҳрида бошланиб, қарийиб 45 йил давом этган сарбадорлар чиқишидир халқ оммасининг ажнабий истилочилар ҳамда маҳаллий эзувчиларга қарши аёвсиз кураши, Марказий Осиёда муғуллар ҳукмронлигини анча заифлаштирди ва уларга қарши кескин кураш кучайиши учун қулай замин яратиб берди. Шундай шароитда Амир Темур (1336-1405) майдонга чиқди ва ижтимоий жараёнда тезда кўзга ташланди ҳамда мамлакат хаётида жуда катта ролъ ўйнади.

Амир Темур тарқоқ ва узоқ урушлардан хонавайрон бўлган Моварауннаҳр ва Хуросон ерларини мўғиллар мустамлакасидан озод этиб, ягона, мустақил ва мустаҳкам, кучли давлатга бирлаштирди. Унинг маркази этиб Самарқанд шаҳри танланди.

Амир Темур давлати ўз даврида Оврупо ва Осиёдаги энг йирик, мустаҳкам, ривожланган давлат сифатида танилди.

Мусулмон Шарқи, айниқса, Марказий Осиёнинг маданияти тарихидан Темур ва темурийлар ҳукмронлик даври –XIV асрнинг иккинчи ярмида XVI асрнинг бошларигача бўлган давр сўнгги умумий тарихий ривожланишга жуда катта таъсир кўрсатган ёрқин, сермазмун, самарали давр ҳисобланади.

Бу даврда ўзбек тили адабиёт тил сифатида узил-кесил шаклланади ва Марказий Осиёнинг сўнгги маданий ривожига катта таъсир кўрсатади.

Марказий Осиёда IX-XII асрлардаги илм-фан, маданиятининг гуркираб ривожланиши Марказий Осиё халқлари тарихида илк Уйғониш даврини ташкил этган бўлса, XIV аср охири XV аср мўғуллар мустамлакачилигидан қутулиб, мустақил давлатининг шаклланиши ва ривожи асосида маданиятда яна кўтарилиш ва кескин ривож рўй берди. Бу даврни маданиятдаги кескин равишда бўлиниб қолган Уйғониш даврининг якуни-сўнги Уйғониш даври деб аташ мумкин. Бу кўтарилиш аввалги маданий ютуқларга, уларни янада юксалтириш, замона маънавий талаблари асосида янгилаш натижасида вужудга келди.

Темур ва темурийлар даври деярли бир ярим аср Осиё, айниқса, Марказий Осиё тарихида нихоятда кўп, серқирра, ранг-баранг маданий-маънавий бойликларни яратгани, халқ талантлари учун имконият ярата олганлиги, туркий халқлар маданияти тарихида тамоман янги, узоқ асрларга озуқа берган қатламлар, янги саҳифалар вужудга келтиргани билан машхурдир. Мовароуннаҳр ва Хуросонда XIV асрнинг II ярми ва XV асрда рўй берган маданий юксалиш бутун мусулмон Шарқинигина эмас, Оврўпа мамлакатларини ҳам ҳайратга солди. Бу маданий юксалиш Марказий Осиёнинг сўнгги маданий-маънавий ривожинигина белгилаб бермай, қўшни мамлакатларидаги маданий тараққиётга ҳам катта туртки берди.

Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий-маънавий юксалишни юзага келтира олган.

Ушбу омилларни кўриб чиқсак:

**1.Сиёсий-ижтимоий омил.** Мовароуннаҳр ва Хуросонда тарқоқ, ўзаро низо, урушлар натижасида турли вилоят, амирликларига бўлиниб кетган ва мўғуллар томонидан аёвсиз эзилган халқнинг мустамлакачиликдан қутулиши, мамлакатда ягона, бирлашган давлатнинг барпо этилиши, ягона давлатчилик асосида бошқариш қоидаларининг жорий этилиши, зўравонлик ўзбошимчалик каби иллатларининг тугатилши ижтимоий юксалишни таъминлайди.

**2.Иқтисодий омил.** Мовароуннаҳр ва Хуросонда ягона идора тизимининг жорий этилиши иқтисодий осойишталик ишлаб чиқаришнинг сўнгги ривожланишига олиб келди. Давлат томонидан деҳқончилик,

ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожига эътибор берилиши ва бу соҳада катор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг маънавий-маданий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

**3. Маънавий омил.** Аввалги маданий мерос, маънавий қадриятлар, бойликлардан кенг фойдаланиш, улар асосида ривожланишни амалга оширишдан иборат бўлди. марказий Осиёда аввалги асрларда, хусусан IX-XIII асрларда яратилган маънавий-маданий бойликлардан, Хоразмий, Ибн Сино, Фаробий, Фарғоний, Беруний, Чағминийлар меросидан; араб, туркий, форсий, тилларда яратилган Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Румий, Тусий, Аттор каби алломалар меросидан; мусулмон Шарқи маънавий меросида катта ахамият касб этган қадимги юнон илмий-маънавий бойликларидан кенг фойдаланилди. Бу даврда Амир Темур давлатининг таъсирида бўлган ва бўлмаган бошқа мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар тез ривожландики, бундай алоқалар маънавий бойликларни ўзаро алмашишга кенг йўл очиб берди. Эрон, араб мамлакатлари, алоқаларда маданий бойликлар алмашинуви ҳам муҳим аҳамият касб этди.

**4. Ғоявий омил.** Ушбу омил маънавий омилнинг узвий давоми бўлсада, унинг муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва ўз даври маънавий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги учун алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу XV асрга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг тарқалган тасаввуф-хусусан нақшбандия таълимотидир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари XIV-XV асрлардаги сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда нихоятда муҳим рол ўйнайди, маънавий ўзгаришлар маълум эркинлик учун ғоявий асос, омил бўлиб хизмат килди. Темур ва Темурий шаҳзодалар, кўп олим-фозиллар, ҳунармандлар нақшбандия таълимотидан озуқа олдилар, ўз фаолиятлари, ижодлари билан уни ҳар тамонлама бойитдилар.

XV асрда яшаб ижод этган нақшбандия таълимотининг йирик вакили Хўжа Аҳрор Вали фақат маданий ҳаётдагина эмас, сиёсий-иқтисодий тинчлик ва ривожланиш ишида муҳим ижобий ролъ ўйнади .

Юқорида санаб ўтилган омиллар, Темур ва Темурийлар даври маданияти, маънавиятининг тез ҳамда юксак даражада кўтарилишига олиб келдики, унинг ютуқлари сўнгги узоқ асрлар давомида маданий ривожланиш учун озуқа бўлди.

**6.2-масала баёни.**

Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилиги.

Мовароуннаҳрда маданий ҳаёт давлатни бошқариш маҳаллий халқ-темурийлар қулига ўтганидагина тараққий этди.

Амир Темур илму маърифатли, улкан тарихий ва ҳарбий билимга эга бўлган, шатранж ўйнашни ва чавандозликни ғоятда хуш кўрган инсон бўлган. У ўз тассаруфига киритган ерларидан нафақат моддий бойликларни, балки маънавий манбаларни ҳам ўз давлати ва пойтахтига тўпланган. Жумладан жуда кўп юртлардан, қимматли ва ноёб китоблар, машҳур олимлар, меъморлар ва бошқа кўплаб турли соҳалардаги салоҳиятни кишиларни Самарқандга олиб келган. Улардан ўз давлати ва унинг пойтахтини сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан юксалтиришида фойдаланган.

Амир Темур Самарқандни ўз пойтахти қилиб танлаб олади ва 1371-1373 йилларда ҳозир маъмурий бинолар жойлашган тепалик (Тепа қўрғонда) ўз аркини бунёд этади. Шаҳар деворлари, фасллари ва буржларини қайтадан тиклайди ва бутун умри давомида Самарқандни ободонлаштириш, кўчаларни равон этиш, мақобатли иморатлар қуриш билан шуғулланади. Темур даврида Самарқанднинг оҳанг, Феруза, Сўзангарон, Қаридгоҳ, Чорсу, Шайҳзода номли олти дарвозаси бўлган. XV аср бошларига келиб шаҳар ғоят гўзал иморатлар, обод, фойдали майдонлари-ю, ариқ ва ҳовузлари билан кишини лол қолдириб, «Самарқанди Фирдавсноманд» деган таърифномани олган. Шаҳар ташқарисида Темурнинг Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Баланд, Боғи Шамол, Боғи Беҳшит, Боғи Нав, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Бўлду, Боғу Загон, Боғи Амирзодаи Шоҳруҳ, Боғи Давлат обод, Боғи Жаҳоннома каби боғ ва чорбоғлари бўлагн. Амир Темур арк (қаъла) ичида тўрт ошёнли Кўк Сарой қасрини, ичида Бўстонсарой номли қаср бўлаган. Чорбоғ, тураржой бинолари, аслаҳахона, маъмурий бинолар, ҳаммом, шифоҳона, ҳазина каби бошқа иморатларни бунёд этди.

Темур даврида қурилган биноларнинг талайгина қисми бизгача етиб келмаган. Лекин сақланиб қолганлар, ҳам унинг кудрати ва ўша давр меъморчилигининг ниҳоятда юксалганлигини кўрсатиб турибди. Булар жумласига Самарқанддаги Шоҳи Зинда тарихий ёдигорлиги ичидаги қатор мақбаралар, Биби Хоним масжиди, мақбараси ва мадраса қолдиқлари, Руҳ Обод (Шайҳ Бурҳониддин Сағоржий макбараси), Гўри Амир ансанблининг асосий қисми, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Жаҳонгир мақбараси, Шамсиддин кулол мақбараси, ҳаробалари ва умуман девор билан ўраб олинган.

Шаҳрисабз тарҳи ҳамда Туркистондаги Ҳўжа Аҳмад Яссавий хонақохини киритиш мумкин.

Шунингдек, Темурдан кейин ўтган унинг авлодлари даврида ҳам Ўрта Осиё шаҳарсозлиги, меъморчилиги анъаналари яхши давом эттирилди. Бугунги кунгача сақланиб қолган Хўжа Аҳрор ва Хўжа Абди Дарум хонақохлари, Оқсарой ва Ишратҳона мақбаралари, Улуғбек қурдирган Расадҳона, ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувондаги мадрасалар фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари Шоҳруҳ, Навоий ва бошқа Темурийлар даврида Ҳирот, Марв каби шаҳарлар, бобурийлар дарида эса Ҳиндистон меъморчилиги юксак даражада тараққий этди. Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг «Заффанома» асарида маълумот берилишича, Темур 1378 йилда Кеш шаҳрини қайта қўриб унга Шаҳрисабз (кўклам шаҳар) номини беради. Марухилардан Ҳофизи Абрў, Абдураззоқ Самарқандийлар Шоҳруҳ томонидан Марв шаҳри қайта бунёд этилганини талқин этишади. Шоҳруҳ ва Навоийларнинг Ҳирот шаҳрининг кенгайтирилиши ва ободонлаштиришдаги хизматлари ҳақида бир қатор тарихий манбалардан аниқ маълумотлар бериб ўтилган. Темур ва Темурийлар даврида қурилган қасрлардан машҳурлари сифатида Самарқанд аркидаги Кўксарой, Шаҳрисабздаги Оқ сарой, Ҳиротдаги Боғи Шахр, Марвдаги Шоҳ саройларини мисол келтириш мумкин.

Ушбу саройлардан чуқур ўрганилгани Шаҳрисабздаги Оқ сарой ҳисобланади. Бу қаср Шаҳрисабзнинг арки ҳисобланган. Унинг қурилиши 1380 йилдан бошланган бўлиб, Испания қироли Карл III нинг Темур саройидаги элчиси Руи Ганзалес Клавихонинг хабарига кўра, хатто 1404 йилда ҳам баъзи пардоз ишлари давом эттирилгандир.

Темурийлар даври шаҳарсозлигида бозор ва савдо иншоотларини қуришга ҳам катта эътибор берилган. Жумладан, Клавихонинг Амир Темурнинг Самарқандда олий иморатлар қурдирилганлиги баёнида Оҳанинг дарвозаси билан Регистонни бирлаштирувчи кўчада барпо этган усти ёпиқ, ярим ёпмали, туйнукли савдо растаси ҳақида ёзади. Демак, ўша давр савдо иншоотлари очиқ бозорлар билан бир қаторда раста, чорсу, тим ва бошқа усти ёпиқ ёки махсус қурилмали иншоотлардан иборат бўлган.

Қурилган иморатларнинг кўпчилигининг ёнида ҳовуз, каналлар, сардоба каби муҳандислик иншоотлар қурилган. Муҳандислик иншоотлари ичида дарё, анҳор ва ариқлар устига қурилган кўприклар қурилиши ҳам катта меъморий ҳамда муҳандислик билимини ва тажрибасини талаб қилган.

Маълумки Ўрта Осиё шаҳарларида бутун ўрта асрлар давомида кўплаб мадрасалар, масжидлар, мақбаралар барпо этилган. Шунингдек, XIV-XV асрларда ҳам бу ишлар давом эттирилган. Масалан, Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси, Шаҳрисабздаги Дор ут Тиловат мадрасаси, Бибихоним масжиди, Самарқанддаги Ишратхона ва Оқсарой, Тимдаги Аработа мақбараси, Шаҳрисабздаги Жаҳонгир мақбараси ушбу бинолар ниҳоятда юксак меъморий ечимга эга.

Улуғбек томонидан, 1417-20 йилларда Самарқандда, 1417 йилда Бухорода, 1433 йилда Ғиждувонда қурилган мадрасалар машҳурдир. Улардан ташқари 1411 йилда Ҳиротда Шоҳруҳ томонидан қурилган ва 1432 йилда қурилган Гавҳаршодбегим, 1492 йилда Ҳусайн Байқаро томонидан қурилган Неъматобод, Алишер Навоий томонидан қурилган Ихлосия ва бошқа мадрасалар маълум.

Масжидлар ҳақида сўз борар экан шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ўрта асрлардаги шаҳар меъморчилигида жомъе ёки жума масжидлари қурилишига алоҳида эътибор билан қаралган. Масалан, Самарқандда Темурнинг Ҳиндистонга қилган сафаридан сўнг 1399-1404 йилларда қурилган Бибихоним масжиди бутун Ўрта Осиё тарихий обидалари ичида ўзининг салобати билан ажралиб туради. 1434-36 йилларда Шаҳрисабзда ўзига хос меъморий тарзда Улуғбек томонидан қурилган Кўк гумбаз жума масжиди ҳам диққатга сазовор.

Зиёратгоҳ ва бошқа шаҳарлардаги масжидлар ҳам ўзига хос қайтарилмас усулларда барпо этилган. Масжидлар Ислом динининг асосий биноси сифатида уларнинг жуда кўплаб турлари мавжудлиги эътиборни тортади. Уларга ислом байрамлари, яъни ҳайит кунлари намоз ўқиладиган, одатда шаҳар ташқарисида қурилган намозгоҳ, шаҳарларда жума кунлари одамлар йиғиладиган жума ва жамеъ масжидлари, маҳалла ва қишлоқ масжидлари, шунингдек арк, карвонсарой, работ, мадраса, зиёратгоҳ сингари бино ва қадамжолар қошидаги масжидлар киради. Миноралар масаласига тўхталсак улар асосан, мадраса ва масжид таркибида иморатнинг бир қисми сифатида бунёд этилган. Бибихоним масжиди ва Улуғбек мадрасаси минораларини мисол келтирсак бўлади.

XIV-XV аср меъморчилигида бинолар тури жуда ҳам кўп бўлганлигини кўриш мумкин, лекин уларнинг ичида мақбаралар қурилиши алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан Шоҳи Зинда коплекси, Гўри Амир, Тошкентдаги Юнусхон, Бухородаги Чашмаи Аюб, Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий,

Шаҳрисабздаги Дорус Саодат, Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мақбаралари ўзининг тузилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Ушбу масалани якунлаб айтиш мумкинки, Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилигида чексиз янги ечимлар, ва амалий безак намуналари, қурилмалар шакллари, геометрик уйғунлик усуллари келиб чиқади ва юқори даражасига эришди.

**6.3-масала баёни.**

Темурийлар даврида маданият янги босқичга кўтарилиб, Марказий Осиёда қадимги юнон ва ҳинд олимларининг фалокиёт, риёзиёт, тиббиёт, кимё ва бошқа фан соҳаларидаги тадқиқиётлари кенг тарқалди. Илк ўрта асрларда юнон олимларининг рисолалари араб тилига таржима қилиниб, уларга кўплаб шарҳлар битилган эди. Шунинг учун қадимги юнонларнинг араб тилига таржима қилинган асарлари, хусусан, Арасту, Афлотун, Птоломей ва бошқаларнинг табиий-илмий ва фалсафий асарлари XIV-XV асирларда ҳам Марказий Осиё олимлари учун янгилик эмас эди. XIV-XV асрларда фанларнинг кўп соҳалари: тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, жуғрофия, фалакиёт, фалсафа, аҳлоқшунослик ва бошқа фанлар тараққий этди. Адабиёт ва адабиётшунослик юксалиб, шеърият-назм соҳасида ижод қилувчи машҳур шоирлар етишиб чиқди. Йирик шоирлар Давлатшоҳ Самарқандий, Саккокий, Бисотий Самарқандий, Жавҳарий, Хожа Суғдий Самарқандий, Мирзабек, Восифий, Ниёзийлар Самарқандда, Ҳофиз Хоразмий, Яқиний, Ҳилоний, Гадоий, Атоий, Сухойлий, Ҳусайн Али Туфайлий Биноий, Сайфи Бухорий, Мулла кабилар Мавароуннахр ва Хуросоннинг турли шаҳарларида яшаб ижод этиб, бир қанча шеърий ва насрий асарлар яратдилар, XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиёда фалакиёт ва риёзиёт фанлари ривож топди. Улуғбек асос солган фалокиёт мактаби бунга ёрқин мисол бўлиб, бу мактабдан жуда кўп иқтидорли олимлар етишиб чиқди. Улар Мансур Хомий, Мирам Чалабий, Абдуали Биржандий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид ва бошқалардир.

Мовароуннаҳрнинг қатор шаҳарларида мадрасалар қурилди ва ушбу мадрасаларда илоҳиёт илмлари: Қуръон, ҳадис, тафсир, фиқҳ билан бирга риёзиёт, ҳандаса, илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, тарих, жуғрофия, илми аруз (поэтика), араб тили ва морфологияси (қофия), фалсафа каби дунёвий фанлар ҳам ўқитилган.

Юксак муҳандислик ва меъморий билим маҳсули сифатида юзага келган Улуғбек расадхонасининг донғи ва унда олиб борилган изланишлар

самараси ўрта асрлар тарихида ўчмас из қолдирган 1424 йилда оби Раҳмат ариғи ёнида қурилган бу расадхона думалоқ шаклида бўлиб диаметри 42 метрни ташкил этган. Абдураззоқ Самарқандий етти қаватли, Бобур эса уч ашёнли эди деб ёзишади.

Улуғбек 1424-1428 йилларда Самарқандда ўз атрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки билан шаҳар яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида расадхона қурдирди. Доира шаклида бино қилинган бу улкан иморатнинг айланаси 47м, баландлиги 31м бўлган. Бобурнинг ёзилишича, расадхона уч қаватли бўлган. Бинонинг сирти кошин ва сирли парчинлар билан қопланган. Бинонинг ички қисмига судси фаҳрий (секстант) ишланган ва йўлаклар орқали тўрт қисимга ажратилган. "Нақши Жаҳон" деб юритилган. Самарқанд секстанти ўша даврда Шарқда маълум булган секстантларнинг энг каттаси ҳисобланган. Улуғбек расадхона қошида бой кутубхона ҳам ташкил этиб, унда фаннинг деярли ҳамма соҳаларига тегишли қарийб ўн беш минг жилд китоб сақланган. Расадхонада Улуғбек билан бирга машҳур математик ва астрономлардан Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Кошоний, Али Қушчи ва кўплаб бошқа олимлар илмий кузатиш ишларини ва тадқиқотлар олиб борганлар. Улуғбек Самарқандда бутун бир астрономия мактабини яратди.

Самарқандда Улуғбек раҳбарлигида барпо этилган бу илмий даргоҳ математика, астрономия соҳасида илмий дунёда оламшумул аҳамият касб этган натижаларга эришди. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 собита (қўзғалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилади. Улуғбек мактабининг эришган энг муҳим ва ажойиб мувофаққиятларидан бири математика фани соҳасида бўлди. Расадҳона олимлари тамонидан учинчи даражали алгебрик тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланди. Самарқанд расадҳонасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларининг самараси, Шарқ классик астраномиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлантирган ва уни янги далил-исботлар билан бойитган шоҳ асари Улуғбекнинг «зижи жазиди кўрогоний», (Кўрогонийнинг янги астраномик жадвали) номли китобидир. Бу асар 1437 йилда ёзиб тугаланган бўлса ҳам унга муаллиф умрининг оҳирига қадар бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида тузатишлар ва қўшимчалар киритиб беради.

«Зижи жадиди Кўрогоний» асосан икки қисмдан: Кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Унга астраномиянинг назарий масалалари, Шарқ халқларидаги йил

ҳисоби усуллари, астраномия назарияси, сайёралар назарияси, астралогия масалаларига бағишлангандир.

Асарнинг иккинчи қисми астраномия ва тригонометриянинг амалий масалаларига мансуб.

Улуғбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аниқ ҳисоб китобларга солиштиргудек бўлсак, у бор йўғи бир минуту икки сонияга фарқ қилади. Бу натижа 15-аср учун ғоят юксак аниқлик бўлиб ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир.

Шу ўринда И.Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида Мирзо Улуғбекнинг фаолиятига "Илмий ижодига берган баҳосини мисол келтирамиз. 1996 йили Парижда Юнесконинг ўша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади. Ўшанда жаноб Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атига бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федерико Майор, Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона лутф тариқасида айтилган бўлсада, унинг замирида чуқур ҳақиқат мужассам".

Бу буюк асирдан ташқари Улуғбек «Тарихи арба улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий аср; ҳамда мусиқа илмига онд бешта рисола ҳам ёзилган. «Рисола дор мусиқа», («Мусиқа илми ҳақида рисола») асари мусиқа тарихига бағишланиб, унда «ўн икки мақом баёнига» доир маҳсус боби ҳам бўлган. Улуғбек илми фаолиятига, қолдирган бой илмий меросига баҳо берилганда унинг замондош ҳамкасиби Ғиёсиддин Жамшид таърифлагандек, у Қуръон, ҳадис, араб тили, мантиқ, адабиёт, мусиқа, риёзиёт, фалокиёт илмларининг чуқур билган қомусий олим бўлган.

Улуғбек теварагига уюшган 100дан ортиқ олимни ўз бағрида етиштирган, номи жаҳонга машҳур Самарқанд расадхонаси ўз даврининг академияси вазифаси ўтаган. «Самарканд академияси» даставвал бундан 225 йил муқаддам машҳур француз файласуфи Вольтер тамонидан эътироф этилган. Бу ҳақда Вальтер шундай ёзилади.

«Улуғбек Самарқандда бўлиб академияга асос солди, Ер куррасини ўлчашга буюрди, астраномия жадвалларини тузишда иштирок этди» Дарҳақиқат ушбу «Дор ул-илм» нинг пойдевори бўлган Улуғбекнинг

астраномия мактаби ўрта асрлар мусулмон Шарқи ҳамда эндигина уйғонаётган Европа астраномия фанининг ривожига катта таъсир кўрсатади.

**Меъморчилик.** XV асрда Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда меъморчилик, наққошлик, тасвирий санъат ва адабиёт ниҳоятда даражада тараққиёт этади. Бу икки пойтахт шаҳарларида кўплаб ҳашаматли жамоат бинолари қад кўтаради. Темурий ҳукмдорлар орасида айниқса, Улуғбек бобоси Темур каби мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият беради. Унинг даврида Самарқанд шахрининг Регистон майдони шаклланди. У қайтадан режалаштирилиб, майдонда Улуғбек мадрасасидан ташқари пештоқли ва улкан гумбазли хонакоҳ, карвонсарой, ўймокор ёғочлардан ишланган  Муқаттаъ бино қилинди. Икки юз ўн гумбазли кўкалдош жоме-масжиди қад кўтарди.  Бу олий иморатлардан фақат Улуғбек мадрасасигина бизнинг давримизгача сақланган.

Улуғбек даврида яна бир йирик меъморий мажмуа Шоҳи Зинда мажмуаси тўла қуриб битказилди. Айниқса, Қозизода Румий мақбараси меъморий жихатдан энг ажойиби ҳисобланади. Улуғбек томонидан қурдирилган меъморий бинолар ичида тарҳи математик ечимлари, нақш ва безаклари жиҳатидан энг нозик жиҳатлардан ҳисобланган Самарқанд расадхонаси алоҳида ўринга эга. Бу даврда тиббиёт илми ҳам ўзининг йирик номоёндаларига эга эди. Самарқандга келиб ижод қилган табобат илмининг йирик вакилларидан Бурҳониддин Нафис ибн эвоз ҳаким ал-Кирмоний, Султон  Али табиб  Хуросоний, табиб Ҳусайн Жарроҳ шулар жумласидандир.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда мантиқ ва фалсафа фанлари билан шуғулланган йирик олимлар пайдо бўлди. Бу фанларнинг ривожи, асосан икки йирик мутафаккир Садриддин бин Умар Тафтазоний ва Мир Саййид Журжоний номлари билан боғлиқдир. Улардан ташқари, Самарқандда ўша даврда Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Мавлоно Абдулла Лисон, Хожа Афзал ва бошқа олимлар яшаб ижод этганлар. Бу даврда ахоқ ва таълим-тарбия муаммоларига бағишланган махсус рисолалар пайдо бўлди. Улар орасида Ҳусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийлар мероси алоҳида ўрин эгаллайди.

Темур ва темурий шаҳзодалар ўз даври тарихини ёзиб қолдириш, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг мўғуллар зулмидан озод этилиши тарихини ўрганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Жомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳофизи Абрў, Наманзе, Фосиҳ Хавофий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар Темурийлар даври тарихини ёзиб

қолдирдиларки, бу асарлар ҳозирда биз учун ўша давр ҳадисларини, маданий юксалишини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Бевосита, Амир Темур тамонидан ёзилган «Тузуки Темур»- Темур тузуклари асарида Темурнинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва аҳлоқий қоидалари ҳақида гапириб ўтилади.

XIV-XV асрларда маънавий-маданий ривожланиш ислом диний қарашларининг мустахкамланиб бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, хукмрон мафкура сифатида мадраса ва масжидларни кенг ўқитилиб, ўрганилиб, қонун қоида, одат, анъаналар эса шариат асосида олиб борилар эди. Баҳоуддин Нақшбандий таълимоти XV асрга келиб назарий аввалги амалий жиҳатдан янада ривож топиб, у сарой ахиллари, Темурийзодалар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган тасаввуф таълимотининг Сўфи, Порсо, Чархи, Хожа Аҳрор, Маҳдумий Аъзам каби йирик вакиллари нақшбандия тараққиётига оид қатор рисолалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиш ва ривожланиши йўлида фаол хизмат қилдилар. Ушбу масалани якунлаб, айтишимиз мумкинки, Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар экан. Тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, «Темур олимларга меҳрибон, сайййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату-икромини унга изҳор қиларди».

**6.4-масала баёни.**

Тасвирий саънат Мовароуннаҳр ва Хуросонда X-XII асрларда ривожланган миниатюра, хаттотлик адабиёт нақш санъати XIV-XV асрларда юксак камолот босқичига кўтарилди. Бу давр Амир Темур ва темурийлар подшоҳлар Шоҳруҳ, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро намлари билан боғлиқ.

**Адабиёт.** 14-асрнинг 2-ярми ва 15-аср Ўрта Осиё халқлари адабиёти тараққиётида янги ва жуда сермахсул давр бўлди. Бу даврда адабиёт бадиий услуб жиҳатидан такомиллашди, янги поғонага кўтарилди. насрда ҳам, назмда ҳам кўплаб нодир бадиий ва лирик асрлар яратилди. Туркий ва форс тилларида ижод қилувчи шоирлар ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорлик кенгайди. Ўзбек таржима адабиёти вужудга келди. Бадиий адабиётнинг

ўсиши билан узвий боғланган ҳолда адабиётшунослик ҳам тараққий этди, бу соҳага оид илмий асарлар яратилди.

Бу даврда замонасининг истеъдодли ва етук шоирлари ва адиблари Қутб, Сайфи Сароий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Бобур, Муҳаммад солиҳ ва бошқалар яшаб ижод қиладилар. Дурбек тамонидан қайта ишланган «Юсуф ва Зулайҳо» достони, Тошкентлик шоир Атоийнинг девони, Лутфийнинг «Зафрнома» ва «Гул ва Наврўз» поэмалари бадиий адабётнинг ўша даврда яратилган дурдоналаридир.

Бу давр бадиий адабиёти тараққиётида форис-тожик шоири Абдурраҳмон Жомий (1414-1492) ҳамда ўзбек классик адабий тилининг асосчиси ва ўзбек классик адабиётининг сардори Алишер Навоийнинг ҳиссалари ғоят буюкдир. Лирика соҳасида Саъдий, Ҳофиз ва Камол Хўжандий қаторида турган Жомий жуда сермаҳсул олим ва истеъдодли адиб эди. Қарийб ярим аср давом этган ижодиётида у фан ва адабиётнинг турли масалаларига оид 99 та асар ёзди. У 15-аср адабиётида мавжуд бўлган деярли барча жанрларда асарлар яратди, ўзидан олдинги улуғ сўз санъаткорларининг анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди, бадиий юксак асарлари билан дунё адабиёти хазинисига ўлмас обидалар қўшди. Жомийнинг энг йирик ва машҳур асари етти достондан иборат «Ҳафтавранг», шунингдек «Баҳористон» ва «Ҳирадномаи Искандар» асарлари фалсафий дидактик ва ахлоқий-таълимий мазмунга эга.

XV-аср бадиий адабиёти равнақида ўзбек халқининг улуғ фарзанди, буюк шоир, олим, мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси ғоят буюкдир.

Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёти тараққиётига бағишланади. У улуғ инсонпарвар, донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, истеъдодли қомусий олим бўлиб етишди. У даврининг маданий ҳаётига раҳнамо, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомий, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз бўлди. Навоий тил, адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астраномия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп қимматли илмий асарлар, ўттиздан ортиқ йирик бадиий асар ёзди. «Хамса», «Хазойин ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр» шулар жумласидандир. Навоий «Фоний» тахаллуси билан форс тилида ҳам ижод

қилиб, «Девони Фоний», «Хасби ҳол», «Туҳфат ул-афкор» каби лирик асарлар яратди.

Навоий асарларида муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва қардошлик, адололат ва тинчилик зўр маҳорат билан тараннум этилади. У одамларни инсонга муҳаббатли бўлишга даъват этди, меҳнатни улуғлади. Шоир одамларни фанни эгаллашга, билимларни ўзлаштиришга чиқарди, савдоли булишнинг амалий аҳамиятини уқтирди.

Навоий тарихни билишнинг аҳамияти айниқса катта эканини уқдириб, одамларни тарихни ўрганишга даъват этади. Унинг фикрича, тарих фани шоҳлар, хукмдорларнинг таржимаи ҳолини ёзиш эмас, балки мамлакат тарихини ўрганиши керак. У салтанатни нималар ҳалок қилишини ва нималар фаровонликка олиб келишини, қандай ишлар туфайли мамлакат обод бўлишини, қандай ишлар сабабли мамлакат таназзулга юз тутишини, қандай ишлар туфайли мамлакат маъмур бўлишлигини, қандай ишлар халққа фароғат ва бахт келтиришини тарих кўрсатиб бериши лозим деб ҳисоблайди.

**Тасвирий санъат.** 15-16-аср бошларида тасвирий санъат соҳасида улкан муваффақиятларига эришилади. Беҳзод, Мирак Наққош, Қосимали, Маҳмуд Музаҳҳиб, Ҳожи Муҳаммад Наққош ва Шоҳмузаффар каби мўйқалам соҳиблари етишади. Бизгача сақланиб қолган тасвирий санъат обидалари ва ёзма манбалари Мавароуннаҳр ва Хуросон тасвирий санъатининг ўзига хос услуби, мусаввирлар ижодиётининг хаёлий мавҳумликдан ҳаётийликка, реалистик тисвирга томон ривожланиб борганини кўрсатади. Бу жиҳатдан, айниқса, Беҳзод асос солган Ҳирот мусаввирлик мактаби улкан ютуқларга эришади. Бу давр тасвирий санъат обидалари ўзининг мазмуи ва воқийлигига қараб партретлар, ҳаётий лавҳалар, табиат манзаралари, бино ва бадиий асарларга ишланган тасвирлардан иборат бўлган. Буюк сиймолар қиёфаси тасвирлари орасида жомий, Навоий, Абдулло Хотифий, Беҳзод, Ҳусайн Бойқоро, Бобур, Шайбонийхон ва бошқаларнинг партретлари бизгача сақланиб қолган. Мусаввирлар бу тарихий шахсларнинг ташқи қиёфасини аниқроқ ва мукаммалроқ тасвирлашга, айрим ҳолларда, ҳатто уларнинг маънавий дунёсини очишга интилганлар. Бу жиҳатдан айниқса Навоий партретлари диққат-эътиборга моликдир. Масалан, машҳур рассом Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан чизилган Навоий тасвирида шоир ҳассага таянган, унинг қомати бирмунча букчайган, қарашларида ҳам хорғинлик аломатлари, ҳам улуғворлик ва олижаноблик кўзга яққол ташланиб туради.

Ҳаёт лавҳаларига бағишланган тасвирий санъат асарлари ўз мазмуни ва мавзуе, услуби ва бадиийлиги билан ҳам ниҳоятда қимматлидир. Беҳзод ва бошқа мусаввирлар ўрта асрлар муҳитининг бир қанча ҳаётий манзараларини моҳирлик билан тасвирлашла мувоффақ бўлганлар. Масалан, Беҳзоднинг бино қурилишига бағишланган бир тасвирида кўпдан-кўп қурувчи-бинокор, дуродгор, тоштарошловчилар, арава ва филга ортиб келтирилаётган қурилиш материаллари, белига қилич таққан ва говрон кўтариб қурувчиларга ўшқираётган қутвол-қурилиш бошлиғи тасвирланган.

Замондошлари томонидан Монийи соний (Иккинчи Моний), кейинги давр олимлари томонидан «Шарқ Рафаэли» деб улуғланган Камолиддин Беҳзод 15-аср тасвирий санъатининг улуғ намояндасидир. У мусаввирликда Ҳирот мактаби деб номланган янги бир ижодий услубининг асосчиси бўлди ва устоз санъаткор сифатида Мавароуннаҳр, Эрон, Озарбайжон ва бошқа ўлкалар тасвирий санъатининг тараққиётига самарали таъсир этди. Беҳзод мусаввирлик санъатининг жиҳатлари кўп бўлиб, унинг мўйқалами билан чизилган тасвирлар ўзининг нафислиги, руҳий ва жисмоний ҳолатларнинг уйғунлиги, ёрқинлиги ва бўёқларининг жозибадорлиги жиҳатидан Шарқ мусаввирлик санъатида алоҳида ўринга эгадир. Беҳзод ижоди хилма-хил мазмунга эга бўлиб, у тариҳий сиймолар (Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийҳон, Алишер Навоий) партретларидан тортиб, то ҳукимдорнинг сержило саройларидаги қабул маросимлари-ю жанг майдони манзараларигача ҳаққоний ва таъсирли қилиб бера олган. Айниқса, Жеҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» асарига бағишланган лирик манзаралар ёки Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари учун чизилган жанг майдонидаги шиддатли муҳораба тасвир этилган миннатюралар ниҳоятда жозибадор ва таъсирчандир. Хуллас, тасвирийсанъат асарлари китобида хаттотларнинг ҳуснихати, муқовасиз ва зарҳалчиларнинг санъати билан уйғунлашиб, ғоят кўркам бир тусга киради.

Буларнинг барчаси санъат турлари билан бадиий адабиётнинг ўзаро узвий алоқада равнақ топганини, бири иккинчисига самарали таъсир этганини кўрсатади.

**Мусиқа.** XIV-XV аср Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида янги ва барҒкали бир босқич бўлади. Бу давирда янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига доир нодир асарлар яратилди. Жуда кўп маҳоратли созандачилар, бастакорлар ва ҳофизлар етишади. Абдуқодир Найий, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Қосим Раббоний, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Хожа Юсуф

Андижоний, Устод  Шодий, Нажмиддин Кавкабий ва бошқалар шулар жумласидандир. Омилкор мусиқачилар билан бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий ва Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам мусиқа соҳаси билан шуғилланиб, унинг ривожига маълум ҳисса қўшадилар. Масалан, Улуғбек «булужий», «шодиёна», «ахлоқий», «табризий», «усулиравон» ва «усули отлиғ» куйларини, Навоий «Исфаҳоний» куйини ижод қиладилар. Жомий ва Биноийлар мусиқа назариясига доир асар яратадилар.

Мусиқа санъати аҳилларининг ижодий фаолияти билан 9-12 асрларда вужудга келган дувозда (ўн икки) мақом куйи бу даврда янги тараққиёт поғонасига кўтарилади, такомиллашади ва янги куйлар билан бойийди. Демак, мусиқа санъати ҳам XIV-XV асрларда санъатнинг бошқа турлари ва поэзия билан узвий алоқада ривожланди. Моҳир санъаткор-машшоқлар, бастакор ва ҳофизлар етишади. Нодир ва бебаҳо мусиқий асарлар вужудга келади.

Юқоридаги масалаларни якунлаб, хулоса қилиб айтганимизда бу давр маданияти ютуқлари халқимизнинг кейинги маъданий ривожланишида катта замин яратди.

**Маъруза бўйича асосий маълумотлар ва таянч иборалар:**

1.Амир Темур-буюк саркарда ва давлат арбоби.

2.Мовароуннаҳрда марказлашган давлат.

3.Маданий юксалишга таъсир кўрсатган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ғоявий омиллар.

4.Мамлакат ободончилиги, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик.

5.Тарихий меъморий обидалар.

6.Темур тузуклари ва ўғитлари.

7.Темур сиёсатидаги бош ғоя “Рости-расти”нинг маъноси.

**Ижодий топшириқ.**

1.Улуғбек илмий мактаби ва Самарқанд миниатюра мактаби тўғрисида нималарни биласиз ва хулосангизни қисқа ҳолда ёзиб топширинг.

**Маданиятшунослик фанини ўқитишда педагогик технологик карта.** **7-мавзу.**

| | | |
|---|---|---|
| Мавзу | **XVI-XX асрларда Марказий Осиё маданияти.** | |
| Мақсад | **Ўқитувчи:** Талабаларга Темурийлар давлатини парчала-ниши сабабларини, Шайбонийлар, Аштархонийлар давла-тини ташкил топиши, Туркистонни Бухоро, Хива, Қўқон хонликларига бўлиниб кетишидан бошлаб, то Россия империяси истилосигача бўлган даврдаги юртимиз маданий ҳаёти билан таништиради.<br><br>**Талаба:** ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш. | |
| Вазифа | **Ўқитувчи:** мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари. Педагогик технологиялардан “Ақлий ҳужум”, муаммо усулларидан фойдаланиб талабалар мавзуни ўзлаштириш даражасини аниқлаш.<br><br>**Талаба:** XVI-XX аср хонликлар даври маданий тараққиёти ҳақида, маърифатпарварлик, жадидчилик ҳаракати ҳақида кенг маълумотларга эга бўлиш, ушбу даврни чуқур илмий таҳлил қила олиш даражасида ўзлаштириши керак. | |
| Дарс жараёнининг ташкил этилиши | 1.Ташкилий қисм<br><br>2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш<br><br>3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш<br><br>4.Якун ясаш<br><br>5.Уйга вазифа | 5 дақиқа<br><br>3дақиқа<br><br>57 дақиқа<br><br>10 дақиқа<br><br>5 дақиқа |
| Дарс жараёнининг мазмуни | XVI-XX асрларда ўлкамиздаги маданий ҳаёт ўзига хосдир. Адабиёт, тарих меъморчилик, санъат соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилган бўлса, иккинчи томондан бирликнинг йўқотилиши, ўзаро низоларнинг авж олиши, табиий, техника фанларига эътиборнинг сусайиши Ўрта Осиёни нафақат жаҳон тараққиётидан орқада қолишга, балки мустамлака асоратига тушиб қолишига сабаб бўлди. | |
| Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси. | **Услуб**: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси.<br><br>**Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш.<br><br>**Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ. | |

| | |
|---|---|
| | **Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол.<br><br>**Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш. |
| Кутилаётган натижалар | **Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштири-лишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш.<br><br>**Талаба:** хонликлар даври унинг маданий ривожланиши, таназзум сабабларини ўрганиш, маълумотларни, билимларни эгаллаш, нутқи равонлашади. Фикри ўсади, дунёқараши шаклланади. Кенг билимга эга бўлади. |
| Келгуси режалар | **Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳортни ошириш.<br><br>**Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш. |
| Дил сўзлари | Эътиборингиз учун раҳмат, саломат бўлинг. |

## *7-Мавзу. XVI-XX асрларда Марказий Осиё маданияти.*

## Маъруза режаси.

*1.Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг вужудга келиши ва маданий ривожи.*

*2.Мустақил хонликлар ва амирликларнинг ўзаро маданий алоқалари.*

*3.Марказий Осиё маданиятига рус ва дунё маданиятининг таъсири.*

*4.Жадидчилик ва унинг ғоявий сиёсий йўли.*

XVI аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда ички низоларнинг авж олиши бу ерларга ташқи ҳужумларнинг кучайишига имкон туғдирди. Айниқса, шимолда Дашти Қипчоқ томонидан Мовароуннаҳр шаҳарларини босиб олишга бўлган ҳаракат борган сари ортиб борди.

1500-1510 йиллар орасида Мовароуннаҳр ва Хуросон ерлари Шайбонийхон бошлигидаги қушинлар ҳужуми туфайли унинг тасарруфига ўтди. У ўзининг сўнгги юришида кескин қаршиликка дуч келди ва 1510 йил Марв учун бўлган жангда қурбон бўлди. У Мовароуннаҳр мадрасаларида таҳсил кўрган, темурийлар билан учрашган, олим ва адиблар билан

мулоқотда бўлган, маданият тарихидан яхши хабардор, темурийларга ўхшаб ижод аҳлига раҳнамолик қилган, ўзи ҳам шеърлар ёзган давлат бошлиғидир.

Унинг ўлимидан сўнг авлодлари 1601 йилга қадар ҳукмронлик қилдилар. Сўнгги йилларда унинг авлодлари ўртасидаги курашлар натижасида давлат парчаланиб, Хуросон Сафавийлар қўлига ўтди. Шайбонийлар эса фақат Мовароуннаҳрга ҳумрон бўлиб қолдилар. Ҳокимият аста-секин унинг авлодлари ўртасидаги низолар туфайли парчаланиб кетди, Бухоро хонлиги, сўнг ғарбда Хива хонлиги вужудга келди. Ҳукмронлик учун олиб борилган узоқ курашлардан сўнг Абдуллахон II (1557-1598) даврида Бухоро хонлигиниг мавқеи анча-мунча ортди.

Абдуллахон II даврида Бухоро хонлиги иқтисодий-маданий ҳаёт бир мунча жонланди. Хусусан, деҳқончилик тез ривожланди, қатор сув иншоотлари, каналлар барпо этилди, йирик шаҳарларда ҳунармандчилик равнақ топди. Самарқанд қозикалонининг XVI асрдаги ҳужжатларидан маълум бўлишича, ҳунарнинг 61 тури мавжуд бўлган, турли-туман темир буюмлар, ип ва матолар, юқори навли қоғозлар ишлаб чиқарилган, Бухоро шаҳри кенгайтирилиб, девор ва ҳарбий истеҳкомлари қайтадан қурилган, шаҳарда кўп мадрасалар, хонақоҳлар, бозорлар барпо этилган. Бу даврда ички ва ташқи савдо, хусусан, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Россия каби мамлакатлар билан алоқалар кенгайди.

Унинг вафотидан сўнг яна ўзаро низолар авж олди. 1601 йилдан бошлаб Бухоро хонлиги янги Аштархонийлар сулоласи ҳукимронлигига ўтди.

Аштархонийлар сулоласи бир ярим аср (1601-1753) Бухоро тахтида ҳокимлик қилди, улар даврида хонликда ўзаро низолар ҳамда қорақалпоқлар, мустақил бўлган Хива хонлиги, Эрон кабилар билан узлуксиз урушлар давом этди, мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида парокандалик авж олди, хонлик тахти учун талашувда ака-ука, ота-ўғил, қариндошлар ўртасида курашлар кучайди. Хонликдаги зулмнинг ортиши, солиқларнинг ошиб бориши натижасида тез-тез халқ қўзғолонлари рўй бериб турарди. Бухоро тахтида узоқ хонлик қилган Имомқулхон (1611-1642) даврида ҳокимиятнинг нисбатан мустаҳкамланганлигини назарга олмаганда, бошқа Аштарҳонийлар даврида хонликка ҳар томондан ҳужумлар, турли шаҳарлар, ўлкаларнинг хонликдан ажраб кетишга интилиши кучайди. Бу интилиш, айниқса, Убайдуллахон даврида авжига чиқди. Бундан фойдаланган Нодиршоҳ Бухоро хонлигига қарашли кўп ерларни Эронга қўшиб олди. Сўнгги йилларда Аштархонийлар сулоласининг нуфузи сусайиб, манғит қабиласидан бўлган

Муҳаммад Ҳаким оталиқнинг таъсири кучая борди ва у 1753 йили ўзини амир деб эълон қилди. Бу даврда Туркистонда Бухоро хонлигидан ташқари Амударёнинг қуйи оқимида Хива хонлиги мустақил ривожланаётган эди. XVIII асрнинг охирига келиб Фарғона водийсида Қўқон хонлиги ҳам ўзини мустақил хонлик сифатида кўрсата бошлади.

Туркистондаги XVII-XVIII аср маданияти мавжуд иқтисодий-сиёсий, ижтимоий аҳвол таъсирида турли тебранишлар, йўқотишларни бошидан кечирди.

XVI асрда Ҳиндистонда Бобурийлар давлатининг вужудга келиши билан Темурийлар даврида шаклланган маданиятнинг қисман Ҳиндистон томон оқиб ўтганини кузутамиз. Бобурий подшолар Мавароуннаҳр ва Хуросон маданий қадриятларидан кенг фойдаланишга интилдилар, уларни Ҳиндистон ерида кенг тарғиб этдилар. XVI асрда кўпгина Марказий Осиёлик донишманд, аллома, санъаткорларнинг ўзлари ёки Бобурийлар таклифи билан Ҳиндистон шаҳарларига кетиб қолдилар. Бобурийлар саройида туркий, айниқса, форсий тилдаги адабиёт, санъат, илм-фан ривож топди. Бу Марказий Осиё, хусусан, Туркистон ва Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати ўртасидаги маданият кучайишига, уларнинг ўзаро таъсири орта боришига олиб келди. Бобурийлар ўзларини Темурийлар даври маданиятининг меросхўри, давомчиларидан деб билдилар. Айниқса, Бобурийлардан Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон, Аврангзеб даврида Ҳиндистонда Марказий Осиё маънавий қадриятларига асосланган мусилмон маданияти кенг ривож топди.

Темурийлар даврида ривож топган маданий бойликлар таъсирида янги маънавий-маданий қадриятлар вужудга келди, айниқса, адабиёт, санъат, қисман илм-фан, хусусан, тарих фанида маълум ютуқлар қўлига киритилди. Тасаввуф бу даврнинг дунёқараши, тасаввур ва маънавиятида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек ва форс тилида қатор тарихий, адабий, шеърий асарлар яратилди.Ўз даврининг етук адиби, давлат арбоби ва шайхулислом Подшохожа (1480-1547) оиласида туғилиб, тарбия топган Ҳасанҳожа Бухорий Насорийнинг «Музаккир ал-аҳбоб» ҳамда шоир Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро» тазкираларида XVI асрда яшаб ижод этган жуда кўп адиб, шоирлар, уларнинг ижоди ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Масалан; Нисорий Бухорий мадрасаларда ўқиб, ўз даврининг илмларидан хабардор бўлган, аруз сирларини эгаллаган, сўнг мадрасаларда сабоқ берган, давлат арбоби сифатида ҳам хизмат қилган, унинг шоир сифатидаги довруғи кўп ўлкаларга таралган, «Малик уш-шуаро» унвонига сазовор бўлган. У ўз давридаги турли шоир, адибларининг ўрганиб, «Музаккир ал-аҳбоб»

тазкарисини яратган.У асосан темурийлар, шайбонийлар ҳамда бобурийлардан етишиб чиққан, шунингдек, Марказий Осиёлик, хуросонлик, шарқий, туркистонлик, хиндистонлик,озарбайжонлик шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирган. Унда Подшохожа, Муҳаммад Солиҳ, Мутрибий, Фитратий, Шўхий каби шоирлар ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин. Нисорий 1597 йили вафот этган ва Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси ёнига дафн этилган.

Бу даврда ўзининг ўзбек тилидаги шеърлари билан машҳур бўлган шоир,тарихчи, давлат арбобларидан бири Муҳаммад Солиҳдир (1455-1535). У Хоразмда туғилиб, бошланғич маълумотни ўша ерда олган. Сўнг Ҳирот шаҳрида ўз илмини давом эттирган, шоиру уламолар билан илмий-ижодий баҳс этиб турган. Хуросонда, сўнг Самарқанд, Бухорода темурийлар хизматида бўлган.

1507-1510 йилларда Муҳаммад Солиҳ Ҳиротда яшаб маданий ҳаёт ичида бўлган, ўз ижоди билан адабий муҳитга кенг танилган. Унинг ижодига Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Лутфий, Нисорий каби шоирлар яхши баҳо берганлар.

XVI асрнинг иккинчи ярмидаги энг йирик шоирлардан Мушфиқийни кўрсатиб ўтиш зарур. Шоир Абдуллахон II даврида сарой шоири сифатида маълум бўлса-да, халқ орасида унинг хажвий, ҳурриятпарвар шеърлари кенг тарқалган.

XVI-XVIII асрларда ўзбек ва тожик тилларида шеърий асарлар битган, Туркистоннинг турли шаҳарларидан чиққан шоир, адибларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Сайидо Насафий, Турди Фарғоний , Машраб, Сўфий Оллоёр шулар жумласидан бўлиб, уларнинг ижоди турли йўналишда эканлиги ўз даврининг тушкунликлари, зиддиятлари, қийинчиликларини ўзида ифодалаши билан кўзга ташланади. Бу даврда Ҳиндистонда яшаб ижод этган, ўз асарларини форсийда ёзган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг (1644-1720) чуқур ижтимоий-фалсафий мазмундаги шеърлари Туркистон зиёлилар орасида эътибор қозонди.

XVII асрда Субҳонқулихон даврида тазкира тузилиб, унда ўз замонасининг икки юзта шоир, адиб, адабиётшунослари ҳақида маълумотлар берилади. Умуман XVI-XVIII асрлар маънавий ҳаётида Туркистонда тасаввуф таълимотлари, хусусан, Нақшбандия, Яссавия, Кубравия таълимотларининг кенг тарқалгани, уларнинг адабиёт, санъат, ижтимоий билимларга катта таъсир кўрсатганини кўрамиз. Санъаткор тасаввуфдан

замона қийинчиликларини енгиш, зулм-адолатсизликка қарши кураш, ҳақиқий инсоний муносабатларини тарғиб қилиш йўлида фойдаланишга интилдилар.

XVI-XVIII асрлар давомида адабиёт, шеърият билан бир қаторда тарихшунослик, фиқҳ, фалсафа, хаттотлик илми каби соҳаларда ҳам ижобий ютуқлар қўлга киритилди.

Бу даврда айрим тарихий асарлар форс тилидан ўзбек тилига таржима этилди. Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Абдулла ибн Муҳаммаднинг «Зубдат ул-асрор» («Асрлар қаймоғи»), Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳқон Исфахонийнинг «Меҳмонномайи Бухоро» («Бухоро меҳмони ҳақида китоб»), Ҳофиз Таниш Бухорийнинг Абдуллахон 11 даврининг тарихига бағишланган улкан асари «Шарафномайи шоҳий» («Шоҳ шарафи ҳақида китоб») ёки «Абдулланома» каби тарихий асарлар шулар жумласидандир. Бу асарларда ўша даврнинг мураккаб жараёнлари ўз ифодасини топган.

Шоир ва тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асари назм аралаш қофиялаштирилган насрда, форс тилида ёзилган бўлиб, асосан Шайбонийларнинг ўз давлатларини мустаҳкамлаш учун олиб борган курашлар тарихини, сиёсий-ижтимоий масалаларни ўз ичига қамраб олган катта асардир. Тарихий асарлар далилий ашёларга бой бўлиш билан бирга айримларида тарихий ҳодисаларни умумлаштириш, улардан хулосалар чиқариш кўзга ташланади. Бундай интилишлар сўнгги асрларда вужудга келган «Тарихи Муқимхоний» («Муқимхон тарихи»), Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи»), Мирмуҳаммад Амин ал-Бухорийнинг «Убайдуллахон ҳақида китоб»), Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Замони Бухорийнинг «Муҳит ут-таворих», Абдурахмон Толенинг «Тарихи Абулфайзхон» каби асарларида ҳам учрайди. Тарихшунослик илмининг маълум даражада ривожи албатта бошқа ижтимоий фанларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

XVI-XVIII асрлар давомида ижтимоий-фалсафий фикр, фиқҳшунослик соҳасида ҳам янгиликлар вужудга келди, ўз даврининг етук мутафакирлари етишиб чиқди. Ўз юрти Эронни ташлаб кетишга мажбур бўлган ва Бухорода хоннинг эътиборига сазовор бўлган Мирзажон Шерозийнинг асосий илмий-маърифий фаолияти Мовароуннаҳрда ўтди. У турли мадрасаларда фалсафа, мантиқ, фиқҳ илмларидан сабоқ бериш билан бирга ўтмиш мутафаккирлари Ибн Сино, Фаҳриддин Розий, Насриддин Тусий, Мир Саййид Журжоний, Давоний кабиларнин турли рисолаларига шарҳ ва ҳошиялар ёзди . Мирзажон Жалолиддин Давонийнинг бевосита шогирди бўлиб, ўзининг асосий илмий

қизиқишларини фалсафий муаммоларни ҳал этишга қаратди Унинг хошиялари билан бирга «Фи таърифил илм» («Илмлар таърифи»), «Анмузаджул фунун» («Санъатлар намуналари»), «Фиаксил мустафа» («Акс эттириш ҳақида») каби қатор рисолалари ҳам бизгача етиб келган.

XVI-XVIII асрларда табиий-илмий фанлар ўзининг аввалги анъаналарини йўқота бошлади, уларнинг ривожи борган сари сусайиб борди. 1593 йилда Амир Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» номли географик-биографик луғати, деярли шу йилларда Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро»сига илова этилган дунё харитаси вужудга келди. Айрим тарихий маълумотларда айтилишича, бу даврларда тиббиёт соҳасида қатор амалий ишлар, турли табиблар, кўз дўхтирлари, синган суякларни тузатувчилар фаол иш олиб борган (Султон Али деган табиб «Табобат бўйича қўлланма» ёзиб қолдирган), йирик шаҳарларда касалхоналар мавжуд бўлган. Лекин XVIII асрларга келиб табиий фанларга эътибор сусайиб, умумий ижтимоий, сиёсий тарқоқлик биринчи навбатда шу илмларга салбий таъсир кўрсатиб, диний дунёқарашнинг таъсири кучайган. Адабиёт, шеърият билан боғлиқ ҳолда мусиқашунослик, мусиқа илми ривожига ҳам эътибор берилган. Бухорода Мавлавий Кавкабий мусиқа илми, мақомлар бўйича рисола ёзган.

Китоб ёзиш, тўплаш, безаш соҳасидаги анъаналар XVI-XVIII асрларда ҳам давом этгани, айрим хонлар махсус кутубхоналар яратгани ва унда кўплаб қўлёзмалар тўпланганлиги ҳақида маълумотлар сақлангандир. Масалан, шайбонийлардан Абдуллахон II, Абдулазизхонлар, аштархонийлардан Субҳонқулихон ўз саройларида-Бухорода катта кутубхоналар ташкил этганлар. Умуман китоб саънати, ҳуснихат-хаттотлик, миниатюра соҳасида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Бухоро мактаби фаол равишда ўзини танитди.

XIV асрдан бошлаб шаклланиб келган Бухородаги ҳуснихат ва миниатюра XVII-XVIII асрларга қадар Шарқда ўз етакчи мавқеини сақлаб келди ва бошқа мусулмон Шарқидаги бу санъат ривожига катта таъсир кўрсатди. XVI-XVII асрларда ижод этган машҳур ҳуснихат ва миниатюра ижодкорларидан Султон Али Машҳадий, Мир Али Хевравий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шиҳобий Абдулла, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Дўст Муҳаммад Бухорий кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Дўст Муҳаммад Бухорий ҳуснихат назарияси бўйича махсус рисола ҳам ёзган. Ҳусусан, шу даврларда «Тарихи Абдулхайрхон» («Абдухайрхон тарихи») «Таворихи гузидан нусратнома» («Ғалаба ҳақида танланган тарихлар»). Алишер Навоий

асарлари рўйхати кабиларнинг чиройли кўчирмалари ва уларга ишланган миниатюралар ўз даври саънатининг олий намуналари ҳисобланади.

Мовароуннаҳр санъати, илм-фан, маданияти бу асрларда ҳам бошқа мусулмон Шарқи, Эрон, Туркия, Қошғар, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан яқин алоқада бўлди, ўзаро таъсирида ривож топди.

Масалан, Туркияда миниатюра санъатининг ривожида Марказий осиёлик санъаткорлар пешқадамлик қилдилар. Академик В.В. Бартольд бу ҳақида шундай деди: Туркистонинг Олд Осиёга бўлган таъсири қанчалик узоқ давом этган шу фактдан маълум: «Султон Боязид II даври (1481-1512) да рассомлик санъатини дастлаб Туркияга келтирган киши ўзбек санъаткори Бобонаққош эди ». Бобонаққош Турк миниатюрачиларининг устози бўлиб танилган эди.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошига келиб Туркистонда уч мустақил давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон ҳонликлари вужудга келган. Мазкур уч давлатда маъданият адабиёт илм-фан, санъат ўзига хос равишда ривожланди.

Қўқон хонлигида XIX аср бошларида меъморчилик ривож топди, жуда кўп қурилиш ишлари олиб борилди, хусусан Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон каби йирик шаҳарларда турли бинолар: мадраса, масжид, хонақо, бозор, ҳаммом кабилар барпо этилди, каналлар ўтказилди, биноларни безаш ишларидан кенг фойдаланилди, хунарманчилик равнақ топди. Масалан, шу даврда мадрасаи Мухаммад Ясавул, мадрасаи Ризқулбек, мадрасаи Офтоб ойим, мадрасаи Мингойим, мадрасаи Ҳакимхон тўра, мадрасаи Ҳўжа додхох, мадрасаи Ҳаққули мингбоши каби мадрасаларининг бир нечтаси қурилди. Қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қўқон қоғози бутун Марказий Осиё шаҳарларида ўзининг сифати билан ном қозонди. Китоб ёзиш ва безаш ишлари, хаттотликка алохида эътибор берилди, ўтмиш машҳур шоирларнинг асарлари кўчирилиб, махсус ранг ва чизмалар билан безатилди. Лутфий, Навоий, Умархонларнинг девонларидан иборат «Мухаббатнома» деган бир мажмуа махсус, чиройли қоғозга безаклар билан, гўзал хатда кўчирилиб хон томонидан Туркияга совға қилиб жўнатилган.

Бу даврда Нодира, Увайсий, Адо, Ғозий , Маҳзуна, Махмур, Маъдан, Дилшод, Баҳринисо, Мунтазир, Туробий, Нусрат, Гулханий каби адиблар етишиб чиқдилар. Уларнинг асарларида хонлари саройи ҳаётидан тортиб, оддий халқнинг кундалик турмуши, қийинчиликлари, халқ орасида вужудга келган норозиликлар, ахлоқ инсонпарварлик, халқпарварлик масалалари ўз

аксини топган. Бу даврда Қўқон хонлигида тарих илми сохасида ҳам қатор асарлар яратилди. Улар XIX аср Туркистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳўжа Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг «Мунтахаб ат-тавворих» («Тарихлардан сайланма»), Ашур Муҳаммаднинг «Тарихий жаҳоннамаий» («Жаҳонни кўрсатувчи тарих»), Эшон хўжа Қори Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол» («Аҳволлар хулосаси»), шунингдек, Муҳаммад Солих Тошкандийнинг «Тарихий жадиди Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи»), Мулла Олим Маҳдумнинг «Туркистон» («Туркистон тарихи») каби китоблари шулар жумласидандир. Уларда ўша даврда хонликлар ўртасидаги курашлар, Қўқон хонлигини кенгайтириш соҳасида олиб борилган урушлар, унинг ерларини аста-секин рус аскарлари томонидан босиб олиниши ҳақидаги маълумотлар билан бирга маъданият соҳасида олиб борилган ишлар ҳақида турли ахборотлар ва фактлар келтирилгандир.

Хўжа Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарида Фарғона ва Бухоро тарихи аксини топган.

XIX асрнинг бошида, айниқса, Муҳаммад Раҳимхон даврида Хива хонлиги мустаҳкамланди, сўнг унинг ерлари кенгайди. Савдо-сотиқ, ҳунарманчилик, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқалар кучайди. Хивада Хозорасп каби шаҳарларда мадраса, масжидлар қурилди, меъморчилик санъати, маданиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан тараққийси учун имкон вужудга келди. Бу даврда меъморлик юксак даражада ривож топди. Пахлавон Махмуд мақбараси ёнидаги мажмуа, Куни аркидаги бинолар, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, жума масжиди, Оллақулихон саройи, Ичан қалъа мажмуаси каби қатор бинолар шу даврда вужудга келди. Ҳозирги Хива шаҳри, ундаги бой ва ранг-баранг бинолар, миноралар асосан XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. Бу даврда Хивада илм-фан, адабиёт, санъат аста-секин ривож топа бошлади. Мунис Хоразмий, Комил Хоразмий, Огаҳий, Аваз Ўтар каби қалам эгалари, шоир ва адабиётчи, тарихчилар етишиб чиқиб, миллий адабиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Бу даврда қатор тарихий асарлар, жумладан, Шарқнинг машхур тарихчилари Маъсудий ва Ибн Асрнинг асарлари арабчадан, Мирхонд, Хондамрларнинг асарлари форсчадан ўзбек тилига таржима этилди. Абдулғозий Баҳодирхондан бошланган Хоразм тарихнавислик мактаби XIX асрга келиб янги босқичга кўтарилди. Мунис, Огаҳий, Баёнийлар «Фирдавс ул-иқбол» («Бахт жаннати»), «Зубдат ут-таворих» (Тарихлар қаймоғи), «Риёз уд-давла» («Давлат боғлари»), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол шоҳиди»), «Шажараи Хоразмшоҳий» («Хоразмшоҳлар шажараси»)

каби тарихий асарлар ёзиб қолдирдилар ва Хоразм, умуман Туркистон тарихига оид муҳим давр воқеларини ёритиб бердилар.

Бухоро амирлигида ўзаро низолар, бошқа хонлик билан курашлар тўхтовсиз давом этиб туришига қарамай қурилиш, маданият сохасида айрим ишлар амалга оширилганини кўрамиз. Бу даврда табиий илм, фаннинг кўп соҳалари ўзининг олдинги мавқеини йўқотган, диний илмларнинг таъсири кучайган бўлса-да, Бухоро Марказий Осиёда ўзининг маърифат маркази мавқеини сақлаб қолди. Бу ерда кўплаб мадрасаларда ўз даври талабларига биноан ўқитиш ишлари давом этди. Кўп бўлмаса-да бинолар барпо этилди. Бухородаги аввалдан ҳукм суриб келган тарихнавислик соҳасида айрим асарлар вужудга келди.

XVIII аср охирлари ва XIX асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Вафоий Карминагийнинг «Туҳфаи хоний», («Хон туҳфаси»), Муҳаммад Шарифнинг «Тож ут-таворих» («Тарихлар тожи»), Мир Олим Бухорийнинг «Фатҳномаи султоний» («Султонинг ғалаба китоби») асарлар яратилди.

Бу даврда ўзбеклар билан қардош бўлган бошқа қўшни халқлар маданий ҳаётида халқларни бирлашувга чақирувчи, дўстлик, бcălородардикни тарғиб этувчи етук ва машхур арбоблар, адиб-шоирлар етишиб чиқдилар. Улар ўзаро урушларни, низоларнинг олдини олишга чақирувчи асарлар ёзиб, халқ манфатларини ҳимоя этдилар. Қорақалпоқ Бердақ, туркман Махтумқули, қозоқ Чўқон Валихонов, Абайлар шулар жумласидандир.

**7.2-масала баёни.**

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар рўй берди. Россия кўпдан бери Туркистоннинг табиий бойликларига эга бўлиш, мустамлакасини янада кенгайтиришга интилиб келарди.

XIX асрнинг 60-70 йилларига келиб Россия шу қабих ниятини амалга оширишга киришди. У Туркистон хонликлари ерларини босиб ола бошлади. Қўқон хонлиги қўшини биринчи бўлиб рус босқинчиларига Сирдарё соҳилларида қаҳрамонона қаршилик кўрсатди. Рус қўшинлари барча воситаларни ишга солиб: қамал, қирғин, босқинчилик, аҳолини ҳайдаш, алдаш-авраш каби турли йўллар билан XIX асрнинг 60-йиллар давомида Қўқон хонлиги ва Бухоро хонлигининг кўп ерларини ўзига тобе этдилар. Босиб олинган ерларда 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги

ўрнатилди. Бухоро билан сулх тузилиб, у рус чоризмининг восалига айлантирилди.

Хивага уч томондан рус қушинларининг бостириб келиши, вайронлик, талон-тарож, қувғинлар 1873 йилдаги сулх билан якунланди ва Хива хонлиги ҳам Россиянинг вассалига айланди. Рус зобитлари, улар билан бирга келган амалдорлар томонидан талон-тарожлар туфайли қулга киритилган жуда кўп маданий-маънавий бойликлар, безаклар, матолар, ёдгорликлар, ноёб қўлёзма китоблар, миниатюралар Петербурга олиб кетилди.

Туркистоннинг қисқа вақт  ичида Россия томонидан босиб олиниши шавқатсиз урушлар, аҳолини талон-тарож этиш, қирғинлар уюштириш, қуролсиз халқни хонавайрон этиш, алдаш, хуллас босқинчиликка хос бўлган барча воситалардан войдаланиш ёрдамида амалга оширилди. Уша даврда ёзилган тарихий китобларда рус аскарлари, генералларнинг қирғинлари, ерли аҳолининг қаттиқ қаршилиги, ўз шаҳарлари учун жон олиб, жон бериб, жанг қилганлари ҳақонний равишда тасвирланган. Масалан, Хоразмлик машҳур тарихчи-бундай урушларнинг бевосита гувоҳи Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий», юқорида айтиб ўтилган Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадиди Тошканд» каби асарларида Хоразмда рус аскарлари қирғинларидан жон сақлаб қочган аёл ва болаларни қувиб етиб, қиличдан ўтказиб, найза билан санчиб ташлагани ёки рус босқинчиларига қаршилик кўрсатган Тошкент аҳолисининг 42 кун сувсиз қолдириб қамал қилган каби дахшатли воқеалар баён этилган

Россия кўпдан бери Туркистонга кўз олайтириб келар эди. уни босиб олишдан асосий мақсад бу ернинг табиий, жуғрофий бойликларни қўлга киритиш-олтин, пахта, пилла каби дунё бозоридаги қимматли молларга хўжайинлик қилиш ҳамда ривожланиб келаётган рус капитализми учун ягона бозорга эга бўлиш эди. Бундан ташқари Туркистонни босиб олиш Россиянинг Марказий Осиё, умуман, Шарқдаги мавқеини мустаҳкамлар эди.

Чор хукумати босиб олган ўлка, жумладан, Туркистон халқини ҳам иқтисодий, сиёсий қолоқликда қарамлик ва нодонликда сақлаб туришдан жуда манфаатдор эди. Россия бу ерда халқни тўлиқ мустамлакада сақлаш, бойликлардан фойдаланиш сиёсатини амалга оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тизимни ўрнатиб, барча идора этиш йўллари усул ва воситаларини кенг амалга оширди. Лекин Туркистоннинг босиб олиниши ривожланиб келаётган рус капитализмининг ва у орқали Оврўпанинг турли иқтисодий, маданий ютуқлари беихтиёр равишда бу ерда ҳам кенг тарқала боришини тезлаштирди, шаҳарларда янги маъданият ташкилотлари

ривожлана бошлади, янги савдо, банк тиббиёт корхоналари, темир йўл, телеграф, электр, телефон кабилар вужудга келди, газеталар, китоб босиш йўлга қўйилди ва х.к. Бу борада дунё миқиёсида, Яқин ва Ўрта Шарқ Осиё мамлакатларида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Капитализмнинг кўп жойда узил-кесил ғалабаси Шарқ ўлкаларида ҳам феодал қолоқликка қарши миллий ҳаракатларни кучайтирди, маърифат ва маъданий тараққиётни тезлаштирди.

**7.3-масала баёни.**

Жаҳон ва айниқса, Яқин Шарқ мамлакатларидаги ўзгариш ва Россиянинг янги мустамлакасига оқиб келаётган Оврўпо маданияти янгиликлари Туркистон маданиятида ерли халқнинг мустамлакачилик сиёсати, камситилишига қарши маърифатпарварлик ҳаракатини кўпайтириб юборди. У асосан, халқни янги маданият маърифатга чақиришга миллатни уйғотишга, янгиланаётган маънавиятни эгаллашга йўналтирилган эди. Аста-секин маърифатчиликдан жадидчилик ўсиб чиқди ва у маълум даражада сиёсий масалаларни олға сура бошлади. Янги таълим-тарбия, янги мактаб, янги маориф, уни бошқариш, маданий тарғибот, ташкилотчилик масалалари асосий ўринга кўтарилди.

Янгиликларга асосланган ҳолда рус ва эски феодал маорифидан фарқ қилувчи фикр-ғоялар олдинга сурилди, улар ерли матбуот, турли китоблар орқали кенг тарғиб этилди. Бу маданиятдаги мустамлакачиликка қарши курашда халқ онгини ошириш ўз аҳволини яхшилашга интилишнинг кўринишларидан эди.

XIX асрнинг охири-XX аср бошида Туркистон маданияти қатор талантли олим, сайёҳ, шоир, педагог, журналистларни етиштириб чиқади. Улар халқимизнинг умумий маданий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Туркистонда мавжуд тартибларни ўзгартириш, маданий юксалишга бўлган интилиш рус капиталистик муносабатларининг кириб келиш даврига тўғри келади. Туркистондаги маърифатпарварлик ҳаракати олдинги тартибларга янги маданий ютуқларни қарши қўйиш, сўнг унинг устинлигини тарғиб қилишдан бошланиб аста-секинлик сиёсий тус ола борди ва Туркистонда Россиядан фарқ қилувчи, ерли халқнинг маънавияти хусусиятларини назарга олувчи тартиблар ўрнатиш талаб даражасига кўтарила борди.

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи даврда феодал тузум ва тартибларини танқид қилиш, маданий янгиликларни эгаллаш, Оврўпанинг турли тилларини ўрганишни тарғиб қилиш, янгича илм-фаннинг аҳамиятини кўтариш каби масалалар олға сурилди. Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Фурқат, Муқумий, Завқий сингари маърифатпарварлар етишиб чиқдилар.

Иккинчи босқичда маърифатчиликдан жадидизм ўсиб чиқдики, у эндиликда янгича таълим-тарбия, янги усул мактабларни йўлга қўйиш, дунёвий илмларни ҳар томонлама эгаллаш, маориф-маданиятида янги тартибларни ўрнатиш, янги ижтимоий-сиёсий масалаларни қўйиш даражасига кўтарилди. Жадидчилик ҳаракати туркий миллатларининг маънавий-маданий кўтарилишга туртки бўлди. Туркистонда янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илғор педагоглар бу мактаблар учун турли дарсликлар, ўқиш китоблари, қўлланмалар ярата бошладилар. Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ибрат, Ҳамза кабилар бу соҳада жонбозлик кўрсатдилар ва бу ишда фаол иштирок этдилар. Жадидлар бошқа ўлкалардаги маърифатпарварлик ҳаракатлари билан ҳам алоқа ўрната бошладилар. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жадидчиликнинг турли, янги таълим-тарбия, ўқув-ўқитув масалаларини ўзида акс эттирувчи жуда кўп журналлар нашр этилди. «Тараққиёт», «Ойна», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Самарқанд» каби журналлар шулар жумласидандир.

Маърифатчилик ҳаракати айниқса ўзининг ривож топган босқичида Туркистонда ўзга юртлардаги ижобий ютуқлардан фойдаланган холда мустақил маънавий тараққиёт йўлини қидириш ва тарғиб этиш масалаларини олға сурди. Бу ҳаракат рус подшо ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатига зарар келтиришидан чўчиган чоризм амалдорлари уни чегаралаш ва бўғиб қўйиш чора-тадбирларини кўра бошладилар.

XIX асрнинг охири-XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ходисалар билан бирга унинг маданий ҳаётида ҳам тез ва шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Маданият, адабиёт, таълим-тарбия, дин, мафкура соҳасидаги турли оқимлар пайдо бўлди, улар орасидаги муносабатлар мураккаб тус олди. Ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ҳаракати вужудга келди.

**Жадидчилик ҳаракати**. Жадидчилик ҳаракати аслида маърифатпарлик ҳаракатининг кўринишидир. Ўтмишда ижод этган

алломаларимиз Ал-Фаробий, Ал-Хоразимий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва бошқалар илм чўққиларини эгаллаб, уни яъни маърифатни кенг тарғиб ҳам этганлар.

Туркистон маърифатининг мактаби бой ўтмиш, улкан меросга эга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдуқодир Шокирий, Ашурали Зохирий, Саидрасул Саидазизий Исҳоқхон Ибрат, Ахмад Дониш XIX орхирларида фаолият бошлаб мамлакат, халқни миллий зулм, қолоқликдан холос этишнинг ягона йўли маърифатда деб билдилар. Жфдидчилик, маърифатчилик ҳам миллатни маърифатли қилиш, маънавиятни юксалтириш мақсадларида юзага келган буюк тарихий ҳаракатдир.

Жадидчилик-янгиланиш, янги усул маъносини билдиради. У янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофатларидан озод қилиш, «Усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлкани халқни:

- Миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш.
- Миллий давлат бунёд этиш.
- Конституцион парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш.
- Туркий тилларга давлат мақомини бериш.
- Миллий қўшин тузиш ва бошқалардан иборат.

XIX ва XX аср бошларида бу ҳаракатнинг тарихий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Жадидлар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун кучи ва истеъдодини сафарбар этишга тайёр бўлган фидойилар эди. Жадидлар илғор ғояларини илгари сурар эканлар, бунда шариатга қатъий амал қилиш орқали  мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмлари бериш асосида ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурганлар. Жадидчилик миллий уйғониш ва миллий онг юксалишда катта ролъ ўйнаган. Жадидчилик ғояларни вакилларидан Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, А.Авлоний, Мунаввар Қори , Ф.Хўжаев, Таввало, Ибрат кабилар оғир шароитда тарғиб қилганлар.

Жадидлар ҳаракатининг Туркистондаги номоёндаси унинг назарий асосчиси М.Бехбудийдир. (1879-1919) У Самарқандда руҳоний оилада туғилган. У ҳаж қилиб Макка ва Мадинага боради. Миср Туркия шаҳарда бўлади. Петербург, Минск, Қозон, Уфа каби Россия шахарларида янги давр маданияти билан танишди. У болаларга диний ва дунёвий билим бериш

замонавий билим олиш учун тарққиий топган давлатларга ўқишга юборишни тарғиб қилган. У қуйидаги қоидани илгари сурган:

- Замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш.
- Миллат тақдири ва истиқболини белгилаб берувчи миллий қадрларни етиштириш.
- Миллий биқиқликдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай оладиган чет эллар билан сиёсий иқтисодий маданий маънавий муносабатларида жахон андозалари даражасидаги иш юритадиган миллатга айлантириш «маориф бўлимида ишлайтурған мусулмонларниг бошини силангиз. Ўртадан ниқобни кўтарингиз. Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳаммага одамилик йўлини кўрсатингиз».

Мунаввар Қори.Абдурашид ўғли (187-1931) у Тошкентда туғилгн. У 1901 йилда янги услубдаги мактабни очади. Унга раҳбарлик қилади, мусулмон болаларини ўқитади. Ўз замонаси учун макбул бўлган «Адиби аввал», «Адиби Соний», «Ер юзи» каби дарсликлар ёзган. У халқни онгни оширмай туриб асло катта ишлар қилиш мумкин эмас деб уқтирган. Илғор ғоялари учун уни 1931 йил 29 апрелъда отиб ташланган.

Миллий уйғонишга чорловчи ғояларни илгари сурган жадид ҳаракатининг яна бир йирик вакили А.Авлонийдир. У миллатнинг маънавий инқирозини танқид қилади. Барчани саводли, замонавий илм фанни эгаллашга чақирди.

«Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидир» деган ғояли илгари сурди. Бу жадидчилик ҳаракатининг дастури ҳамдир. «Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ» китобида маърифат ва илм-фаннинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳақида фикрлар билдирганлар.

Жадидчиларнинг қисмати Чор ҳукуматни, собиқ Шўролар тузими даврида фожеали бўлди. Уларнинг миллати, «Пан туркист» каби тамғалар билан қатағон қилдилар. Жадидчиликнинг тормор қилиниши туркий халқларини жаҳон миқиёсига танилишини бир аср орқага сурди. Мустақиллик туфайли жадидчилик ғоялари халққа қайтарилди. Жадидчиларнинг ғоялари ўлмас ғоялар бўлгани учун ҳам мустақиллик билан бирга ҳаётимизга қайта кириб келди.

Большевиклар партиясининг марказий органи ўз қарори билан чоризмнинг Туркистон мустамлакасини бошқариш соҳасидаги империяча сиёсати принципларига содиклигини исботлади, мазкур сиёсат Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга (1891 йил) мувофиқ ўтказиб

келинаётган эди. Ўрта Осиёнинг маъмурий-ҳудудий харитасини кайтадан тузиш борасидаги ўз миқёслари ва оқибатлари билан улкан бўлган большевикча бу харакат чоризм низомининг такомиллашган шаклини амалда рўёбга чиқариш учун қўйилган дастлабки қадам эди.

Большевиклар  Ўрта Осиё минтақаси халқларининг озодлик ҳаракатига чоризмга нисбатан кам бўлмаган изчиллик ва муросасизлик билан муносабатда бўлиб келаётган эдилар. Улар империячилик сиёсатининг чинакам ворислари сифатида Туркистон мустақиллиги учун кўтарилган ҳар қандай ҳаракатни панисломизм ва пантуркизмнинг ҳийла-найранглари деб баҳоладилар.

Минтақадаги миллий озодлик ҳаракатининг барча окимлари халқларни жипслаштириш мафкураси сифатида туркизмнинг реаллиги ва таъсирчанлигидан далолат берарди. Унинг шиорларини мазкур ҳаракатнинг айрим босқичларида иштирок этган барча ижтимоий кучлар ва шу жумладан, Туркистон мухторияти, миллий демократик харакат (жадидлар), истиқлолчилар харакати («босмачилар» деб аталган харакат) қўллаб қувватлади.Т.Рисқулов бошчилигида Туркистон миллий комунистлари «Турк совет республикаси» ни ташкил этиш хусусидаги қатъий фаолият олиб борди. Турар Рисқулов ва маслакдошларининг 1920 йилдаги чиқиши туркий халқлари бирлиги ғоясини уларнинг сўнгги таянчи бўлган Туркистон минтақасида уларнинг ўз давлат тузимини Ўрта Осиё давлатчилигининг тарихан қарор топган шаклларига, турмуш тарзига, ижтимоий аҳволига аҳлоқи, иқтисодий ва маънавий маданиятига мувофиқ тарзда барпо этиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга зўр бериб уринишдан иборат эди.

Маълумки Россия раҳбарияти уша вақтда миллий коммунистларнинг улка халкларни давлатчилигини туркийлар бирлиги асосида қуриш хақидаги даьволларини рад этиб, бундан кейин ҳам уларни булиб юбориш ва  Россия таркибида айрим автоном, миллий давлат тузилмалари ташкил этиш йўлидан бориш ниятини қатъий баён қилган эди.

Марказнинг юқори сиёсий рахбарияти учун Туркистонни бўлиб юбориш, уни ягона давлат тузилмаси сифатида йўқ қилиш ғояси устувор бўлиб қолди. У Туристонннни сақлаб қолиш ўзининг империяча мақсадларига хавф туғдиради деб ҳисобларди, чунки «Туркистон» унда яшовчи барча халқлар онгида уларнинг тарихий Ватани рамзи сифатида тушуниларди, унинг мустақиллиги ва озодлиги учун курашда доимо бирлаштирувчи таъсирчан омил бўлиб келган эди.

1924 йил 15 сентябрда Турк МИҚ нинг навбатдан ташқари сессияси иш бошлади. Унинг кун тартибида битта масала: миллий-худудий чегараланиш масаласи турарди. Маърузада миллий- худудий чеграланишни «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи» ни тўлиқ амалга ошириш, янги «миллий-давлат тузилмалари»ни ташкил этиш сифатида тушуниш кераклигига асос солинди. Шу билан бирга Исломов маърузасида, миллий-ҳудудий чегараланиш, «халқларнинг ҳоҳиш-иродасини билдириш акти», деган тезис биринчи бор очиқ айтилди: «Туркистон халқлари билан биргаликда Бухоро ва Хоразм халқлари ҳам миллий чегараланиш тўғрисида ўз хохиш-иродасини билдирдилар. Улар ҳам барча ўзбеклар, қирғизлар ва туркманларни ягона давлатга бирлаштириш йўли билан қилинган тарихий адолатсизлик оқибатларини тузатишга интилмоқдалар». Бу 1924 йил 16 сентябрда Турк МИҚ сессиясининг чегараланиш тўғрисида қабул қилган қарорида ўз ифодасини топди.

20 сентябрда Советларнинг V Умумбухоро қурултойи бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда қуйидагилар қайд қилинган эди:

«… Умумбухоро қурултойи Файзулла Хўжаевнинг ўрта Осиёнинг миллий белги бўйича чегараланиши тўғрисидаги маърузаси юзасидан қарор қилди:

- а) Барча миллатларнинг ўз ҳаёти ва тақдири ўз қўлига берилсин, бунинг учун Ўзбекистон республикаси ташкил этилсин;
  б) жуда тез вақт ичида Урта Осиё аҳолисини социалистик хаётга жалб қилинсин.

  в) иқтисодий ва хўжалик асосларида уларнинг ифодаланган истаклари амалга оширилиши таъминлансин;

  г) аввалги буюк ўзбек маданиятини тиклаш мақсадида Туркистон Бухоро ва Хоразмнинг ўзбек аҳолиси таркибидан Буюк Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилсин, бу вилоятда яшовчи тожиклардан Тожикистон Автоном вилояти ташкил этилсин…

- Ўрта Осиё вилоятларида яшовчи қозоқ-қирғизларнинг (қозоқларнинг .- Тахририятдан ) тенг ҳуқуқлилигини эътироф қилинади. Қурултой туркман халқи манфаатлари йўлида Туркманистон Республикаси ташкил этилишини мақсадга мувофиқ деб топади.
- Ўзбекистон ва Туркманистон республикаларининг Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи таркибига кириши зарур деб ҳисоблансин».

1924 йил 29 сентябр – 2 октябрда бўлиб ўтган Советларнинг Умумхоразм V қурилтойи ҳам миллий давлат чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилди. Қурултой қарори асосида Хоразмда яшовчи ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларга Хоразм Республикаси таркибидан ажралиб чиқиб, тегишли миллий республикалар ва мухтор вилоятларга бирлашиш ҳуқуқи берилди.

Шундай қилиб 1924 йилнинг охири большевизмнинг Ўрта Осиёни миллий-ҳудудий чегаралаш борасидаги сиёсати амалга оширилиши билан нишонланади. Бу большевизмнинг асосий мафкуравий ва сиёсий душмани бўлган туркизмга қарши кураш манфаатлари тақозоси билан моҳирона ўйлаб топилган ҳаракат эди. Туркизм ўнлаб йиллар мобайнида чоризм ва большевизмнинг империяча муддаоларига қарама-қарши туришнинг ҳал қилувчи омили, бутун Ўрта Осиё минтақаси миқёсида қудратли миллий-озодлик ҳаракатининг асосий бирлаштирувчи кучи бўлиб қолган эди.

Минтақа халқларига мажбуран тиқиштирилган бу сиёсатни амалга ошириш учун вақт ва маблағ билан бир каторда катта куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинди. Биринчи даврда – миллий чегараланиш ғояси пайдо бўлган 1920 йилдан 1924 йилгача, уни амалда рўёбга чикариш бошланган пайтгача, унинг мафкуравий, сиёсий, маданий-маънавий асослаш ва шундан кейинги ҳаракатлар учун замин тайёрлаш механизми ишга туширилди. «Ягона туркий миллат бўлмаганидек, ягона туркий маданияти ва ягона туркий тил ҳам йўқ» деган шиорлар остида тўрт йил мобайнида дастлаб Туркистон, кейинроқ Бухоро ва Хоразм республикалари халқлари онгига кенг миқёсида тазйиқ ўтказилди, миллий ўхшаш тузилмаларнинг шаклланиш жараёнидаги интеграция сунъий равишда жадаллаштирилди. Иккинчи давр, 1924 йилда бевосита миллий чегараланиш ўтказилди, уни бошдан охиригача РКП(б) МҚ раҳбарияти ва унинг мухтор вакиллари рахбарлигида Ўрта Осиё партия ташкилотлари амалга оширдилар. Махаллий халқларнинг хоҳиш-иродаси мутлақо хисобга олинмади ва уларни ўрганиш механизми ишлаб чиқилмади.

Халқларни миллий чегараланиш ғояларини амалга ошириш большевикларнинг тактик устамонлиги билан муваффақиятли руёбга чиқарилди. Аввало, бу ғоянинг дастлабки вазифаси ҳал этилди-туркийлар бирлиги мафкурасига ва амалиётига сезиларли зарба берилди. Миллий тузилмалар ташкил этилиши, уларга, «Миллий давлатчилик» мақоми берилиши билан Марказ минтака халқларининг диққатини ташқи душмандан (улар учун ташқи душман Марказнинг ўзи эди) ички муаммоларга йуналтиришга муваффақ бўлди.

Лекин бу энг асосийси бўлиб, большевиклар бу ҳаракат билан ўзларининг стратегик ниятларида ҳам муҳим ютуқларни қўлга киритдилар. РСФСР нинг Туркистон Автоном Республикаси билан бир қаторда миллий-ҳудудий чегараланишига ҳуқуқий жиҳатдан мустақил Бухоро ва Хоразм республикаларининг ҳам жалб қилиниши, уларнинг қисмларга бўлиниши ва улар асосида янги миллий тузилмаларнинг ташкил топиши, уларнинг СССР таркибига киритилиши натижасида Ўрта Осиёнинг бу икки қадимги давлати дунёнинг сиёсий харитасидан бутунлай йўқ қилинди. Шу тарика, большевиклар чоризмнинг империячилик сиёсатига, унинг «Ўрта Осиё минтақасига бўлган геополотик даъволари»га садоқатларини яна бир карра тасдиқладилар.Шу даврдан бошлаб қадимий Туркистон ҳудуди большевиклар давлатининг икки ғилдиракли аравасига мустаҳкам боғлаб қўйилди.

Ўрта Осиё халқлари учун бу чегараланиш ва ташкил этилган янги «миллий давлатчилик» уларнинг бундан кейинги тараққиётига янги нозик фарқлар олиб кирди. Ўрта Осиё давлатчилигининг минг йиллик ривожланиш тарихига путур етказилди. Ҳукмрон сулоларнинг тез- тез алмашишига, макон-ҳудуд мезонларининг ўзгаришига қарамай, Ўрта Осиё давлатчилигининг асосини ташкил қилган муҳит- унинг аҳоли тарихан турли этник гуруҳлардан ташкил топмаганлиги ва унинг тарқоқ ҳолда жойлашганлиги, унинг ўзига хос улган хўжалик, маиший, диний, маънавий-маданий ҳаётининг муштараклиги ўзгармай қолаверарди. Ҳар бир этник гуруҳ ўзининг муайян жойига эга бўлгани ҳолда бу муштаракликнинг таркибий, ўзгармас тенг қийматга эга бўлган қисми бўлиб тураверарди. Энди эса, иттифоқдош, мухтор республикалар ва вилоятларнинг ташкил топиши билан миллатларни фарқлаш, табақалаш жорий этилди. Бу фарқ фақат уларнинг ташкил топиш мақоми билангина эмас, балки унинг ичидаги мазкур тузилмага ном берган этноснинг ному ва «оз сонли миллатлар» билан яққол кўзга ташланар эди.

Шундай қилиб, миллатнинг бир қисми ўз ота-боболари ерида яшаб, меҳнат қилса-да, расмий таърифга кўра, «оз сонли миллат» га айланиб қолган эди, бу эса уларнинг онгига таъсир қилмасдан қолмасди, ўз ҳуқуқларининг қандайдир паймол қилинганлигида деб тушунардилар, бу ҳол тузилмалар ичидаги этно-миллий жараёнларга шак-шубҳасиз салбий таъсир кўрсатарди. Вазиятнинг мураккаблиги «бўлиб юборилган этнослар» муаммоси билан янада чуқурлашарди, чунки янги миллий тузилмалар «титули» миллатнинг асосий қисмини ўзида жамлаган бўлса-да, тарқоқ ҳолда жойлашиш туфайли кўп этник гуруҳлардан иборат жамият ҳам бўлиб қолганди, уларнинг ҳар

бирида ўхшаш этносларнинг маълум қисми мавжуд эди. Аслида, большевиклар андозасидаги миллий-ҳудудий чегараланиш Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги бўлажак муносабатлар жараёнлари остига маълум вақтда портлайдиган мина қўйиш деган гап эди, улар фавқулодда вазиятларда портлаб, турли низолар ва кескин ҳолатлар келтириб чиқариш муқаррар эди.

Шу билан бирга, янги тузилмаларни Ўрта Осиё халқларининг «миллий давлатчилиги» ташкил этилганлиги сифатида баҳолаш ҳам тўғри бўлмаса керак. Чунки СССР таркибига кириш ва СССР нинг ташкил топганлиги ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши, бу ерда РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ва бошқа шунга ўхшаш бутун-иттифоқ идораларининг сақланиб қолиши билан давлатга хос бўлган ҳокимият вазифалари ва ваколатларининг барчаси Марказ ихтиёрида бўлиб қолди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг жонли ибораси билан айтганда, Ўрта Осиёда ташкил қилинган бу тузилмалар давлат бўлиб шаклланмаган (давлатга ўхшаш) тузилмалар эди. Мазкур тузилмалар суверенитет ва мустақилликдан батамом маҳрум этдилар, улар аслида СССР нинг маъмурий-иқтисодий районлари даражасига туширилган бўлиб, ташкил этилаётган вақтларидаёқ уларга асосан Марказнинг манфаатларига хизмат қилиш, хом ашё етиштириш каби вазифалар аниқ қилиб белгилаб берилган эди.

20-йилларнинг бошида Туркистонда маданий қурилиш ишлари халқ хўжалиги вайрон бўлган ва большевиклар атайлаб бошлаб берган синфий кураш кескинлашган мураккаб шароитда олиб борилди. Бу даврда Туркистон маданий ҳаёти ўзига хос зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи, салбий ва ижобий ҳолатларнинг ўзаро кураши тарзида намоён бўлди. Шунинг учун хам бу даврдаги маънавий-мафкуравий ҳолат Туркистонда ўша йилларда ижтимоий-сиёсий иқтисодий соҳаларда рўй бераётган муракаб жараёнларнинг мантиқий ўхшашлиги билан ҳамоханг бўлган эди.

Большевиклар яккаҳокимлиги тикланиб бўлингач, бу босқич маънавий ҳаётда большевикча «янги» билан махаллий ва миллий тарздаги «эски » ўртасидаги беомон кураш асосида тавсифланди.

Чор ҳукумати сиёсатига монанд равишда советлар амалга оширган маданий сиёсатнинг устувор йўналиши миллат, миллий ўзлигини англашнинг муҳим шарти бўлган маданиятни йуқ қилиш, айниқса, унинг миллий сифатларини қўпориб ташлашга қаратилган эди. Мақсадга эришиш учун совет тузуми ўрнатилган дастлабки кунданоқ большевиклар партияси

ягона, танҳо ҳукмрон партияга айланишни таъминлаш, большевизмга ёт бўлган барча назария ва ғояларга қарши курашиш, уларнинг таъсирини йўқотишга қаратилган сиёсатни олиб борди. Уларнинг бундан кўзлаган асосий максади тубида эса, сиёсий манфаатлар ётарди. Бу манфаатлар большевизмнинг ҳақиқий санъат намуналарини яратишдан кўра маданият ходимларини ҳукмрон мафкуранинг содиқ солдатларига айлантиришга қаратилган кейинги сиёсатида, айниқса, яққол кўринди.

20- йилларнинг бошларида маданият ва санъат соҳасида, умуман барча соҳаларда нисбатан, маълум даражада бўлса-да, ижодий эркинлик хукм сурарди, маъмурий-буйруқбозлик тизими эса эндигина шаклланаётган эди.

Совет давлатининг Туркистон халқлари саводсизлигини тугатиш, мактаблар қуриш, мутахассис ходимлар тайёрлаш, маданият, санъатни ривожлантиришга бағишланган тадбирлари, маҳаллий миллий манфаатларини кўзлаб эмас, балки маданий-маърифий воситалар асосида ўлка аҳолисининг «коммунистик руҳда» қайта тарбиялаш ва социализмнинг «одобли» мутахассис кадрлари қилиб етиштиришга қаратилган эди. Мақсад барча ёшдаги аҳолини саводсизлигини тугатиш билан бир қаторда уларга ёппасига «коммунизм алифбоси» ни ўргатишдан иборат эди. Шунинг учун ҳам саводсизликни тугатиш маданий қурилишнинг муҳим вазифаси сифатида каралади. 1021 йил ноябрда Туркистон АССР ХКК республика аҳолиси орасида саводсизликни тугатиш тўғрисида декрет чиқарди. Дикретга биноан, саккиз ёшдан қирқ ёшгача бўлган саводсиз фуқароларнинг ҳаммаси давлат мактабларида ва саводсизликни тугатиш курсларида ўқитилиши лозим эди. 1921 йилнинг охирларида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 100 та саводсизликни тугатиш мактаблари, турли тўгараклар фаолият кўрсатаётган эди.

Мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ўз-ўзидан бўлмади. «Совет тузумини қабул қилган ва унга хайриҳоҳ бўлган «Эски зиёлилар» дастлабки даврда янги мактабларда муаллимлик қилдилар. Лекин “Сиёсий мулоҳазалар” туфайли улар «аксилиинқилобий элементлар» сифатида мактаблардан четлатилди. Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни режалаштириш мақсадида 7 та билим юрти, шу жумладан, бита хотин- қизлар билим юрти, 5та педагогика техникуми, 2та педагогика билим юрти ва бир неча қисқа муддатли курслар очилди. Биргина 1921 йилнинг ўзида Туркистон республикаси бўйича 850 та ўқитувчи ходимлар тайёрлаш қисқа муддатли курслари очилди. Шу билан

бирга ўлкада 7 та маориф институтлари иш олиб борди ва уларда 1145 талаба таълим олди. Лекин уларнинг кўпчилиги русийзабон аҳоли фарзандлари эди.

20-йилларнинг иккинчи ярми, 30-йиллар совет хокимияти учун ўзининг сиёсий ва иқтисодий мавқеини янада мустаҳкамлаши даври бўлди. Истиқлолчилар  кураши, барча ихтилофдаги сиёсий партиялар тугатилиши натижасида большевиклар мутлақ яккаҳоким партияга айланди. У жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз мафкуравий таъсирини ўтказиб борди. Айниқса бу кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлган таълимда, илмда ва маданиятда жиддий тус олди. Дастлабки йилларда маданият ва уни бошқариш жабҳаларида демократик тамойиллари бирмунча мавжуд бўлиб, ҳокимият маҳаллий урф-одатлар ва хусусиятларни ҳисобга олишга мажбур бўлган эди. Кейинчалик эса, маъмурий буйруқбозлик усуллари кенг қулоч отиб мустаҳкамланиб бориши билан ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиш, большевикча «маданий инқилоб» йўли ва усуллари устуворлик қила бошлади. Халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши ҳукмрон кучлар томонидан узоқни кўзламай ва яхши ўйламай олиб борган сиёсатлари натижасида сиёсий манфаатлар йулига бурилди. Янги зиёли кадрларни шакллантириш, эски мавжуд миллий зиёлиларни йўқ қилиш ана шу мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Саводхонлик даражасининг ўсиши бюрократик бошқарув тизимининг мустахкамланиб бориши, техника тараққиёти томон юриш ва илмий муассасаларнинг ташкил топиш жараёнлари улар устидан қаттиқ мафкуравий назоратнинг ўрнатилиши билин ҳамоҳанг равишда юз берди.

Шундай шароитларда маданиятнинг ривожи жамиятнинг маънавий ўсишига халал берувчи ва ҳатто баъзи ҳолларда уни тўхтатиб қолувчи механизмга айланар эди. Бундай аҳвол халқ таълими соҳасида ҳам мавжуд эди. Умумий бошланғич талимни жорий этиш, саводсизликни тугатиш каби ислоҳатлар ҳам ижобий, ҳам салбий тарзда кечди.

«Маъданий инқилоб» тадбири жамиятнинг барча жабҳаларини, айниқса фан ва маъданиятини ўта мафкуралаштириб, унинг ҳар бир соҳасини қамраб олди. Болъшевиклвр тарбиянинг дастлабки ва таъсирчан ўчоғи бўлган халқ таълимини биринчи кунданоқ мафкура измига солиш учун бутун имкониятини ишга солди. Мактабларда сиёсий тарбияни йўлга қўйишга ва уни такомиллаштриб боришга эътибор берди.

Маълумки, болъшевиклар мафкураси негизида асосан синфий кураш ғояси устиворлик қилган. Ўзгача фикрлашга бўлган ҳар қандай уриниш «синфий душман қаршилиги» деб баҳоланди. Гўё, «синфий душман»

ижтимоий ҳайтнинг барча жабҳаларидан, таълимда, фанда, адабиёт ва санъатда, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлиб, уни қидириб топиш, барчани шубҳа остига олиш одат тусига кириб борди.

20- йиллар охирида партия мафкура майдонига яна бир ғояни-маданий меросни инкор этиш ғоясини ташлади, бу аслида «Маъданий инқилоб» нинг асосий мақсадларидан бири эди. Бироқ совет маданияти назарияси (доктринаси) унинг айрим ғоявий раҳнамолари орзу қилганидек маданий меросни бутунлай инкор этиш йўли билан борган, деб айтиш нотўғри, албатта. Маданий меросдан фойдалиларини олиб, кераксизларидан воз кечиш, ёки уларни замонга мослаштириш ҳақидаги фикрлар ҳам бўлган. Партия раҳбарларидан бири бўлган И.А Зеленский бу ҳақда шундай ёзади: «Эски маданият икки қисмдан иборат: моддий қисмдан, биз ўзлаштирган ишлаб чиқариш аппаратидан хўжалик ва техник асос (базис)га бевосита йўлдош бўлган аниқ фанлардан; ғоявий қисмдан, ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасигина эмас, балки ишлаб чиқариш кучлари ва куроллари тақсимотидан келиб чиққан (қуроллар ва воситаларга хусусий эгалик) ғоявий қисмдан иборат. Маданиятнинг айнан шу қисмини, яъни меҳнат куроллари ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгалик фактидан келиб чиққан қисмини биз улоқтириб ташлашимиз зарур». Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, мустабид тузум мафкураси томонидан сунъий равишда бўлиб ташланган бундай маданият нафақат қарам халқлар учун, шу билан бирга рус халқи учун хам маънавий зарардан бошқа ҳеч нарса келтирмади.

Компартиянинг маданий меросни инкор этиш сиёсати араб ёзувини лотин графикасига алмаштириш ҳақидаги қарорда ҳам уз аксини топди.

Ёзув масаласи атрофидаги барча шов-шувлардан тортиб то ҳукумат, оддий ташкилотлар, ислоҳотни ташкил этувчилар меҳнати, ғоявий тарғибот ишларининг бари 30-йиллар охирига келиб мутлақо кераксиз бўлиб қолди. Ёзувни лотинчалаштириш учун ишлатилган катта маблағлар эса бекор кетди.чунки бу даврга келиб, ҳеч қандай ташвиқотсиз, буйрук тарзида ёзувнинг навбатдаги янги ислохоти – кирилл алифбосига ўтиш ҳақида карор қабул қилинди. 1940 йил май ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети III сессиясида Т.Н.Қориниёзовнинг маърузаси бўйича ёзувнинг рус графикасига ўтказиш ҳақида кўрсатма берилди. Қарорда «ўзбек халқи кенг оммасининг ташаббуси, халқнинг хоҳиш-истаги», деб алоҳида таъкидланди. Шунингдек, кириллицага ўтиш «халқлар дўстлигининг мустаҳкамлаш» воситаси деб талқин қилинди.

Маданий соҳаларни мафкура измига солиш дин масалаларини ҳам четда қолдирмади. Марксизмга асосланган совет мафкурачилари исломнинг юксак илмий-маданий қиматини инкор этиш учун унга нисбатан «социалистик турмуш тарзига мос келмайдиган» эски, қолоқ, реакцион қарашлар деган уст-қурмани танлаб олдилар. Марказнинг бу устқурмаси Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланган машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольднинг исломни жаҳон тарихининг бир кўриниши бўлган мусулмон маданияти сифатидаги таърифи эътиборга олинмади. Ўша пайтларда илғор руҳонийларнинг берган маслаҳатлари, уларнинг тинчлик-тотувлик билан таълим ислоҳатларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларни рад этилди. Чунки расмий ҳукумат улардан хавфсираб, бу янги шароитда мослашиб олиш учун уринаётган руҳонийларнинг айёр сиёсатидир, деб баҳолади. Партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги махаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамоси деган фикр мавжуд эди. Шунинг учун ҳам динга ва руҳонийларга қарши 30-йилларда очиқдан очиқ «совук уруш» эълон қилинди.Бунинг учун махсус «Курашчан худосизлар» ташкилоти тузилиб, унинг бўлимлари барча корхона ва муассасаларда ташкил этилди. Большевистик сиёсий доиралар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Бу дин-партиянинг дини, яъни марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар, воситалар ишга солинди. Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида бошқа дунёқарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъи назар, «Халқ душмани» деб эълон қилинди. Ижтимоий ҳаётнинг марксизм-ленинизм мафкураси измига солиниши айниқса адабий жараёнда яққол кўзга ташланади. 1925-1934 йилларни ўз ичига олган дастлабки давр марксча - ленинча мафкура измидаги ёзувчилар ташкилотини тузиш йўлидаги изланишлар билан характерли бўлди. Шу нуқтаи назардан қараганда, РКП (б) МҚ нинг 1925 йил 18 июндаги «Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги карори ўзбек адабиётининг кейинги тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу қарорга кўра, пролетер манфаатига хизмат қилмайдиган адабиёт намуналари бурж мафкурасининг – кўринишлари деб эълон қилинди ва уларга қарши кескин кураш бошланди. 1928 йилнинг 30 апрел-5 май кунларида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ пролетар ёзувчилари қурултойида Россия пролетар ёзувчилари уюшмаси тузилди. Пролетар адабиётини яратишни ўзига мақсад қилиб қўйган бу ташкилотнинг бўлимлари, бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам ташкил этилди. Пролетар адабиётига қарши қўйилган ва соф миллийлик таъсиридан холи бўлмагани

учун ёт ҳисобланган адабиётнинг А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари вакиллари шу даврдан эътиборан «йўловчи» деб эълон қилинди ва уларнинг ижод этишларига турли йўллар билан монелик кўрсатила бошланди.

РКП (б) МҚ қароридан кейин барча ўзбек ёзувчиларини совет даврини куйлаш, пролетар адабиётини яратиш ишига жалб этиш бошланди. Бунга жавобан Чўлпоннинг яқин дўсти, Наримонов номидаги таълим ва тарбия техникумининг мудири Эсон афанди: «Шоир ямоқчи эмас, у буйруқни қабул қилмайди», деб чиқди. Чиндан ҳам, на Чўлпон, на Фитрат ижодида советланиш жараёни кўринди. Шундан кейин уларга қарши ошкора кураш бошланди. 1927 йил октябрида республика маданият ходимларининг Самарқандда бўлган қурултойидан мунаққид Вадуд маҳмуд шармандаларча ҳайдаб чиқарилди. Чўлпон ва унинг маслакдош дўстлари ўзбек адабиётидаги ёт унсурлар деб эълон қилиндилар. Ўша йилнинг бошларида Айни (Олим Шарафиддинов) ва Усмонхон (Эшонхўжаев) нинг Чўлпонга қарши қаратилган мақолалари билан бошланган тазйиқ ва таҳдид шу тарзда давом этди ва кучайиб борди.

Пролетар адабиётини яратиш ғояси гарчанд сунъий бўлсада, октябр тўнтаришининг моҳияти ва ленинча-сталинча социализмнинг табиати билан уйғун бўлган эди.

Большевиклар ҳокимият тепасига келишлари биланоқ халқни бойлар ва камбағалларга ажратиб, бойларни қулоқ сифатида тугатган бўлсалар ҳам адабиётда сўнгги вақтларга қадар бойлар кишилик жамиятининг йиртқич қисми сифатида тасвирланди.

Ўзбек адабиётининг Фитрат ва Чўлпон каби «кекса» авлоди вакилларининг 30-йилларда эркин ижод этишига йўл қўйилмайди. Уларнинг совет воқелигини тасдиқловчи, аммо бадиий жиҳатдан саёз асарларигина эълон қилинди. Партия ўз эътиборини Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Яшин, Абдулла Қаҳҳор каби шоир ва ёзувчиларнинг коммунистик руҳда шаклланишига қаратди. Шу мақсадда рус мумтоз ва замонавий адабиётининг советларга мос асарларини миллий тилларга таржима этиш ва улардан ўрганиш ишлари рағбатлантирилди. Шоир ва ёзувчиларнинг ўз асарларида Ленин ва Сталин образларини яратишларига алоҳида эътибор қаратилди, коммунистик образи ўзбек адабиётининг асосий образига айланди, ўзбек кишиси онгининг шаклланиши, албатта, рус «оға»сининг иштироки ва таъсирида рўй бериши лозимлиги адабиёт олдида қўйилган асосий талаблардан бири эди.

Совет тузуми, бир томондан ўзбек адабиётининг рус ва жаҳон адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлишига имконият туғдирган бўлса, иккинчи томондан, унда эрксеварлик, миллатпарварлик ва миллий тараққиёт ғояларининг куйланишига жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди. 1929 йили турли баҳоналар билан уюштирилган «тозалаш» компанияларида ўзбек зиёлиларининг дастлабки авлоди маҳв этилди. Улар орасида Боту сингари совет тузумига содиқ ёш ёзувчилар ҳам бор эди. Аммо 1929-1930 йиллардаги «тозалаш» билан ўзбек халқи ва унинг маданиятини советлаштириш малол эканини тушунган давлат ва партия 1937 йилда адабиётимиз ва умуман маданиятимизнинг энг сара арбобларини йўқ қилиб, ҳатто улар номини тарихдан ўчириб ташлаш учун барча чораларни кўрди. А.Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Элбек, Усмон Носир, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий сингари ёзувчилар «халқ душманлари» деб эълон қилинди.

Советлаштириш сиёсати санъатнинг барча соҳаларига шу жумладан кино санъатига ҳам кириб борди. Кино санъатини социалистик мезонда ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат уни ўз тасарруфига олди, чунки ундан халқ оммасини коммунистик мафкура измига солишда кенг фойдаланиш кўзда тутилган эди.

Шу йилларда Қори Ёқубов томонидан биринчи бўлиб ўзбек халқ мусиқа ансамбили ташкил этилди, 1926 йилда эса биринчи ўзбек мусиқа театри юзага келди. У ерда К.Яшин, М.Мухамедов, Т.Жалилов, Т.Содиқов ва Р.М Глиэр либретто ва мусиқаллари асосида «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара», каби биринчи миллий опералар қўйилди.

Сиёсий мафкура миллийликни ўз таъсирига олишга қанчалик уринмасин халқ миллий маъданияти, халқ миллий саънати ўзини намоён қила олади. Декада кунлари концерт берган Ҳалима Носирова овозига ҳаттоки «халқлар доҳийси» тан бериб, уни «Шарқ булбули» деб атагани маълум.

Мустабид совет тузуми йилларида вақтли матбуот ва маъданий-оқартув муассаларига ҳам кенг эътибор қаратилган. Чунки Ўзбекистон аҳолисини унинг учун ёт бўлган марксизм-ленинизм ғоялари асосида тарбиялашдек муҳим сиёсий вазифа ана шу «маъданий ўчоқлар» зиммасида эди.

Вақтли матбуот марксизм-ленинизм ғояларини халқ онгига сингдириш, синфий курашни авж олдириш бобида совет тузумига жон-дили билан хизмат қилади.

«Маданий инқилоб фронтидаги ғоявий тўсиқлар», «Миллатчи аксиинқилобчилар ва уларнинг биздаги гумаштлари», «Ўзбекистон мактабларни политехникалаштаришда миллатчи оғмачаларига қаши кураш» ва бошқалар. Ана шу оғир шароитда, мафкуравий қолиплар занжирида Ўзбекистон маъданияти ривожланди. Бу ажабланарли эмас, чунки ўзбек халқининг билимга, маданият ва тараққиётга  интилиши қадимдан жўшқин бўлган. Шу боис совет тузуми йилларда ҳам, сиёсий мафкура тазийқларига қарамасдан маданият майдонида талантли ўқитувчилар, маорифчилар, олимлар, актёрлар, рассомлар, хайкалтарошлар, мусиқачилар, бастакорлар, қўшиқчилар ва раққосалар етишиб чиқиб, улар Ўзбекистон фани, ўзбек миллий маданияти ва саънати ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар.

Бироқ бу ютуқлар ўзбек халқи томонидан бой берилган улкан йўқотишлар ва кучли ижтимоий зилзилалар эвазига қўлга киритди. Хукмрон ва мустабид коммунистик тартибот (режим) томонидан буюрилган мафкуравий йўл-йўриқлар, ғоялар ва маданий жараёнинг тўлақонли тараққиётга йўл бермади. Ўзбек маданияти бундан ҳам етук, янада теран юксак бўлиши мумкин эди .

**Маъруза бўйича асосий маълумотлар ва таянч иборалар:**

1.Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида Мовароуннаҳр халқлари ҳаёти.

2.Мустақил хонликлар, ўзаро маданий алоқалар.

3.Илм фан, адабиёт, тарих, меъморчилик, халқ амалий санъати.

4.Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати.

5.Жадидчилик, уларнинг ғоялари.

6.”Шаклан миллий, мазмунан социалистик” маданият.

**Ижодий топширик.**

1.Хонликлар меъморчилигида XVII-XX асрларда энг машҳур бўлган меъморчилик обидалари номларини ёзинг.

2.Туркистон жадидлари илгари сурган ғояларини ёзиб топширинг.

**Маданиятшунослик фанини ўқитишда педагогик технологик карта**. **8-мавзу.**

<table>
<tr><td>Мавзу</td><td colspan="2">Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт.</td></tr>
<tr><td>Мақсад</td><td colspan="2">Ўқитувчи: Талабаларга мустақиллик шарофати туфайли ҳалқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлгани, эркин фикрга, миллий тафаккурга, миллий тикланишга кенг йўл очилганлиги хусусида сўз юритади. Бунинг учун халқ дунёқарашни миллий истиқлол руҳида шакллантириш зарурлигига тўхталади.<br><br>Талаба: ўрганиш, дарсда фаол иштирок этиш. Топшириқларни бажариш.</td></tr>
<tr><td>Вазифа</td><td colspan="2">Ўқитувчи: мавзуга оид мультимедиа материалларини, оғзаки маълумотларни, тарқатма материалларни талабалар жамоа ҳолатида ўзлаштириб олишлари, ҳамда “Ақлий ҳужум”, муаммо пед.технологиялари орқали ўзбек халқи маданий мероси, миллий қадриятлари ва мустақиллик йиллари миллий маънавиятимизда рўй берган туб ўзгаришларни мазмун моҳияти ҳақидаги талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш.<br><br>Талаба: жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ва кафолати эканлиги, бирон-бир мамлакат ўз маънавий ва аҳлоқий қадриятларнинг ривожлантирмай, халқнинг миллий руҳини уйғотмай ва мустаҳкамламай туриб, юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмаслигини англашига эришиш.</td></tr>
<tr><td>Дарс жараёнининг ташкил этилиши</td><td>1.Ташкилий қисм<br><br>2.Мақсад ва вазифаларни қўйиш<br><br>3.Ўрганилганларни умумлаштириш, такрорлаш, тизимлаштириш<br><br>4.Якун ясаш<br><br>5.Уйга вазифа</td><td>5 дақиқа<br><br>3дақиқа<br><br><br>57 дақиқа<br><br>10 дақиқа<br><br>5 дақиқа</td></tr>
<tr><td>Дарс жараёнининг мазмуни</td><td colspan="2">Мустақиллик, миллий тикланиш, маданий мерос, Таълим соҳасидаги тадбирлар, маданий соҳасидаги туб ўзгаришлар, адабиёт, санъат, мусиқа, спорт соҳаларидаги ўзгаришлар. Уларнинг тарбиявий аҳамияти.</td></tr>
<tr><td>Ўқув жараёнини амалга ошириш</td><td colspan="2">Услуб: оғзаки баён қилиш, “ақлий ҳужум”, “муаммо” пед технологияси.</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| технологияси. | **Шакл**: маъруза, жамоада ва гуруҳларда ишлаш.<br><br>**Восита**: презентация, тарқатма материаллари, нутқ.<br><br>**Усул:** тушунтириш, кўрсатиш, сўраш, муаммоли савол.<br><br>**Назорат**:, оғзаки назорат, кузатиш. |
| Кутилаётган натижалар | **Ўқитувчи:** мавзу барча талабалар томонидан ўзлаштири-лишига эришиш. Талабалар фаоллигини ошириш. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқишни кучайтириш. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш.<br><br>**Талаба:** миллий мустақиллик даврида маданий соҳада рўй берган ўзгаришларни мазмун моҳиятини англайди, янги билимларни ўзлаштиради. |
| Келгуси режалар | **Ўқитувчи:** янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарс жараёнига татбиқ этиш, ўз устида мунтазам ишлаш. Ўтилаётган мавзу ҳаёт билан боғлаши, педагогик маҳортни ошириш.<br><br>**Талаба:** мавзу бўйича қўшимча адабиётлар билан танишиш, уларни ўрганиш. |
XVIII аср бошларида Қўқон хонлиги вужудга келади. Бу даврда Туркистон халқлари маданияти асосан шу уч худудда ривожланди. XIX асрнинг I ярмига келиб, хонликларда маълум маданий силкишлар рўй берди, маданиятимиз тарихига муҳим ҳисса қўшган адиб, саънаткор, олимлар етишиб чиқди.

Шайбоний ва аштархонийлар ҳукмронлиги даврида (1500-1753йй) фан ва маданият, хусусан, тарих, адабиёт, меъморчилик маълум даражада ривожланди. Лекин XVII асрга келиб, Аштархонийлар замонасида мадрасаларда диний адабиёт асосий ўринни эгаллаб, дунёвий фанларни ўқитиш иккинчи ўринга тушиб қолди. Бу даврда Бухоро, Хива, Қўқон тарихнавислик мактаблари шаклланди.

Фазлуллоҳ ибн Рузбехон
"Мехмоннома Бухоро"

Ҳофиз Таниш Бухорий
"Шарафномаи шоҳий"
("Абдулланома")

Зайнуддин Васифий
"Бадоеъ ул-вақое"

Муҳаммад Вафо Карманагий
"Тукфай ул-хоний"

**Бухоро тарихнавислик мактаби**

Мирза Муҳаммад Ҳайдар
"Тарихи Рашидий"

Муҳаммад Амин Бухорий
"Убайдулланома"

Муҳаммад Юсуф Мунший
"Тарихи Муқимхоний"

Абдураҳмон Том
"Тарихи Абулфайзхон"

Муҳаммад Шариф
"Тарихи Амир Ҳайдар"

Яъқуб Бухорий
"Гулиан ул мулк"

Абулғози Баҳодирхон
“Шажараи Турк”

Мунис Хоразмий
“Фирдавс-ул иқбол”

Огоҳий
“Гулшани давлат”
“Зубдат ут-таворих”

**Хива тарихчилик мактаби**

Баёний
“Хоразм тарихи”
“Шажараи Хоразмшоҳий”

*Мулла Олим Махдумҳожи “Тарихи Туркистон”*

*Фозлий Намонгоний “Шоҳнома”*

*Муҳаммад Ҳакимжонтўра “Мунтахаб ат-таворих”*

*Мушриф Исфарангий “Шоҳномаи Умархон”*

*Аваз Муҳаммад “Тарихи жаҳоннамайи”*

***Қўқон тарих мактаби.***

*Ниёз Муҳаммад Хўқондий “Тарихи Шоҳрухий”*

*“Тарихи саййидий Худоёрхон”*

*Муҳаммад Солихўжа Қорохўжа ўғли “Тарихи жадиди Тошканд”.*

*XVI аср охири – XVIII аср мобайнида Ўрта Осиёда уч хонликнинг юзага келиши мусиқа санъатида, ижрочилик ва ижодчиликда маҳаллий хусусиятлар устиворлашишига олиб келди.*

*Натижада,*

*Бухоро, Хоразм, Фарғона –Тошкент мақомлари шаклланди.*

***Бухородаги Лабиҳовуз ансамбли.***

*Девонбеги хонақохи ва мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси.*

***Самарқанддаги Регистон ансамбли.***

*Улуғбек -1420й, Шерзод -1636й., Тиллакори - 1660й.*

***Бухоро меъморчилик мактаби.***

*Болоҳовуз 1712й масжиди.*

*Халифа Худойдод 1777й. масжиди.*

*Халифа Ниёзқул (чор Минор) мадрасаси 1807й., амир чорбоғи Ситораи Моҳи Хасса XIX аср охири.*

### *Хива меъморчилик мактаби.*

*Шерғозихон мадрасаси 1718-1725йй.*

*Хива жоме масжиди 1788-99йй.*

*Боғбонли масжид 1809й.*

*Паҳлавон Маҳмуд мақбараси 1810-35йй.*

*Оллоқулихон саройи 1830-38йй.*

*Оллоқулихон тими ва карвонсаройи 1835й.*

*Оллоқулихон мадрасаси 1834й.*

*Оқмасжид XVIII-XIX аср.*

*Ичан қалъа архитектура қўриқхонаси(XIV-XXасрлар).*

### Қўқон меъморлик мактаби.

*Мулло Қирғиз Охунд мадрасаси 1910-12йй.*

*Отауллоҳхон Тўра масжид хонақоси 1914-16йй.*

*Андижон жоме масжиди мажмуаси (XIX аср охири –XXаср боши ).*

*"Мадраса", "масжид", "Минора" лардан иборат меъморий ёдгорлик.*

**4. Жадидчилик.**

*(арабча "жадид"-янги) –янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи Жадидчилик XIX аср охири ва XXасрнинг I чорагида туркий-мусулмон ўлкаларида (Қирим, Кавказ, Волга бўйи, Булғор ва жанубий Ўрол ҳавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия муҳитида вужудга келган.*

*У ўша даврда Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси Туркистон миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди.*

*Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари.*

*1.Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофатлардан озод қилиш.*

*2. "Усули қадим"ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш.*

*3. Миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш.*

*4. Туркий тилларга давлат мақомини бериш.*

## *8- Мавзу: Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маъданий тараққиёт.*

1.

- 1994 йил 23 апрелда Президент Ислом Каримов фармони билан Республика “Маънавий ва маърифат” жамоатчилик м а р к а з и ташкил этилди.
- 1996 йил 9 сентябрда Президент Ислом Каримовнинг “Маънавий ва маърифат жамоатчилик м а р к а з и фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” фармони жамиятни маънавий барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1999 йил 3 сентябрда Республика "Маънавият ва маърифат" Кенгашини қўллаб – қуватлаш тўғрисида"ги фармонига имзо чекди.

1997 йилдан бошлаб 1 октябрь "Ўқитувчилар ва мураббийлар" куни деб эълон қилинди.

"Маънавият" журнали ташкил этилди.

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилди.

Маънавий – маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши деб ҳисобланади.

1. Жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун маъсулият ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммаларига юклатилди.
2. Маънавияти юксак давлат ва миллатгина келажи буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шаклланди.

"Олдимизга қўйилган энг эзгу мақсадларимиз билан узвий боғланган бугунги кундаги яна бир ғоятда долзарб масала- Кадрлар тайёрлаш миллий дастуриниамалга ошириш , бу борада бошланган ишларимизни давом эттириш ва кучайтириш бундан буён ҳам биз учун устивор вазифа бўлиб қолди."

И. Каримов "Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз".

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий ТАМОЙИЛЛАРИ

1. Узлуксиз: таълим-фан- ишлаб чиқариш.
2. Мутахассисларга талаб истиқболини ўргатиш.
3. Ўқиткчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш.
4. Ўкувчи- ёшларни Ватанга садоқат, юксак аҳлоқли, маънавиятли ва виждонли этиб тайёрлаш.
5. Корхоналарда мактаб-институтлар базасини мустаҳкамлаш.

## “МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИ БЎЙИЧА

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ

## КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

## 1. “МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ЎҚИТИШ СТРУКТУРАСИ

**Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар**

***Бакалавр “Маданиятшунослик” курси бўйича***

Маданиятнинг моҳияти, унинг табиат билан алоқаси:

– цивилизация тушунчаси, маданиятнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиш қонуниятларини;

– маданиятшуносликнинг бўлимлари, асосий тушунчапари, маданият вазифалари ва белгиларини;

– маданиятнинг тарихий моделлари ва марказларини;

– маданият белгилари тизими, шахс ва маданият ўртасидаги ўзаро алоқаларни;

– маданиятшунослик талқинидаги маънавий қадриятларнинг инсон ва цивилизация тараққиётидаги ўрнини билиш керак.

Маданий воқелик ва санъат асослари бўйича асосланган мулоҳаза юритиш ва ўз фаолиятида фойдаланиш ***кўникмасига эга бўлиши лозим.***

Ўзбекистонда мустақилликни қўлга киритилиши, мамлакатда демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият қуриш назарияси ва амалиёти ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммоларини ўрганиш, тадқиқ этиш, ўқитишни яхшилашни янги, сифат жиҳатдан такомиллашган даражага кўтаришни талаб қилмоқда. Шу ўринда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида "Маданиятшунослик" фанини алоҳида ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

“Маданиятшунослик” курси 1990 йилдан бошлаб мамлакатимизни барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитила бошланди. Мазкур предметнинг ўқитилиши бир томондан, ҳар бир фуқарода жаҳон маданияти ва цивилизациясига, миллий маданият, маънавий-маърифий қадриятларга нисбатан чуқур эҳтиромни шакллантирса, бошқа томондан ушбу жараён жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлашга, ижтимоий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа қатор расмий ҳужжатларда эркин фуқаро маънавияти, замонавий тарзда фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга баркамол инсонни тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. "Маданиятшунослик" курси ана шундаи инсонни шакллантириҳда алоҳида ўринга эга. Ушбу предметни бўлғуси юқори малакали мутахассисда маънавий-маърифий қадриятларга янгича муносабатни шакллантиришда, аждодлар меросини эъзозлаш, уни асраш, урганиш, бойитишда аҳамияги каттадир.

“Маданиятшунослик” фани миллий истиклол ғоясини кенг фуқаролар ижтимоий онгига сингдиришда ҳам ўзига ҳос аҳамиятга эгадир, зеро маданият ва миллий истиқлол ғоясининг узвий уйгунлиги иродаси мустаҳкам, эркин фикрлайдиган, маънавий етук баркамол шахс шаклланишининг муҳим кафолатларидан биридир. “Шу билан бирга, - деган эди И.Каримов, - мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни

асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоги зарур, деб биламан".

Дарҳақиқат шундаи "Маданиятшунослик" инсон омилини шакллантиришнинг таъсирли воситаси сифатида жамиятда ижтимоий-маънавий кўтаринкиликни таъминлайди, маданий ва миллий истиқлол ғоясининг уйғунлигини кучайтиради.

## Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, жаҳон маданиятининг таркибий, ажралмас қисми ҳисобланган. Аждодларимиз томонидан яратилган миллий маданий-маънавий меросимизни тиклаш йўлидан борди. Бу йўл Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мустақил давлатимиз учун етук мутахассислар жуда зарур бўлган бир вақтда уларни бирор касб йўналтирар эканмиз, ёшлар онгида меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғояларини шакллантириш муҳимдир. Бу ғоялар эса қачон ёшлар ўз ватани тарихи, маданият тарихи, миллий қадриятларни аждодлар қолдирган маданий меросни яхши ўзлаштиргандагина шаклланади. “Маданиятшунослик” курсини олий таълим тизимида ўқитилиши ҳам шу муҳим вазифани амалга оширилишига хизмат қилмоғи керак. Шу билан бир қаторда “Маданиятшунослик” фани янгича фикрлашни, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи фан сифатида Ўзбекистоннинг миллий тикланишида таълим-тарбия тизимида муҳим вазифани бажаради.

Маданиятшунослик фанини ўрганишнинг зарурияти шундаки, инсоният жамият тараққиётига фақат сиёсий, иқтисодий, техникавий, ҳуқуқий тадбирлар билан эришиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда жамият маънавий-маданий ҳаётини ҳам юксалтиришга зарур бўлади. Шу ўринда Президент И.Каримовнингн “… кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради” деган сўзларини доимо ёдда тутиш лозим.

**“Маданиятшунослик” фани бўйича мавзули**

**режа ва соатлар тақсимоти**

| **№** | **Мавзу** | **Аудитория соатлари** | | |
|---|---|---|---|---|
| | | **Жами** | **Маъруза** | **Семинар** |
| 1. | Маданиятшунослик фанининг предмети ва вазифалари. “Маданият” тушунчаси талқини.<br>Маданият тараққиётининг асосий қону- | 4 | 2 | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ниятлари. | | | |
| 2. | Маданиятшунослик ва жаҳон маданияти масалалари. Архаик (ибтидоий) маданият<br>Анъанавий маданият. | 4 | 2 | 2 |
| 3. | Маданиятшунослик ва диний маданият. Техноген маданият: унинг моҳияти | 4 | 2 | 2 |
| 4. | Ватан маданияти тарихи. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти. | 4 | 2 | 2 |
| 5. | IX-XII асрларда Шарқ уйғониш даври маданияти. | 4 | 2 | 2 |
| 6. | Темур ва темурийлар даври маданияти (XIV асрнинг иккинчи ярми - XV аср) | 4 | 2 | 2 |
| 7. | Хонликлар ва Россия истилоси даврида ўзбек халқи маданияти. Мустабид шўро давлати даврида Ўзбекистон маданияти. | 4 | 2 | 2 |
| 8. | Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт. | 4 | 2 | 2 |
| | **Жами:** | **32** | **16** | **16** |

# 2. “МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ

## 1-мавзу. Маданиятшунослик фанининг предмети ва вазифалари

### "Маданият" тушунчаси талқини

Шахс ва жамият ҳаётида маданий тараққиёт масалаларини ўрганишнинг зарурлиги, курснинг мақсади, тадқиқот предмети ва вазифаси. Маданиятшунослик курсининг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни, ўзига хослиги ва амалий аҳамияти.

Маданиятшунослик тарихида "Маданият" тушунчасининг талқини. "Маданият" тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг маъно тизими. қадимги ва ўрта асрлар фанида "Маданият" тушунчасининг таърифи. Янги давр фалсафасида "Маданият" тушунчаси. "Маданият" тушунчасини таърифлашга гносеологик, аксеологик, онотологик ва семиотик жиҳатдан ёндашиш. Ҳозириги замон илми назарида "Маданият"нинг талқини. Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида. Моддий ва маънавий маданият. Маънавий маданиятнинг таркибий тузилиши.

### Маданий тараққиётнинг асосий қонуниятлари

Табиат ва маданият. Маданият инсон шахси ва унинг турмуш тарзини таркиб топтиришнинг ўзига хос усули. Маданият авлодлар ўртасида ижтимоий богланишнинг муҳим халқаси. Ирқий, этник, миллий маданий ва социал иқтисодий хилма-хиллик ва умумбашарий бирлик. Тарих ва маданият типларининг минтақалаштирилиши. Маданият ва цивилизация. Жаҳон халклари маданиятидаги ўзига хослик ва умумийлик. Маданиятлар мулоқоти. Шарқ ва Рарб маданиятларининг ўзаро бир-бирига таъсири. Евроцентризм ва ориентализм концепцияларининг моҳияти, шарқона тафаккурнинг ўзига хослиги.

Ҳозирги шароитда универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви. Ғоявий таъсир кўрсатиш имкониятларининг кенгайиши.

Ахборот соҳасидаги глобаллашувнинг дунё халқлари ўртасида ўзаро мулоқот, илм-фан, маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониягларни яратишга таъсири.

Инвилизация ва ҳозирги замон. Ижтимоий-муносабатлар ва маънавий-маданий ҳаёт Жаҳон маданиятшунослигининг ўзига хослиги. Маънавият қадриятлар тизимида демократик омиллар. Инсоният ҳаётида техника ва технологияларнинг ўрни ва ролининг ортиб бориши. Инсон омилининг кучайиши. Шахс манфаатининг буюк қадрият сифатида давлат, миллий, синфий, тор диний қадриятлардан устуворлиги.

Очиқ жамият ва маданият тушунчалари. Дунё маданияти. Маданият ва сиёсат. Маънавий маданиятдаги янги вазият. Романтизм ва реализм.

## 2-мавзу. Маданиятшунослик ва жаҳон маданияти масалалари.

### Архаик (ибтидоий) маданият

Маданиятнинг вужудга келиши. Маданий даврлар тушунчаси. Мехнат қуроллари ва табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси. Ибтидоий жамиятнинг шаклланиши ва социал тузилиши. Маиший турмуш ва аҳлоқ мезонлари. Ибтидоий одамнинг фикрлаши ва оламни тушунишининг ўзига ҳослиги. Билиш фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши. Ибтидоий маданиятда олам ҳақидаги билимларнинг маросимларда акс этиши. Диний тасаввурлар ва маросимлари. Санъатнинг жамоачилик хусусиятлари, маданий синкретизм (қоришиқ). Санъатнинг амалий, алоқа муносабати ва тарбиявий вазифалари. Санъат-билимлар тўплаш воситаси. Тош даври санъат ёдгорликлари: ғорлардаги расмлар, ибодат ҳайкалчалари. Маиший буюмларга ишлов бериш санъати. Керамика ва пластика. Уй-жой ва саждагоҳлар қуриш. Мифология, фольклор ва ёзувнинг пайдо бўлиши. Неолит ва энеолит даврлари меъморий қурилишлари: менгирлар, дольменлар ва кромлехлар. Ўзбекистон ҳудудидаги бу даврларга оид ёдгорликлар. Турли минтақаларда анъанавий маданият шаклланишининг умумий ҳусусиятлари.

### Анъанавий маданият

Қадимги Шарқ маданиятининг тарихий ва даврий чегаралари. Қадимги Шарқ цивилизацияси ривожидаги умумийлик ва ўзига хос ҳусусиятлар, уларнинг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни. Қадимги Шарқ маданиятида анъаналарнинг ўрни ва аҳамияти. Қадимги Шарқ дунёқарашининг ўзига хослиги. Маданиятнинг энг қадимги ўчоғи - қадимги Мессопотамия жамиятлари маданияти. Ёзма илмий ва санъатга оид ёдгорликлар (миххат,

зиккурат, математика ва астрономия, "Гилгамиш" ҳақидаги достон). Жаҳон маданиятида Мессопотамия маданиятининг ўрни ва аҳамияти.

Қадимги Миср маданиятининг шаклланиш даври. Миср маданиятида дин, унга эътиқоднинг белгиловчи ўрни. Мисрликларнинг нариги дунёдаги ҳаёт ҳақида тасаввурлари. Қадимги Миср ёзуви, фани ва санъати: эҳромлар, ибодатхоналар, рассомчилик, тиббиёт, иероглиф битиклар, адабий асарлар. Жаҳон маданияти ривожланишида қадимги Миср маданиятининг ўрни.

Қадимги Ҳиндистон маданияти. Қадимги хиндларда диний дунёқараш ва таълимотнинг ўзига хослиги. Брахманизм-жамоани табақалаштириш. Биринчи жаҳон дини - Буддизмнинг шаклланиши. Мохинжо-Даро ва Хараппа цивилизацияси. Ҳинд фалсафаси ва фанининг ҳусусиятлари. Санъат ва адабий асарлар (зинапоясимон тош ибодатхона, тасвирий санъат ва хайкалтарошлик, "Ведалар", "Маҳобҳорат", "Рамаяна", "Панчатантра", драматургия). Ҳиндистон цивилизациясининг "ошкоралиги" ва бошқа халклар маданиятларига таъсири.

Қадимги Хитой цивилизацияси вужудга келишининг шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари. Хитой маданий дунёсининг биқиқлиги. Конфуцийчилик, даосизм, моизм ва легизм каби фалсафий таълимотларининг пайдо булиши. Хитой маданиятининг ижтимоий-аҳлоқий мазмуни. Ёзув, адабиёт, санъат ёдгорликлари. Буюк Хитой девори. Буюк ипак йўли. Хитой маданиятининг қўшни халқларга таъсири.

Қадимги маданиятни чўққиси бўлмиш Антик маданиятнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. қадимги Юнон цивилизациясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Антик маданиятда янги шаклдаги (илмий мантиқ) фикрлашнинг вужудга келишида сиёсий тузумдаги демократик жараённинг таъсири. Антик давр фалсафаси ва динининг қадимги Шарққа нисбатан ўзига хослиги. Юнон афсоналари, Юнон маданиятининг пластик (нафис) хусусиятлари. Тасвирий санъат, меъморчилик, театр, спортнинг антик маданиятдаги ўрни.

Қадимги Лотин маданияти. Қадимги римликларни дунёни идрок этиш хусусиятлари. Республика ва Империя даври маданияти. Тамошалар ва диний эътиқодлар. Қадимги римликларнинг ҳарбий санъати. Рим ҳуқуқи. Римликларнинг муҳандислик иншоотлари. Хайкалтарошлик, меъморлик. Эллинистик маданиятнинг Қадимги Лотин маданиятга таъсири. Шарқдаги эллинистик марказлар. Антик маданият инқирози ва христианликни вужудга келиши.

## 3-мавзу. Маданиятшунослик ва диний маданият.

## Техноген маданият ва унинг моҳияти.

Ўрта асрлардаги "Дунё қиёфаси". Европа ва Шарқ маданиятининг христиан ва ислом дини ақидаларида намоён бўлиши. Умумий ахлоқ мезонларининг ўрнатилиши ва ёйилишида диннинг ўрни. Исломий маданиятнинг шаклланиши ва унинг асосий йўналишлари. Араб тили ва илмий адабий алоқаларнинг ривожланиши. Қуръон ва шариат асослари. Тасаввуф. Ислом маданиятининг бадиий хусусиятлари. Китоб ва каллиграфия. Китоб безаш санъати. Ўрта аср миниатюра мактаблари. Биноларга декоратив безаш ишлаш. Масжидлар ва мақбаралар. Қалъа ва саройлар. Шаҳар маданиятининг шаклланиши. Илмий билимлар ривожи.

Ўрта асрларда Европа халклари маданиятининг шаклланиши. Европа ўрта асрлар маданиятининг манбаи: антик маданият, христианлик, мусулмон шарқи. Ўрта асрлар Европа маданиятининг табақа-манфаатчилик хусусияти. Каролнинг уйғониш даври. Ўрта аср халқ маданияти. Рицарлик ва роҳиблик-ҳаёт тарзи сифатида Византия маданияти. Роман санъати. Черков ва ибодатхоналар. Эҳромлар ва қўрғонлар. Готика. Шаҳар маданиятининг ривожланиши. Университет илмининг вужудга келиши. Географик кашфиётлар ва денгиз йўлининг кашф қилиниши. Техника ютуқлари, Европа ва Шарқ маданияти муносабатлари.

Уйғониш даврида янги Европа маданиятининг шаклланиши. Европада Уйғониш даври маданиятининг ривожи ва антик анъаналарни тикланиши. Гуманизм. Санъатнинг ижтимоий аҳамияти. Италия ва Шимоли-Ғарбий Европада уйғониш даври маданияти ривожланишининг ўзига хослиги. Янги инсон идеалининг шаклланиши. Италия адабиёти ва санъати. Реформация, китоб нашр этиш, миллий ёзувларни тарқалиши.

XVII асрда Бароккo ва маънавий маданият. Рационализм ва илгор фаннинг дастлабки ютуқлари. XVIII аср маърифатпарварлик асри. Абсолютизмнинг инқирози. Қомусий олимлар. Классицизм ривожланишида янги босқич. Классицизм меъморчилиги ва хайкалторошлик. Адабиёт ва театр, мусиқа санъатининг юксалиши. Европа маданиятида бадиий мактабларнинг аҳамияти. XVIII аср ва XIX асрнинг бошларида Англия ва Испания маданиятида романтизм тенденцияларининг намоён бўлиши. XIX асрда капиталистик муносабатддарнинг ривожланиши ва маданият соҳасидаги юз берган ўзгаришлар. Саноат инқилоби ва илмий-техника ютуқлари. Тафаккурнинг шаклланиши: тарихий ва санъатдаги эклетика (қоришиқ). Жамият ҳаётида матбуотнинг тутган ўрни. Анъанавий маданиятнинг аста-секин бархам топиб бориши ва оммавий маданият феноменининг вужудга келиши.

Европа санъатида романтизм ва неоклассисзм. Адабиёт ва тасвирий санъатда реализм, импрессионистлар ва постимпрес-сионистлар.

XX аср бошларида маданият ривожидаги янги йуналишлар. Санъатнинг янги турлари: киноматография, телевидениенинг вужудга келиши ва уларнинг театр, адабиёт рассомчилик ва бошқа санъат сохаларига ўзаро таъсири. Ҳозирги замон бадииятида оммавий юксак (профиссионал) маданиятнинг ўзаро нисбати.

Илмий технология инқилоби ва XX аср цивилизациясининг аграр индустриал хамда замонавий ахборот-компьютер босқичлари. Бу тараққиётнинг интернационаллашувида алоқанинг телекомуникация воситалари. Илмий ва бадиий маданият уйғунлиги. Маърифий таълимда умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти. Маданий ривожланишнинг умумжаҳон ўн йиллиги. 1988-1997 йиллардаги ЮНЕСКО дастури. Ўзбекистонда маданий меросни муҳофаза қилиш тадбирлари. Умумжаҳон ворислиги концепцияси, "Буюк ипак йўли" халқаро лойиҳаси. Ўзбекистон маданият жамгармасининг фаолияти. Ўзбекистонда ҳозирги маданий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

**4-мавзу. Ватан маданияти тарихи. Марказий Осиё**

**халқларининг қадимги маданияти**

Марказий Осиёда ибтидоий жамоа тузуми. Тош даври ёдгорликлари. Марказий Осиё маданияти шаклланишининг табиий-иқлимий ва этник шарт-шароитлари. Марказий Осиё маданияти таркибида турли хил маданий жараёнларнинг вужудга келиши. (Зироаткор ва кучманчи чорвадор халкдар). Милодцан аввалги III-II минг йилликларда маданий жараёнларни ўз даврига хос шаклланиши. Бронза даврида қадимги деҳкрнчилик ва чорвадор кучманчилар маданиятининг алохида ҳудудларда ажралиб ривожланиши. Илк давр шаҳар маданиятининг вужудга келиши. Ол-тинтепа. Сополлитепа. қадимги қабилалар маданий алоқаларнинг йунатишлари, маданий ҳаётни афсона ва ривоятларда ифодаланиши. Диний эьтиқодлар, Зардуштийлик ва "Авесто".

Эллин маданиятининг Шарққа кириб келиши. Юнон-Бақтрия подшолиги маданий ёдгорликлари. Эски ва Янги НИСО. Монументал меъморчилик. Парфия давлатининг қўшни мамлакатлар билан маданий алоқалари.

Қушонлар даврида Бақтрия маданияти. Буддизм ёдгорликлари. Амалий санъат. “Буюк ипак йўли" - ғарб ва Шарқ халқлари ўртасида маданий кўприк. Қадимги Хоразм маданияти. Меъморчилик ва тасвирий санъат. Халқ оғзаки ижоди ва ёзувнинг пайдо бўлиши.

**5-мавзу. IX-XII асрлар Шарқ уйғониш даври маданияти**

Марказий Осиё Реннессанси ва уни даврлаштириш муаммолари. IX-XI асрларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда юз берган ўзгаришлар. Халифалик тасарруфида бўлган Моваруннахрда Ислом маданиятининг шаклланиши. Бовдод ва бошқа маданият марказлари билан Моваруннахр шаҳарларининг алоқалари. Маъмун академияси. Марказлашган давлатлар-сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар ва хоразм-шоҳлар даврида шаҳарларнинг маданий марказга айланиши. Марказий Осиё санъатида араб халифалиги ва маҳаллий маданий оқимларнинг ўзаро синтези-жараёнининг кучайиши. Табиий, фалсафий-ахлоқий ва диний-тасаввуфий фанларнинг тараққий қилиши. Ал-Хоразмий, Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий, Махмуд Кошгарий, Юсуф Хос Хожиб, Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг қарашлари ва уларнинг жаҳон илм-фанида тутган ўрни. Меъморчилик ва тасвирий санъатдаги услубий ўзгаришлар: Мадраса, масжид, мақбара хонақохлар, карвонсарой, работ, тим каби маиший савдо ҳамда муҳофаза қурилишлари ва уларнинг услублари. Гумбазли-қуббали усулнинг яратилиши, меъморчиликда геометрик уйғунлик ва математик мутаносиблик қонуниятларининг амал қилиши. Монументал тасвирий санъатнинг ривожланишида ёғоч ва ганч ўймакорлиги. Геометрик, ўсимликсимон ва эпиграфик-арабча битикларнинг нақший декор сифатида қўлланилиши IX-XII асрлар меъморий ёдгорликлари. Бухородаги самонийлар мақбараси. Тимдаги Араб Ота мақбараси, Кармана шаҳри яқинидаги Работи Малик, Термиздаги Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Самарқанддаги Шохи Зинда ансамбли. Амалий санъатнинг кулолчилик, тўқувчилик сингари шаклларини ривожланиши.

## 6-мавзу. Темур ва темурийлар даври маданияти

## (XIV асрнинг иккинчи ярми-XV аср)

Амир Темур барпо этган марказлашган давлатда маданий-маиший ҳаётни ривожлантириш шарт-шароитлари. Маданиятни ривожлантиришга Темурнинг давлатчилик нуқтаи назаридан эътибор бериши. Самарқанд ва Хиротдаги маданий муҳит. XIV аср охири XV асрда Моваруннаҳрда қурилган меъморий обидалар. Меъморий декорда рангли сопол қопламаларнинг қўлланилиши. Гўри Мир, Оқ-сарой, Бибихоним, Шохи Зиндадаги меъморий қурилишлар, боғ ва кўшк, саройлар, Регистон ансамбли, Бухоро ва ғиждувондаги масжид га мадрасалар. Улугбек расадхонаси. Улуғбек академияси фаолияти.

Темурийлар давридаги илм-фан ва адабиёт аҳли. Тасвирий санъат ривожи. Самарқанд ва Хирот мактаблари. Хаттотлик ва китобат. Маданий мухитга нақшбандийлик тариқати сулукларининг таъсири. Хўжа Ахрор

Валий, Жомий, Навоий, тарихчилар: Шарафидцин Али Яздий, Низомидцин Шомий, ғиёсиддин Хондамирнинг тарихий асарлари.

Темур ва темурийлар маданиятининг Марказий Осиё ва жаҳондаги тутган ўрни ва аҳамияти.

## 7-мавзу. Хонликлар ва Россия истилоси даврида ўзбек халқи маданияти. Мустабид шўро давлати даврида Ўзбекистон маданияти

XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёнинг ижтимоий-маданий ҳолати. Темур ва темурийлар даврида эришилган маданий-маънавий ютуқларнинг қўлдан бой берилиши. Унинг сабаблари. Маънавий маданият ва диний мутаассиблик. Дунёвий билимларни қадрсизланиши. Илмий дунёқарашнинг чекланганлиги. қўқон адабий муҳити.

Моддий маданият. Хонликлардаги ўзига хослик.

Россия истилоси ўлка маънавий ҳаётига таъсири. Миллий-маданий мерос ва мустамлакачилик мафкураси. Мустамлакачиликнинг оғир қийинчиликларига қарамасдан миллий маданиятнинг ривож топиши. Маърифатпарварлик ҳаракати. Жадидчилик ва ижтимоий маданий кўтарилиш.

Миллий маданий меросга маъмурий буйруқбозлик тизимининг таъсири. "Пролеткультчилик" ва маданиятга нигилистик муносабат. Маданий ва маънавий қадриятларнинг сиёсийлашуви. Мадниятда синфийлик, ғоявийлик, партиявийлик. Социалистик "реализм" ва унинг мохияти.

"Совет маданияти" ва "Шаклан миллий, мазмунан социалистик, рухан байналминал мадният"ларнинг асоссизлиги. Маданият ва коммуннистик ўлчов. Маданият ва коммунистик мафкура. Совет хукуматининг маънавий қадриятларга муносабати. Миллий ўзликни анлаш ва қатағонлик. "Маданиятшунослик" фанининг сиёсий-мафкуравий чекланганлиги.

## 8-мавзу. Миллий истиқлол ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт

Миллий истиқлол ва маънавият. Миллий уйгониш ва миллий онг. Маданий муссасалар фаолиятининг янгича ташкил этилиши ва миллий маданий ворислик муаммолари. Маданият жабҳасидаги ислоҳотлар ва унда давлатнинг тутган ўрни ва вазифалари. "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази. "Олтин мерос" жамғармасининг миллий маданият равнақи миллатлараро маданиятлар мулоқотини ривожлантириш, комил

инсонни шакллантиришдаги роли. Бозор муносабатларига ўтиш даврида маданий муассасалар фаолияти, маданий хизмат кўрсатиш шакллари ва йўллари. Ҳозирги шароитда адабиёт, тасвирий санъат, меъморчилик, театр, кино ва телевидение ривожланишида ўзига хослик. Уларнинг миллий қадриятларни тиклаш, миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришдаги роли. Таълим қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти ва маънавий-маърифийислоҳотлар тизимини амалга оширишдаги роли. Миллий маданият равнакида миллий-маданий марказлар ва халқаро маданий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти.

## 3. “МАДАНИЯТШУНОСЛИК ” ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг энг маъсулиятли босқичи – ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг кескин бурилиш даврини бошидан кечирмоқда. Жамиятимиз ҳар бир фуқароси XXI асри ибтидосида, ортда қолган йилларни сарҳисоб қилиш ва келажак ҳаётнинг турли жабҳалари режасини белгилаб олиш муаммосига дуч келиши ижтимоий фан олимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Бундай ҳолларда жамият ижтимоий ривожининг илмий асосланган истиқболи режасини тузиб, унинг устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Арасту ўз вақтида айтганидек, ҳар доим ва ҳар жойда эзгуликка эришиш икки шартнинг бажарилишига:

1. Ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни тўғри белгилашга;

2. Пировард мақсадга эришиш чора-тадбирларини излаб топишга боғлиқдир[1].

Илмий тилда буни фаолиятнинг методологик асосини аниқлаш ва мақсадга етишиш, усул ва услубларини тўғри белгилаш дейилади[2].

“Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак”[3], деган эди Ислом Каримов.

Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”[4].

Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида жамиятимиз тараққиётининг яқин келажагидаги мақсад ва вазифаларини кўрсатади. У ўз нутқида жамият ривожининг етти асосий йўналишини бирма-бир тавсиялаб, уларнинг истиқболга қаратилган мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Долзарб масалалар ичида устувор йўналишлар қаторига сиёсат, давлат қурилиши ва иқтисодиёт соҳаларидан кейин таълим-тарбияни қўйди ва унинг мақсади ҳамда унга етишиши чора-тадбирларини белгилаб берди. Таълим соҳасидаги биринчи масала қилиб “…миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг, маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир” [5] - деди.

---

[1] Аристотель. Политика. -М.: 1911. С.330.
[2] Бўри Эшмуҳаммедов. Илм ҳикмати. –Т.: Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1999, 12-бет.
[3] Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. –Т., “Ўзбекистон”, 1999. 4-бет.
[4] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. –Т., “Ўзбекистон”, 1992. 78-бет.
[5] Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. –Т., “Ўзбекистон”, 2000.

Президентимизнинг Ушбу кўрсатмалари ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётганларга, шу жумладан таълим-тарбия билан шуғулланувчиларга ҳам, умумий методологик асос вазифасини ўтайди.

Маъсулиятли ва мураккаб бу вазифа, давлатнинг бошқа тадбирлари қаторида, Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Бу дастурнинг таркибий қисми сифатида таълимнинг янги модели яратилди.

Президент томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида "Ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш" унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади,

тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиқган ҳолда “Маданиятшунослик” фани бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

***Шахсга йўналтирилган таълим.*** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқган ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

***Тизимли ёндошув.*** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

***Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.*** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

***Диалогик ёндошув.*** Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди

***Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.*** Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

***Муаммоли таълим.*** Таълим мазмунини муаммоли тарзда такдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири.

Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

***Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш*** – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

***Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.*** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усулларии, амалий ишлаш усули.

***Ўқитишни ташкил этиш шакллари***: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асоланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

***Ўқитиш воситалари*** ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

***Коммуникация усуллари:*** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

***Тескари алоқа усуллари ва воситалари***: кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

***Бошқариш усуллари ва воситалари***: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

***Мониторинг ва баҳолаш***: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

**“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИ БЎЙИЧА**

**МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА**

**ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

| | |
|---|---|
| **1**<br>**мавзу** | **“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. “МАДАНИЯТ” ТУШУНЧАСИ** |

**ТАЛҚИНИ**

## 1.1. Маърузани олиб бориш технологияси

| | |
|---|---|
| *Талабалар сони:* 60 | *Вақти:* 2 соат |
| *Машғулот шакли* | Кириш-мавзу бўйича маъруза |
| *Маъруза режаси* | **1. Ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва структураси.**<br>**2. Маданиятнинг таркибий қисмлари ва вазифалари.**<br>**3. Маданият ва цивилизация.**<br>4. Миллий ва умуминсоний қадриятлар. |
| *Машғулотнинг мақсади:* Ўқув курси ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш. | |
| *Педагогик вазифалар* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| · **курснинг мақсади ва вази-фалари билан таништиради;**<br>· курснинг тузилмаси, ўқув фаолиятини баҳолаш мезон-лари ҳамда тавсия қилина-диган адабиётлар рўйхати ҳақида маълумот беради;<br>· **маданиятнинг таркибий қисмлари ва вазифаларини ёритиб беради;**<br>· **маданият ва цивилизация ту-шунчаларини ёритиб беради;**<br>· миллий ва умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини очиб беради; | · **курснинг мақсади ва вазифаларини айтиб бера олади;**<br>· курснинг тузилмаси, ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва баҳолаш мезонларини айтиб бера олади;<br>· **маданиятнинг таркибий қисмлари ва вази-фаларини санаб беради;**<br>· **маданият ва цивилизация тушунчаларига таъриф бера олади;**<br>· қадриятларнинг турларини санаб бера олади, уларга таъриф беради. |
| *Ўқитиш усуллари ва техника* | Маъруза, намойиш, блиц-сўров, ақлий ҳужум. |

| | |
|---|---|
| *Ўқитиш воситалари* | Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, коллектив иш. |
| *Ўқитиш шарт-шароити* | Компьютер, проектор (ёки проектор ва LCD панель) мавжуд аудиториялар. |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**Маърузанинг технологик картаси**

| *Иш жараёнлари вақти* | *Фаолиятнинг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *ўқитувчи* | *талаба* |
| I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут) | 1.1. Ўқув курсининг номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари, тингловчилар билимларини баҳолаш мезонлари билан таништиради. (1-илова). | Тинглайди. |
| | 1.2. Мазкур курс бўйича ўрганиладиган мавзулар бўйича назарий ва амалий машғулотлар, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Асосий ада-биётларнинг рўйхати билан таништиради. | Тинглайди. ЎУМ га қарайди. |
| | 1.3. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси, режаси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. | Мавзу номини ёзиб олади. |
| II-босқич. Асосий | 2.1. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича жонлатирувчи саволлар беради: 1) Нима сабабдан биз маданиятшунос-лик фанини ўрганмоқдамиз? | Тушунчаларни санаб беради. |

| | | |
|---|---|---|
| (50 минут) | 2) Маданият деганда нимани тушунасиз?<br>Жавобларни тинглайди ва умумлаштириб хулоса қилади. | |
| | 2.2. Экранга Маданиятшунослик фани-нинг вазифаси унинг бўлимлари схема-сини туширади. (2-илова).<br>Схеманинг маъно-моҳиятини тушунтириб беради. | Тинглайди. |
| | 2.3. Мавзу режаси бўйича слайд-схема-лардан ва мавзуни жонлантирувчи савол-лардан фойдаланган ҳолда маърузани ўқийди.<br>1. Маданият тушунчасига таъриф беринг.<br>2. Маданият сўзининг луғавий маъноси қандай?<br>3. Цивилизация нима?<br>4. Қадриятнинг турларини айтинг.<br>Мавзуни ёритиш давомида асосий жойларини талабаларга ёздириб боради.<br>Мавзуни тўлиқ баён этади. | Схема-слайдларнинг мазмунини муҳокама қилиб боради ва савол беради. |
| | 2.4. Олинган билимларни умумлаштириш мақсадида "Ақлий ҳужум" (3-илова) асосида қуйидаги саволни ўртага ташлайди: "Маданиятшунослик фани нимани ўргатади?". Жавобларни умумлаштириб хулоса қилади. | Саволларга жавоб беради. |
| III-босқич.<br>Якуний босқич.<br>(10 минут) | 3.1. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади. | Тинглайди. |
| | 3.2. Мавзу бўйича мустақил тайёрланиш учун. "Маданиятнинг асосий таърифларини аниқлаб келинг" деб топшириқ беради. | Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб олади. |
| | 3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. | ЎУМ га қарайдилар. |